


Ҳасан Абулқосимов  
Мурод Абулқосимов  
Феруза Муродхўжаева



**ДАВЛАТНИНГ МИНТАҚАВИЙ  
СИЁСАТИ ВА ҲУДУДЛАР  
РИВОЖЛАНИШНИ ТАРТИБГА  
СОЛИШ ЙЎЛЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
Наманган давлат университети

Ҳасан Абулқосимов,  
Мурод Абулқосимов,  
Феруза Муродхўжаева

**ДАВЛАТНИНГ МИНТАҚАВИЙ  
СИЁСАТИ ВА ҲУДУДЛАР  
РИВОЖЛАНИШИНИ ТАРТИБГА  
СОЛИШ ЙЎЛЛАРИ**

Наманган  
2016

УЎК- 821.512.133-9

КБК-84(5Ў36)7

A-2

Ҳ.П.Абулқосимов, М.Ҳ.Абулқосимов, Ф. М. Муродхўжаева.  
Давлатнинг минтақавий сиёсати ва ҳудудлар ривожланишини  
тартибга солиш йўллари. Монография. –Наманган, 2016

Монографияда минтақа иқтисодиёти ва давлатнинг минтақавий сиёсатининг моҳияти, мақсади, тамойиллари очиқ берилган. Ундамамлакат ҳудудларининг ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш дастаклари, усуллари ва йўналишлари таҳлил қилиниб, уларни янада ривожлантириш йўналишлари бўйича тегишли илмий хулоса, таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган. Монография иқтисодчи олимлар, тадқиқотчиларга, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ва талабаларига ҳамда иқтисодиётга қизиқувчи барча кишиларга мўлжалланган.

#### Тақризчилар:

Холмирзаев А.А. – ЎзМУ “Менежмент ва минтақавий иқтисодиёт”  
кафедраси мудири, география фанлари номзоди, доцент

Сотволдиев Н.Ж. – НамДУ “Иқтисодиёт” кафедраси мудири,  
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

НамДУ Илмий-техникавий Кенгашининг 11.02.2016 йилдаги кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилиниб, илмий тўплам сифатида чоп этишга тавсия этилган (Баённома № 02).

НГ  $\frac{1466-5716.5 - 1824200}{1467- (8.5) - (03)}$  2016

ISBN 978-9943-4609-8-0

## Кириш

Мамлакат ҳудудлари унинг ягона сарҳадларининг таркибий қисмлари сифатида ўзининг табиий иқлим, географик жойлашуви, табиий-минерал ва хом ашё ресурсларининг захиралари, меҳнат ресурслари билан таъминланганлиги, ишлаб чиқариш салоҳияти, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг ҳамда инфратузил-масининг миқёси, аҳолисининг урф-одатлари ва анъаналари, маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича ихтисослашуви, ижтимоий меҳнат тақсимотидаги ҳиссаси, аҳоли жон бошига ишлаб чиқарган ҳудудий ялпи маҳсулот кабилар билан фарқланади. Ҳар бир йирик маъмурий-ҳудудий бўлинма, яъни мамлакат ичидаги республика, вилоятлар минтақа, улар иқтисодиёти минтақа иқтисодиёти сифатида тадқиқ этилади. Йирик маъмурий бўлинма таркибидаги шаҳар, туманлар эса ҳудудлар, уларнинг иқтисодиёти эса ҳудудий иқтисодиёт деб аталади.

Минтақа иқтисодиёти миллий иқтисодиётнинг бўлинмас ва узвий бир бўғини (қисми) сифатида ажралмас умумиқтисодий сиёсат таъсирида ягона бир иқтисодий шаклда хўжалик фаолиятини юритади. Минтақалар иқтисодиётини ўрганиш мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш, долзарб ижтимоий-иқтисодий ва минтақавий муаммоларни ечиш зарурати бўйича ҳам

муҳим аҳамият касб этади. Аҳоли ҳаётини яхшилаш, турмуш даражасини кўтариш, иқтисодиётимизнинг самарадорлигини ошириш, халқни бошқариш, истиқболимизни режалаш, умуман олганда барча ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг аксарияти биринчи навбатда минтақада хўжалик юритишга бориб тақалади.

Давлат минтақавий сиёсат юритиб, минтақа ва ҳудудлар иқтисодиётлари ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий фарқларнинг катталашиб кетишига йўл қўймаслиги, уларнинг ривожланиш даражаларини бир-бирларига яқинлаштириши, потенциал салоҳиятидан унумли, оқилона фойдаланишни ташкил этиши орқали мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишни янада чуқурлаштиришга, барқарор мутаносиб ўсишни таъминлашга интилади.

Мамлакатимизда мустақилликка эришган дастлабки даврлардан бошлаб, минтақа ва ҳудудларда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, улар иқтисодиётини таркибий ўзгартириш орқали ривожланиш даражаларини бир-бирларига яқинлаштириш, улар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий фарқларни камайтиришга қаратилган давлат минтақавий сиёсати амалга оширилмоқда.

Ҳозирги даврда ҳали-бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш, мавжуд қийинчиликларни қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисо-

диётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан мамлакатни тараққий эттиришминтақа ва ҳудудларни кенг қамровли ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш чора-тадбирларини амалга оширишни тақозо этади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “Мамлакатимизнинг 2016 йилга белгилаб олинган марра ва мақсадлари, ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий устувор йўналишларини аниқлаб олишда жаҳон миқёсидаги ҳали-бери давом этаётган глобал инқироз билан боғлиқ юзага келаётган жиддий муаммоларни ҳисобга олмаслигимиз мумкин эмас, албатта. Ана шу муаммолар туфайли бугунги кунда дунё бозорларида талабнинг кескин камайиб, ноаниқлик сақланиб қолаётгани, шавқатсиз рақобатнинг тобора кучайиб бораётгани, ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиши жаҳондаги кўпчилик давлатларга салбий таъсир кўрсатаётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Бундай ўта мураккаб вазият барчамиздан эртанги кунимизни кўришда, истиқболимизни белгилаб олишда, аввало, эскича қарашлар қолипидан воз кечишни, умрини ўтаб бўлган, айтиш мумкин, инерцион усуллардан тўлиқ воз кечишни талаб этади. Биз учун асосий вазифа – ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан узлуксиз янгилаб бориш, доимий равишда ички имконият ва захираларни излаб топиш,

иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, саноатни модернизация ва диверсификация қилишни изчил давом эттиришдан иборат бўлиши зарур”<sup>1</sup>, -деб таъкидлади.

Мазкур вазифадан келиб чиққан ҳолда миллий иқтисодиётимизни, хусусан, минтақа ва ҳудудлар иқтисодиётларини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада барқарор ва мутаносиб ривожлантириш, таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилиш, уларнинг иқтисодий салоҳиятидан ва ички имконият ва заҳираларидан кенг фойдаланиш долзарб аҳамият касб этади. Бунинг учун давлат минтақавий сиёсатини ва уни амалга ошириш механизмини ҳозирги талаблар даражасида такомиллаштириш лозим бўлади.

---

<sup>1</sup>Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2016 йил 15 январь. //Халқ сўзи, 2016 йил 16 январь.

# I боб. Минтақавий иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг назарий асослари

## 1.1. Минтақавий иқтисодиёт ва давлат минтақавий сиёсатининг моҳияти, принциплари, мақсадлари

Минтақа тушунчаси жаҳон ёки мамлакат территориясининг бир қисмига нисбатан қўлланилади. Минтақа жаҳон территориясининг бир қисми сифатида ўз ичига географик, сиёсий, иқтисодий, экологик, этномаданий, ахборот, ҳарбий ва бошқа мезонлар, ёндашувлар асосида бир неча мамлакатларни олади. Масалан, Шарқий Европа, Ғарбий Европа, Ўрта Осиё, Марказий Осиё, Жанубий Шарқий Осиё ва бошқа мамлакатлар туркуми минтақалари мавжуд. Бир алоҳида олинган мамлакат ичида вилоятлар ҳам юқорида келтирилган мезонлар бўйича йирик маъмурий территориал бирлик сифатида унинг минтақаларини ташкил этади. Улар таркибидаги шаҳар ва туманлар, яъни нисбатан кичик маъмурий-территориал бирликлар, юқорида қайд қилинганидек, ҳудудларни ташкил этади.

Минтақа иқтисодиётининг шундай тизимлари мавжудки, улар ҳар бир мамлакатнинг миллий иқтисодиётида, мустақил хўжалик юритишда алоҳида ўрин тутди ва ўзининг миллий-этник хусусиятлари, маиший турмуш шароитлари, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиш даражалари билан бир-бирларидан фарқланади. Улар фаолиятини иқтисо-



диёт назариясининг макроиқтисодиёт ва микроиқтисодиёт бўлимлари ўртасидаги мезоиқтисодиёт (юнонча “mesos” оралиқ) бўлими сифатидаги фан – минтақа иқтисодиёти ўрганади. Мезоиқтисодиёт таркибига минтақада (унинг таркибий қисми бўлган ҳудудларда)ги саноат тармоқлари, ёқилғи-энергетика комплекси, қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги комплекси, қурилиш, транспорт ва алоқа коммуникацияси, уй-жой коммунал хўжаликлари, олий ва махсус таълим, соғлиқни сақлаш, уй хўжаликлари, ўзига хос кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолияти юритувчи ҳунарманд, касаначилик кабилар киради.

Ҳар бир минтақа иқтисодиёти бир мамлакат миллий иқтисодиётининг бўлинмас ва узвий бир бўғини (қисми) сифатида давлатнинг умумиқтисодий сиёсати таъсирида бошқа минтақалар иқтисодиёти билан биргаликда, ўзаро алоқадорликда хўжалик фаолиятини юритади.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири – бу иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш орқали жаҳон хўжалигига янада чуқурроқ ва самарали шаклда минтақаларни интеграциялаштиришдан иборат давлатнинг тартибга солиш сиёсатидир.

Бу борада “Ички сиёсатнинг етакчи принципларидан бири, ҳар бир кишининг, корхоналар, тармоқлар, минтақалар ва умуман давлатнинг манфаатларини монанд равишда уйғунлаштиришни таъмин-

ландан иборат”<sup>1</sup> эканлигини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов тўлақонли қилиб таъкидлаган эди. Инсонга муносиб ҳаёт шароити, ўзини ўзи, Ватанида, минтақасида ва уйида намоён қила олиш учун имкониятлар яратиш – минтақавий иқтисодиётимизнинг ва бутун мамлакатимиз ва жамиятимизни ривожлантиришнинг олий мақсадидир.

Минтақавий сиёсат- мамлакат минтақалари ва ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг давлат томонидан тартибга солинишидир. Минтақавий сиёсатнинг мақсади – мамлакатнинг яхлит ижтимоий-иқтисодий ривожланишига халақит берадиган ижтимоий келишмовчиликларнинг пайдо бўлишига хизмат қиладиган минтақавий нотенгликларни бартараф этишдан иборат. Унинг асосий вазифаси мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш ҳисобига мамлакатдаги барча минтақа ва улар таркибидаги ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини имкон қадар бир-бирига яқинлаштириш, аҳолининг турли қатламлари ўртасида моддий неъматлар тақсимоотидаги тафовутларни энг кам даражага келтириш, ҳукуматнинг бошқарув вазифаларини камайтириб, маҳаллий ҳокимият ва ўз ўзини бошқариш органлари ваколатини оширишга қаратишдан иборатдир<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup>Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. –Т.: “Ўзбекистон” 1993, 64-бет.

<sup>1</sup>Ишмухамедов А.Э., Рахимова М.Р., Ишмухамедова Л.А. Минтақавий иқтисодиёт. Дарслик.-Т., ТДИУ, 2007.-162-бет.

Минтақаларнинг ва улар таркибидаги худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилади:

1. Минтақадаги барча ресурслардан (моддий, молиявий, меҳнат) фойдаланиб, ишлаб чиқаришнинг жадаллиги ва мутаносиблигини таъминлаш ҳамда шу асосда унинг самарадорлигини ошириш.

2. Минтақаларнинг истиқболдаги ривожланиш суръатларини аниқлаш. Бунда маҳаллий ресурслардан тўла фойдаланишга эътибор бериш.

3. Илмий-техника тараққиёти ютуқларидан ишлаб чиқаришда кенг фойдаланиш. Бунинг учун минтақада илмий-техника тараққиёти жадаллашишини таъминловчи иқтисодий механизмни яратиш, режалаштиришни янада демократиялаштириш лозим бўлади. Шунингдек, корхоналарга, минтақавий бирликларга интикатив (тавсиявий) режаларни тузиш учун ҳуқуқий иқтисодий шароитлар яратиш, бозор иқтисодиёти шароитида самарали рақобат бўлишини бозор конъюктурасига мос маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш мақсадида қуйидаги вазифаларни ҳам ҳал этиш лозим:

А) ишлаб чиқаришни бозор ҳажми ва конъюктурасига мос равишда ташкил этиш ва ривожлантириш;

Б) валюта тушумларининг кўпайишини таъминлаш мақсадида ташқи иқтисодий фаолиятни кенгайтириш;

В) бозор талаби асосида тез ўзгарувчи янги технологияларни жорий этиш ва маҳсулот сифатини ошириш ва ҳоказолар.

Г) ташқи иқтисодий муносабатларни Марказий Давлат органлари билан келишилган ҳолда маҳаллий манфаатларни ҳисобга олиб ривожлантириш.

Ушбу фикрлардан келиб чиқиб, минтақавий сиёсатга – минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги мутаносибликни таъминлаш ва улар ўртасидаги энг муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлардаги фарқларни, номуносивликларни бартараф этишга қаратилган умуммиллий сиёсатнинг муҳим таркибий қисмидир, деб таъриф бериш мумкин. Минтақавий сиёсат кенг маънода мамлакат минтақа ва ҳудудларининг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини бошқариш бўйича ҳокимият органларининг мақсад ва вазифалари ҳамда уларни амалга ошириш механизмини ифодалайди.

## **1.2. Минтақа ва ҳудудлар ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш усуллари ва воситалари**

Минтақа ва ҳудудлар ривожланишини давлат томонидан тартибга солишга қаратилган давлат минтақавий сиёсатини амалга оширишнинг муҳим дастаклари қуйидагилардан иборатдир:

- ривожланаётган ёки давлат дастурига кўра ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун айрим минтақа ҳамда унинг ҳудудларида ишлаб чиқариш ва

хизмат кўрсатувчи корхоналарга молиявий имтиёзлар ёки рағбатлар берилади, яъни инвестициявий грантлар, паст фоиздаги кредитлар берилади, солиқлардан, ижара тўловларидан озод қилинади;

- ривожланаётган минтақа, унинг таркибидаги шаҳар ва туманлардаги корхона ва фирмаларнинг ўз офис, идора, ишлаб чиқариш объектларини бошқа жойларга олиб кетмасликлари учун улар фаолиятини назорат қилиш;

- ривожланаётган минтақа ва ҳудудларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмани ривожлантириш учун инвестициялар қилиш, айниқса, йўллар қуриш, аҳоли ҳаёт шароитини яхшилаш муҳим аҳамиятга эга.

Минтақаларни ривожлантиришга қаратилган давлат минтақавий сиёсатининг муҳим таркибий қисми минтақавий иқтисодий сиёсат ҳисобланади. Минтақавий иқтисодий сиёсат мақсадлари минтақавий ривожланиш мақсадлари билан узвий боғлиқдир. Иқтисодий соҳадаги минтақавий сиёсат мақсади минтақа ва ҳудуд салоҳияти, унинг чекланган иқтисодий ресурсларидан, улар ўртасидаги меҳнат тақсимооти ва кооперацияси афзалликларидан оқилна фойдаланиш асосида аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш ҳисобланади.

Ижтимоий соҳадаги минтақавий сиёсатнинг мақсади ҳар бир минтақадаги барча аҳоли қатламлари учун муносиб турмуш даражасини, шароитларини ва тенг яшаш кафолатларини таъминлаш, кишиларнинг

янаш жойини ва меҳнат қилиш жойини, турини танлаш ҳуқуқларини амалга ошириш имкониятини яратиш, ички ижтимоий муҳитнинг кескинлашишига йўл қўймасликдан иборатдир.

Шу билан бирга шаклланаётган бозор иқтисодиёти шароитида минтақа иқтисодиётини тартибга солиш бўйича давлатнинг иқтисодий минтақавий сиёсатининг мақсадлари юқоридагиларга қўшимча тарзда қуйидагилардан иборат:

- минтақаларда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш асосида аҳоли турмуш даражасини ошириш шароитларини таъминлаш;

- минтақалар билан ҳамкорликда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, янги ишлаб чиқариш технологик усуллари кўп укладли, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш асосида аҳоли турмуш даражасини ошириш;

- минтақаларда мақсадли таркибий, инвестициявий, илмий-техникавий сиёсатни амалга ошириш, иқтисодиёт реал секторида тадбиркорликни, иқтисодий ислохотлар ижтимоий муаммоларини ҳал этишга қаратилган фаолиятни рағбатлантириш;

- минтақанинг иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлаш. Минтақанинг иқтисодий ҳавфсизлиги унинг иқтисодиёти барқарорлигини ва ривожланишини ифодаловчи шарт-шароитлар, омиллар ҳамда мавжуд ҳолатлар йиғиндисини ифодалайди.

Минтақавий сиёсатни амалга оширишда биринчи навбатда мамлакатдаги минтақавий ва ҳудудий нотенгликларнинг сабаблари аниқланади. Бунда қуйидагиларга эътибор берилади:

-табиий иқлим шароитидаги кескин тафовутларнинг мамлакат айрим ҳудудлари аҳолисининг турмуш шароити ва тадбиркорлик фаолиятига таъсири;

-минтақалардаги мавжуд табиий ресурслар тури, ҳажми, сифа-ти ва улардан фойдаланиш даражаси;

-минтақаларнинг чекка, олис ҳудудларда жойлашганлиги натижасида транспорт харажатларининг кўпайиши, маҳсулот нархларининг ортиши. Бу эса ўз навбатида миллий ва маҳаллий бозорларнинг торайишига олиб келади. Транспорт ва коммуникация алоқаларининг етарли даражада ривожланмаганлиги четда жойлашган минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини секинлаштиради;

-у ёки бу турдаги маҳсулотларни (хот ашё ресурслари, оралиқ маҳсулотлар, тайёр маҳсулотлар ва хизматлар) ишлаб чиқаришга таъсир этувчи технологик ривожланиш босқичи;

-минтақанинг автономия даражаси, сиёсий шарт-шароитлари, ривожланиш тарихи ва бошқалар;

-ишлаб чиқариш инфратузилмаси, яъни транспорт ва телекоммуникацион, ахборот тизимлари, саноат майдонлари ва бошқалар билан таъминланганлиги;

-ижтимоий-маданий омиллар: шаҳарлашув даражаси, аҳолининг маълумоти, илмий марказларнинг

мавжудлиги, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, спорт иншоотлари билан таъминланганлиги;

- минтақада бозор инфратузилмасининг ривожланиш даражаси<sup>1</sup>.

Бозор иқтисодиёти ривожланган кўпгина мамлакатларда минтақавий сиёсат минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаларини бир-бирларига яқинлаштириш мақсадида инвестиция (капитал қўйилма)ларнинг қайта тақсимланишини таъминлашга хизмат қиладиган куйидаги йўналишларда олиб борилади:

Биринчи йўналишкам - ривожланган ва саноат тараққиёти паст бўлган минтақаларда инфратузилма объектларини барпо этиш ва бошқа минтақалар билан иқтисодий алоқасини яхшилашдан иборат.

Иккинчи йўналиш - юқори даражада ривожланган ва саноати тараққий этган минтақалар, хусусан, йирик шаҳарларга нисбатан маъмурий ёки молиявий чеклаш усулларини қўллаш.

Учинчи йўналиш - муаммоли минтақаларга саноат корхоналарини жойлаштириш мақсадида хорижий ва миллий хусусий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш<sup>2</sup>.

Таъкидлаш жоизки, давлат минтақавий сиёсат орқали минтақа иқтисодиётини тартибга солишда бевосита ва билвосита усуллардан кенг фойдаланади.

---

<sup>1</sup>Ишмухамедов А.Э., Рахимова М.Р., Ишмухамедова Л.А. Минтақавий иқтисодиёт. Дарслик.-Т., ТДИУ, 2007.-162-163-бет.

<sup>2</sup>Ишмухамедов А.Э., Рахимова М.Р., Ишмухамедова Л.А. Минтақавий иқтисодиёт. Дарслик.-Т., ТДИУ, 2007.-163-164-бет.



Давлатнинг минтақавий иқтисодиётга бевосита, тўғридан-тўғри аралashiши маъмурий воситалардан фойдаланиш йўли билан амалга оширилади. Бу усуллар давлат ҳокимияти кучига таяниш, рухсат бериш, ман қилиш, мажбурлаш чораларини ўз ичига олади.

Билвосита тартиблаш турли иқтисодий чоратadbирлар, восита ва дастаклар орқали амалга оширилади.

Минтақавий такрор ишлаб чиқариш жараёнларини маъмурий услублар орқали тартибга солиш куйидаги шаклларда амалга оширилади:

- минтақавий такрор ишлаб чиқариш субъектларига давлат бошқарувининг юқори органлари томонидан мавжуд ҳолат, вазиятга таъсир кўрсатувчи маъмурий фармойишлар қарорлар;

- минтақадаги корхоналар ва ташкилотлар фаолиятини тартибга солувчи қоидалар;


- тавсиялар, тафтиш, масалан молиявий-бюджет текширишлар, назорат, масалан, санитар-эпидемиологик назорат.

Маъмурий усуллар ўрнатилган тартиб, қоидаларни бузган айрим корхоналарга нисбатан мажбурлаш имкониятларини ҳам кўзда тутaди. Маъмурий усуллар ёрдамида маҳаллий бошқарув органлари давлат мулкани хусусийлаштириш жараёнларини тартибга солади, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, ҳудуддий табиий ресурсларидан фойдаланиш ҳамда ижтимоий жараёнлар билан боғлиқ масалаларни ҳал қилади (қаранг: 1.2.1-жадвал).

**Минтақавий такрор ишлаб чиқариш  
жараёнларни тартибга солишнинг маъмурий ва  
иқтисодий усуллари<sup>1</sup>**

Маъмурий усуллар	Иқтисодий усуллар
Бошқариш қарорларини тайёрлаш ва амалга ошириш учун шароит яратишга йўналтирилган аниқ манзилли топшириқлар беришга асосланади	Умумий иқтисодий қонун-қоидаларга, тамойилларга таянади
Бошқариладиган объектларга тўғридантўғри таъсир кўрсатишда, бошқариш органининг манфаатини устувор равишда қўллашда ифодаланади	Бошқариладиган объектларга билвосита таъсир кўрсатилади, турли мулкчилик шакллардаги корхоналарнинг иқтисодий манфаатлари ҳисобга олинади
Қабул қилинадиган қарорлар учун асосий масъулият бошқариш органи зиммасида бўлиб, бошқариладиган объектнинг ҳуқуқлари чекланган	Ҳўжалик субъектлари тўлиқ мустақилликка эга бўлиши, ўз фаолияти ва унинг оқибатлари учун юқори масъулиятли бўлиши тақозо этилади
Маъмурий фармойишлар, режалар директив характерга эга бўлиб, уларни бажариш мажбурий ҳисобланиб, ундан четланишга йўл қўйилмайди	Ҳўжалик субъектларини ўзининг иқтисодий манфаати нуқтаи назаридан ва иқтисодий рискни эътиборга олган ҳолда муқобил қарорлар тайёрлашга ва оқилona ечимлар топишга ундайди

<sup>1</sup> Абдурахмонов К.Х., Абдуллаев А.М., Дадабоев Ш.Х. Региональная экономика и управление Учебник. / Под ред. Акад. С.С. Гулмурова. Т. Изд-во "Fanvatexnologiya", 2007. – 425-427-бет маълумотлари асосида тузилган.



Минтақавий такрор ишлаб чиқариш жараёнларни тартибга солишнинг иқтисодий усуллари хўжалик субъектларининг иқтисодий манфаатлари орқали, солиқ имтиёзлари, кредитлар ва субвенциялар ва бошқа дастаклар ёрдамида қўлланилади. Юқори бошқариш органлари белгиланган ва тасдиқлаган қоидалар, низомлар доирасида хўжалик субъектлари, маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятига билвосита таъсир кўрсатиб, уларга кенг ваколатлар берилди.

Шунингдек, минтақалар иқтисодиётини тартибга солишга қара-тилган давлат минтақавий сиёсатини амалга оширишда адолатли ва самарали усуллардан фойдаланади. Адолатли усул-ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг шундай турики, унга кўра мамлакат фуқаролари қайси ҳудудда яшашларидан қатъий назар, уларнинг турмуш даражалари деярли бир хил шароитлар ва имкониятларда бўлиши кўзда тутилади. Самарали усул-умумдавлат манфаатлари йўлида ҳар бир минтақанинг мавжуд ишлаб чиқариш имкониятларидан, салоҳиятларидан оқилона фойдаланишга қаратилган усулдир<sup>1</sup>. Ҳар иккала усулдан тўғри ва мутаносиб фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

---

<sup>1</sup>Ишмухамедов А.Э., Раҳимова М.Р., Ишмухамедова Л.А. Минтақавий иқтисодиёт. Дарслик. Т., ТДИУ, 2007.- 164-бет.

## **II боб. Ўзбекистонда давлатнинг минтақавий сиёсати ва минтақалар иқтисодиётини ривожлантириш масалалари**

### **2.1. Ўзбекистонда минтақавий сиёсатнинг ўзига хос хусусиятлари.**

Шаклланаётган бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг минтақавий сиёсати иқтисодиётни эркинлантириш, мамлакат маъмурий-ҳудудий бирликларининг молиявий-хўжалик мустақиллигини мустаҳкамлаш республика марказий ҳукумати билан маҳаллий ҳокимликлар ўртасида вазифаларнинг тақсимланиши ва қайта тақсимланиши жараёнларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади.

Ўзбекистонда юқорида баён қилинганлардан келиб чиққан ҳолда давлатнинг минтақавий сиёсати бош мақсадлари сифатида қуйидагилар белгилаб олинган:

- мамлакатнинг барча минтақа ва ҳудудларида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгиланган ҳуқуқларнинг таъминланиши учун тенг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий шароитларни яратиш;

- республика барча аҳолисининг ижтимоий кафолатларини ҳамда тенг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялашни таъминлаш.

Ушбу мақсадларнинг амалга оширилиши қуйидагиларни тақозо этади:

- минтақаларда янги иқтисодий муносабатларни ва умумиқтисодий шароитларни қарор топтириш учун қулай шароитлар яратиш. Бунинг оқибатида турли мулкчилик шаклларига эга бўлган хўжалик субъектларининг фаолияти учун қулай шароитлар яратилади;

- минтақаларда уларнинг ва аҳолининг манфаатларини рўёбга чиқариш учун шароитлар шакллантирилади;

- маҳаллий ҳокимлик ва ўз-ўзини бошқариш органларининг минтақа ва унингҳудудларини бошқаришдаги роли ҳамда фаоллиги ортади;

- минтақаларо инфратузилмани тиклаш, қайта тиклаш. Бунинг оқибатида мамлакат миқёсида ягона иқтисодий макон, халқ хўжали комплекс шакллантирилади. Шунингдек, мамлакат минтақалариаро самарали меҳнат тақсимооти ва ижтимоий меҳнат интеграциялашуви вужудга келтирилади ҳамда бозор муносабатлари ривожлантирилади;

- кам ривожланган минтақа ва ҳудудларни ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, истиқболли ҳудудларни устувор равишда ривожлантириш.

Ушбулардан келиб чиқиб, давлат минтақавий сиёсатни амалга оширишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- республика давлат ҳокимияти ва бошқаруви ҳамда маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси

субъектларининг ўзаро тенг ҳуқуқлигининг конституцион тамойилларини таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожланиши прогноз (истиқбол) кўрсаткичларини ва мақсадли дастурларни мунтазам равишда ишлаб чиқиш;

- Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви ҳамда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларини услубий ва меъёрий жиҳатдан таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш;

- мамлакатнинг маъмурий-ҳудудий бўлинишини зарур ҳолатларда ўзгартириб туриш. Бу мамлакатдаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар инъикоси сифатида амалга оширилиб турилади.

Мамлакатда давлатнинг минтақавий сиёсатини амалга оширишнинг энг муҳим шартлари ҳам мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборатдир;

- мамлакат миқёсида ягона иқтисодий маконни таъминлаш. Бунинг учун давлат бошқарувининг умумийлигининг шарти бўлган яхлит пул, солиқ, бюджет ва молия тизимининг, яхлит ахборот маконининг мавжудлиги, асосий институционал, яъни маъмурий бошқарув тузилмалар ривожланишининг тартибга солиниши муҳим аҳамиятга эга.

- ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш, республиканинг ҳар бир минтақа ва унинг ҳудудларида иқтисодий ўсишни таъминлаш асосида аҳолининг барча табақалари турмуш даражасини ошириш-га эришиш;

- давлат раҳбарлик лавозимларида фаолият юритаётган давлат хизматчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини мунтазам ошириб бориш, раҳбар кадрлар заҳирасини шакллантириш;

- давлат хизматчилари малакасини ошириш билан шуғулланувчи муассасалар ва ташкилотлари, марказлар фаолиятини бошқариш.

Минтақаларда ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш масалалари билан вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари қошидаги Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси шуғулланади. Ҳокимликлар қошида иқтисодиёт билан шуғулланувчи барча идоралар истиқболдаги муаммоларни режалаштириш бошқармаси билан мувофиқлаштиради. Ҳокимликлар таркибида иқтисодиётнинг у ёки бу соҳалари билан шуғулланадиган молиявий тузилма халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари раҳбарлик қилади. Минтақалардаги режалаштириш ташкилотлари ўз фаолиятини жумҳуриятнинг тегишли компаниялари ва вазирлиги билан маҳаллий ҳокимият тасдиқланган низом асосида олиб боради. Низомда режалаштириш бошқармасининг фаолиятлари, ҳуқуқлари ва бурчлари аниқ кўрсатилган бўлади.

Вилоят Иқтисодиёт бош бошқармасининг қуйидаги асосий вазифалари белгиланган;

1) вилоятни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш режасини тузиш ва ундан ижтимоий ва ишлаб чиқариш соҳаларини барқарор ва мутаносиб

ривожлантиришни таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;

2) вилоят аҳолисининг халқ истеъмоли товарларига бўлган талабини тўла қондириш, аҳолининг пул даромадлари ва харажатлари мутаносиблигини таъминлаш;

3) маҳаллий бюджет ва корхоналарнинг даромадлари ҳисобига ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш тамойили асосида йиллар мобайнида 2-даражали бўлиб келган, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш.

Вилоят иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаларининг қуйидаги фаолиятлари белгиланган:

1) вилоятни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш режаларини белгиланган муддатда ва тартибда ишлаб чиқиш. Вилоят ҳудудларидаги барча корхоналарни, шаҳар ва туманларнинг бизнес режалари устидан услубий раҳбарлик қилиш;

2) республикамизнинг ишлаб чиқарувчи кучларини жойлаштириш дастурини тузишда, минтақавий ишлаб чиқариш дастурларини тузишда бевосита иштирок этиш ва тегишли тавсия ва таклифлар бериш;

3) иш жойини ташкил этиш, меҳнат баланси, моддий баланслар тузиш, режаларнинг бажарилишини назорат қилиш ва ҳоказо.

Минтақавий иқтисодий ҳавфсизликни таъминлаш минтақавий сиёсатнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Бу борада қўзланган асосий мақсад мамлакат, унинг минтақа ва ҳудудлари рақобатбардошлигини



ошириш ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш қуйидагиларга йўналтирилади:

- мамлакат ва унинг минтақаларини халқаро бозорлар билан интеграциялашувини таъминлаш, мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларини минтақа ва ҳудудлар бўйича оқилона жойлаштириш, уларнинг ўзаро алоқадорлигини, ихтисослашуви ва кооперациялашувини таъминлаш орқали мамлакат ва минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришга, барқарор ва мутаносиб иқтисодий ўсишгача эришиш;

- минтақалар инфратузилмаларини ривожлантириш;

- минтақаларда ишлаб чиқариш соҳаларининг рақобатбардошлигини ошириш;

- минтақа ва ҳудудлар ривожланишидаги фарқларни қисқартириш.

Минтақа иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлаш дастурини ишлаб чиқишда қуйидагилар амалга оширилади;

1. Миллий иқтисодиёт ва минтақавий иқтисодиёт доирасида асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар таҳлил қилинади.

2. Ҳар бир минтақанинг мамлакат минтақалари ижтимоий-иқтисодий ривожланиши даражалари классификациясидаги ўрни аниқланади.

3. Минтақадаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол таҳлил қилинади.

4. Минтақанинг асосий иқтисодий манфаатлари аниқланади.

5. Минтақа иқтисодий ҳавфсизлигига таҳдидлар классификацияси ишлаб чиқилади.

6. Минтақа иқтисодий ҳавфсизлигига реал ва потенциал таҳдидлар аниқланади.

7. Минтақа иқтисодий ҳавфсизлигини баҳолаш индикаторларини, усуллари белгиланади.

8. Минтақаларда ҳаёт фаолияти соҳалари бўйича турғунлик ва танглик ҳолатлари баҳоланади.

9. Минтақа иқтисодий ҳавфсизлиги мақсадлари белгиланади.

10. Иқтисодий ҳавфсизликни таъминлашга қаратилган минтақавий сиёсатнинг устувор вазифалари ишлаб чиқилади.

11. Минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ишлаб чиқилади.

12. Минтақа иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари мажмуи ишлаб чиқилади ва белгиланади.

13. Иқтисодий ҳавфсизликни таъминлаш бўйича маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг вазифалари, ваколатлари белгиланади.

14. Минтақа иқтисодий ҳавфсизлиги ҳолатини мониторинг қилиб бориш билан боғлиқ чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилади.

Минтақа иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлаш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш учун мамлакатда локомотив ва таянч минтақаларни ҳамда улар

таркибидаги ҳудудларни белгилаб олиш лозим бўлади.

Локомотив минтақа деб қуйидаги талабларга жавоб берадиган минтақага айтилади:

- минтақада юк ва йўловчи ташиш оқимлари барқарор ўсиш кузатилади;

- минтақада мамлакат учун аҳамиятли бўлган нуфузли илғор илмий-таълим маркази фаолият юритади;

- бутун мамлакат учун аҳамиятга эга бўлган стратегик ташаббус шаклланади;

- юқори илмий-техникавий, интеллектуал, кадрлар ва ижтимоий потенциалга эга бўлиш;

- мамлакат иқтисодий ривожланишида салмоқли улушга эга, яъни ЯИМдаги улуши юқори бўлиши лозим;

- минтақада давлат, фуқаролик жамияти институтлари ва бизнес вакиллари ўртасида стратегик ҳамкорликнинг мавжуд бўлиши;

- 10-15 йиллик истиқболда ушбу минтақа қўшни минтақа ва ҳудудлар ривожланишига туртки бериш имконига эга бўлиши керак.

Мамлакатни территориял ривожланиш бош схема-сига кўра таянч минтақа белгилаб олиниб, унинг ривожлантириш вазифалари аниқланади. Бу эса қуйидаги имкониятларни вужудга келтиради:

- мамлакатни халқаро бозорларга интеграциялашувини самарали таъминлаш, ўз территориясида товарлар, молиявий маблағлар, ишчи кучи, оқимла-

рини, инновацияларни ишлаб чиқиш ва улар муоммаласини бошқариш марказларини тўплашга мувофиқ бўлинади;

- ҳар бир минтақада бир неча локомотив ва таянч ҳудудларни шакллантириш орқали унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши жадаллаштирилади, бошқа минтақа ва унинг шаҳар ҳамда туманлари учун ингиликлар яратиш манбасига айлантирилади. Бу минтақалар қўшни минтақаларга ўз корхоналарининг буюртмаларини бериш, айрим ишлаб чиқариш бўғинларини ташкил этиш орқали уларнинг ҳам ривожланишига туртки беради;

- мамлакат минтақалари ўртасида инфратузилмавий, ишлаб чиқариш, технологик ва ижтимоий-маданий алоқадорликни таъминлаш орқали ижтимоий-иқтисодий ривожланишга эришилади;

- мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш лойиҳаларини кенг миқёсда амалга ошириш имкониятига эга бўлинади.

Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш ва иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлашда территориял-тармоқ кластерлари муҳим роль ўйнайди. Кластерларда баъзи минтақа ва унинг ҳудудларида айрим товарлар, бутловчи қисмларни хом ашёларни ишлаб чиқариш ташкил этилади. Бунга Андижон вилоятидаги Асака шаҳридаги енгил автомобиллар, уларнинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқаришнинг ташкил этилганлиги мисол бўлади. Кластер минтақа

манфаатини корхона манфаати билан уйғунлаштиради. Кластер территориал ишлаб чиқариш ичида рақобат муҳитини яратиб, ички ва жаҳон бозорларига маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этади ҳамда аҳолини иш билан таъминлашни яхшилайти, унинг ҳар томонлама ривожланишига имконият яратади. Кластер иштирокчиси бўлган хўжалик субъектларининг ўзаро алоқадорлигини, биргаликда илмий-тадқиқот, янги технологияни жорий этиш, ишларини биргаликда амалга ошириш тажриба, билим ва асосий фондлардан биргаликда фойдаланиш, рискларни камайтиришда, жаҳон бозорларига чиқишда вилоят, шаҳар ва туманларни ривожлантириш, ободанлаштиришда ўзаро ҳамкорлик қилиши кучаяди.

Минтақа иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлаш концепциясида уларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш кўзда тутилади. Бу дастурларни ишлаб чиқишда ўзаро алоқадорлик ва давомийлик, ресурсларни тежаш, инфратузилмавий таъминот тамойилларига асосланилади.

Бундай дастурларни ишлаб чиқиш ва минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш моделларини яратишда SWOT таҳлилидан фойдаланилади. Ушбу таҳлил асосида минтақаларнинг кучсиз ва кучли томонлари, имкониятлари ва таҳдид, хавфхатарлар аниқланади ҳамда уларни ривожлантиришнинг турли сценарийлари ишлаб чиқилади.

Жаҳон амалиётида мамлакат ва минтақаларини ривожлантириш дастур ва моделларини ишлаб чиқишда инерцион, экспортга йўналтирилган, мобилизацион ва мутаносиб ўсиш сценариялари, бошқача айтганда усуллари қўлланилади. Инерцион усулда ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг, минтақавий иқтисодиёт ривожланишидаги аввалги барча тенденциялари амалда сақланган ҳолда истиқболда қай даражага эришиши кўрсаткичлари аниқланади. Экспортга-йўналтирилган ривожланиш сценарийсида минтақада экспортга йўналтирилган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ва хўжалик субъектларининг ўз маҳсулотларини экспорт қилиш имкониятлариниянада ошириш, уларга қўмаклашиш тadbирларини амалга ошириш кўзда тутилади. Мобилизацион усулда ички заҳиралар, мавжуд ресурслар ҳамда бошқа иқтисодий ўсиш омиллари ҳисобга олинади ва улардан мақсадлиҳамда тўлиқ фойдаланиш режалари ишлаб чиқилади.

Мутаносиб ўсиш усулида экспортга йўналтирилган ва ички ресурсларни мобилизация қилиш вариантлари синтез қилинади, яъни уйғунлаштирилади.

Минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясини прогнозлаштириш ва асослашда улар иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлаш вазифаларини ҳам ҳал этиш кўзда тутилади. Жумладан қуйидаги вазифалар белгиланиб, ечим топилади:

- минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадлари, вариантлари, сценарийлари ва кўламлари асосланади;

- ривожланишнинг объектив қонуниятлари ва тенденциялари ҳисобга олинади;

- товар ва хизматлар, меҳнат, ресурслар ва молиявий бозорлар шаклланиши ва ривожланиши истиқболлари аниқланади;

- вилоят ва унинг таркибидаги шаҳар ҳамда туманларнинг ижтимоий ривожланиши, аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг ўсиши йўналишлари белгиланади;

- таркибий ва инвестициявий сиёсат йўналишлари шакллантирилади;

- минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги муаммолар, турғунлик ва танглик ҳолатлари аниқланиб, уларни ҳал этиш босқичлари ҳамда муддатлари белгиланади;

- вилоятлараро, туманлараро ва ташқи иқтисодий муносабатларни самарали ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш йўналишлари асосланади;

- экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилади;

- ташқи муҳитнинг аҳолини яхшилаш, табиатдан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар асосланади ва ишлаб чиқилади<sup>1</sup>.

Минтақа, ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ва иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлаш, рақобатбар-

---

<sup>1</sup> Кочергина Т.Е. Экономическая безопасность: Ростов на Дону, 2007. С.340-346.

дошлигини оширишга қаратилган дастурларнинг амалга оширилиши минтақанинг ўзини ўзи ташкиллаштирувчи, ўзини-ўзи бошқарувчи ва оқилона бошқариладиган ижтимоий-иқтисодий, этномаданий ва территориал-маъмурий бирлик сифатида ривожланишига имконият яратади.

## **2.2. Ўзбекистон Республикаси минтақаларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши тенденциялари.**

Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиёнинг ўрта қисмида жойлашган. Шарқ ва шимолий-шарқда Қирғизистон, шимолий ва шимолий-ғарбда Қозоғистон Республикалари, жанубий ва жанубий-шарқда Тожикистон Республикаси, жанубий-ғарбда Туркменистон, жанубда қисман Афғонистон билан чегарадон. Ўзбекистоннинг энг шимолий чекка нуқтаси шимолий-шарқда – Устюрт платосида Орол денгизининг ғарбий соҳилида, энг жанубий нуқтаси – Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри ёнида, ғарбий нуқтаси – Устюрт платосида, шарқий нуқтаси – Фарғона водийсининг шарқда, Қирғизистон Республикаси билан чегара жойда. Шимолий ва жанубий чекка нуқталари ораси – 925 километр, ғарбдан шарққа – 1400 километр. Ўзбекистон Республикасининг майдони 448,9 минг квадрат километр. Мамлакатнинг шимолий-ғарбий чеккасида, Қизилқум билан Устюрт



оралиғида Орол денгизи жойлашган. Ўзбекистон Республикаси майдонининг қарийб 4/5 қисми текислик, оз қисми тоғ, адир ва тоғ олдидан иборат. Республика ҳудудидан Ўрта Осиёнинг энг катта дарёлари – Амударё ва Сирдарё оқиб ўтади ва Орол денгизига қуйилади. Бу икки дарё оралиғидаги текисликнинг кўп қисмини эол қумлари кенг тарқалган Қизилқум чўли, Амударёнинг аллювиал текислиги, Зарафшон ва Қашқадарёнинг субэрал дельтаси, устюрт платосининг берк шўрхок ботиқларидан иборат жанубий-шарқий қисми ташкил этади, баъзи жойларда қирлар учрайди. Республиканинг шарқий ва жанубий-шарқий қисмида Тяньшан, Олой, Туркистон, Зарафшон ва Ҳисор тоғлари бор. Бу тоғлар орасида Фарғона, Зарафшон, Китоб, Шахрисабз, Сурхон-Шеробод, Чирчиқ-Оҳангарон каби катта чўкмалар – водийлар жойлашган. Ўзбекистон ўзига хос – ёғин кам, иссиқ, континентал иқлимга эга. Республика ҳудудини 3 иқлим зонасига ажратиш мумкин: чўл ва дашт зонаси, тоғ олди зонаси ва тоғ зонаси.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциясига мувофиқ, Ўзбекистон – суверен демократик республика. Ўзбекистон Республикаси маъмурий жиҳатдан 12 вилоят, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасидан иборат.

Ўзбекистон Республикаси минтақаларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида узоқ йиллардан буён тафовутлар мавжуд. 2005-2014 йилларда барча минтақаларда ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқа-

риш барқарор ўсиш суръатларига эга. Шунингдек, аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб ишлаб чиқариш ҳам ўсиш тенденциясига эга. Аҳоли жон бошига ЯХМ ишлаб чиқариш бўйича республиканинг ўртача даражасига нисбатан ҳисобланган индекс кўрсаткичлари бўйича минтақалар уч гуруҳга бўлинган. Ушбу индекс бўйича 2005 йилда 1,000 ва ундан юқори кўрсаткичга эга бўлган 1-гуруҳга 4 та минтақа, жумладан, Навоий вилояти, Тошкент шаҳри, Тошкент ва Бухоро вилоятлари кирган бўлса, 2014 йилда ушбу гуруҳга учта минтақа, яъни Тошкент шаҳри, Навоий ва Тошкент вилоятлари кирди. Бухоро вилояти 2-гуруҳга тушиб кетди. Мазкур индекс 0,500дан 1,000 гачани ташкил этган 2-гуруҳ минтақаларга 2005-йилда 9 та минтақа кирган бўлса, 2014 йилда бу гуруҳга 10 та минтақа кирди. Индекс кўрсаткичи 0,500 ва ундан паст даражада бўлган 3-гуруҳга 2005-2014 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси киради (қаранг: 2.2.1-жадвал).

2.2.1-жадвал.

Минтақаларнинг аҳоли жон бошига ЯХМ ишлаб чиқариш бўйича гуруҳланиши (индекс бўйича)<sup>1</sup>

2005йил		2014йил	
1 гуруҳ (индекс 1,000 ва ундан юқори)			
Навоий вилояти	1,802	Тошкент шаҳри	1,917
Тошкент шаҳри	1,750	Навоий вилояти	1,773
Тошкент вилояти	1,020	Тошкент вилояти	1,096

<sup>1</sup>Экономика Узбекистана информационно-аналитический бюллетень за 2014 год. Т. ЦЭИ, 2015. С.71, 79.

Бухоро вилояти	1,064		
2-гурух (индекс 0,500 дан 1,000 гача)			
Қашқадарё вилояти	0,845	Бухоро вилояти	0,970
Андижон вилояти	0,761	Қашқадарё вилояти	0,762
Сирдарё вилояти	0,749	Сирдарё вилояти	0,742
Жиззах вилояти	0,744	Андижон вилояти	0,692
Фарғона вилояти	0,724	Фарғона вилояти	0,604
Хоразм вилояти	0,670	Хоразм вилояти	0,592
Сурхондарё вилояти	0,603	Жиззах вилояти	0,565
Самарқанд вилояти	0,596	Самарқанд вилояти	0,561
Наманган вилояти	0,505	Сурхондарё вилояти	0,553
		Наманган вилояти	0,510
3-гурух (индекс 0,500 дан паст)			
Қорақалпоғистон Республикаси	0,466	Қорақалпоғистон Республикаси	0,441
Ўзбекистон Республикаси (ўртача)	1,000	Ўзбекистон Республикаси (ўртача)	1,000
Вариациялар фарқи, марта	3,8	Вариациялар фарқи, марта	4,3

Ушбу жадвал маълумотлари таҳлил даврида индекс кўрсаткичининг Тошкент шаҳрида, Тошкент ва Наманган вилоятларида ўсиш, қолган барча минтақаларда пасайиш тенденциясига эга бўлди. Шу боисдан минтақаларда аҳоли жон бошига ялпи худудий

маҳсулот ишлаб чиқариш индекслари вариация-сидаги фарқ, яъни энг юқори индексга эга бўлган минтақа билан энг паст кўрсаткичга эга бўлган минтақа ривожланиш даражасидаги фарқ 3,8 мартадан 4,3 мартага ошди.

Минтақалар ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ)ларининг Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)даги улушининг ўзгариши таҳлили Тошкент шаҳрининг улуши 2000йилдаги 12,2%дан 2014 йилда 14,5%га, Қашқадарё вилоятининг улуши 7,2 %дан 7,3% га, Навоий вилоятининг улуши 4,5% дан 5,4% га ўстанлигини кўрсатмоқда. Қолган минтақалар ЯҲМнинг республика ЯИМ даги улушлари камайган (қаранг: 2.2.2-жадвал).

#### 2.2.2-жадвал.

### Ҳудудлар ялпи ҳудудий маҳсулоти (ЯҲМ)нинг Ўзбекистон Республикаси ЯИМ даги улуши (2000-2014йиллар, % да)<sup>1</sup>

Ҳудудлар номи	2000йил	2013йил	2014йил
Тошкент шаҳри	12,2	14,5	14,7
Хоразм вилояти	4,3	3,2	3,3
Фарғона вилояти	11,5	6,8	6,7
Тошкент вилояти	11,5	9,9	9,8
Сирдарё вилояти	2,6	1,8	1,9
Сурхондарё вилояти	5,1	4,2	4,2
Самарқанд вилояти	8,1	6,3	6,3
Наманган вилояти	5,3	4,2	4,2

<sup>1</sup> Экономика Узбекистана информационно-аналитический бюллетень за 2014 год - Т. ЦЭИ, 2015. С.72; Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Навоий вилояти	4,5	5,4	5,2
Қашқадарё вилояти	7,2	7,3	7,3
Жиззах вилояти	2,6	2,3	2,3
Бухоро вилояти	6,4	5,6	5,6
Андижон вилояти	7,4	6,5	6,4
Қорақалпоғистон Республикаси	3,4	2,5	2,5

Ўзбекистон Республикаси ЯИМ да Тошкент шаҳри (14,7%), Тошкент (9,8%), Қашқадарё (7,3%), Фарғона (6,7%), Андижон (6,4%), Самарқанд (6,3%) вилоятлари ЯҲМ улуши юқоридир. Ушбу кўрсаткич Сирдарё вилоятида (1,9%) ва Қорақалпоғистон Республикасида (2,5%) энг паст даражададир.

Кўпгина минтақалар иқтисодиёти таркибида ижобий силжишлар юз бериб, саноат ва хизмат кўрсатиш тармоқлари улуши ўсиб бормоқда. Шу билан бирга Сурхондарё, Жиззах, Сирдарё, Хоразм, Наманган вилоятлари иқтисодиёти таркибида қишлоқ хўжалиги етакчи тармоқ ҳисобланади. Уларда ЯҲМ да саноатнинг улуши анча паст даражададир.

Мамлакатимиз минтақаларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш юқори суръатларда ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Агар республика бўйича 2014 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 108,3% ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич Хоразм вилоятида - 117,6%, Самарқандда - 115,7%, Жиззахда - 115,4%, Наманганда - 112,5%, Сурхондарёда - 112,2%, Фарғонада - 110,2%, Сирдарёда - 108,6%, Тошкент шаҳрида - 115,8% Қорақалпоғистон Республикасида - 110,3%

ни ташкил этди. Бу ҳол саноат тармоқларини модернизация қилиш ва кичик саноат корхоналарини ривожлантириш бўйича аниқ инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш натижасини ифодалайди.

Саноат маҳсулотларини аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш индекси Андижон, Навоий, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳридан бошқа барча минтақаларда ўсди. Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича республикамизда Навоий вилояти етакчи ҳисобланади, Бу кўрсаткич жиҳатидан Республиканинг ўртача даражасидан Навоий вилоятининг кўрсаткичи 2005 йилда 4,6 мартага, 2014 йилда эса 3,4 бароварга юқори бўлди. Ушбу кўрсаткич бўйича 2005 йилда Навоий ва Қорақалпоғистон Республикаси ўртасидаги фарқ 20,1 баробарни, 2014 йилда Навоий ва Сурхондарё вилоятлари ўртасидаги фарқ 13,6 баробарни ташкил этди (қаранг: 2.2.3-жадвал).

### 2.2.3-жадвал.

Аҳоли жон бошига саноат ишлаб чиқариш бўйича ҳудудларнинг Ўзбекистон Республикаси ўртача даражасига нисбатан индексларининг ўзгариши<sup>1</sup>.

Ҳудудлар	2005йил	2013йил	2014йил
Қорақалпоғистон Республикаси	0,228	0,289	0,312
Вилоятлар			
Андижон	1,170	1,477	1,386

<sup>1</sup> Экономика Узбекистана информационно-аналитический бюллетень за 2014 год. - Т. ЦЭИ, 2015. С.80.

Бухоро	0,807	0,708	0,790
Жиззах	0,406	0,322	0,331
Қашқадарё	1,375	1,005	0,883
Навоий	4,580	3,575	3,391
Наманган	0,289	0,325	0,318
Самарқанд	0,304	0,478	0,512
Сурхондарё	0,261	0,246	0,249
Сирдарё	0,380	0,975	1,075
Тошкент	1,528	1,643	1,653
Фарғона	0,818	0,685	0,688
Хоразм	0,354	0,304	0,397
Тошкент шаҳри	1,336	2,826	2,384
Ўзбекистон Республикаси	1,000	1,000	1,000
Вариациялар фарқланиши, марта	20,1	14,5	13,6
Навоий вилоятини ҳисобга олмаганда	6,7	11,5	9,6

Ўзбекистон Республикасида саноати ривожланган 6 та ҳудуднинг улуши 2000йилда 72,9%дан 2014 йилда 77,9% га ўсди. Қолган 8 та ҳудуднинг улуши 27,1%дан 22,1%га камайди. Саноати ривожланган 6 та ҳудуд Тошкент шаҳри (21,9%), Тошкент (14,7%), Андижон (13,6%), Навоий (10,6%), Қашқадарё (9,5%) ва Фарғона (7,6%) вилоятларидан иборатдир.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳар бир минтақанинг иррим ҳудудларида саноат концентрацияси даражаси турличадир. Масалан, Андижон вилоятида саноат маҳсулотларининг 18,4 % Андижон шаҳрида, 64,9% Асака туманида ишлаб чиқарилади. Қашқадарё вилоятида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг 8,1% Қарши шаҳрида, 31,1% Ғузор туманида, 54,4 % Муборак туманида тўпланган. Самарқанд вилоятида саноат ишлаб чиқаришининг асосий қисми Самарқанд шаҳрида (45,7%) ва Жомбой туманида (124 %) тўпланган. Бухоро вилоятида саноати энг ривожланган ҳудудларга Бухоро шаҳри (14,4 %) ва Қоровулбозор тумани (36,9 %) киради. Наманган вилоятида саноат ишлаб чиқариши Наманган шаҳрида (43,5 %) ва Учкўрғон туманида (11,8%) тўпланган. Фарғона вилоятида бундай ҳудудларга Фарғона шаҳри (48,4 %) ва Қувасой шаҳри (12,2%), Қўқон шаҳри (10,6%) киради. Жиззах вилоятида саноат ишлаб чиқариши Жиззах шаҳри (36,1%) ва Дўстлик туманида (19,3 %) тўпланган.

Аҳоли жон бошига саноат ва истеъмол моллари ишлаб чиқариш бўйича республика кўрсаткичидан наст бўлган туман ва шаҳарлар сони 2.2.4-жадвалда кўрсатилган. Ушбу жадвал маълумотлари аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича республика кўрсаткичининг 10% дан кам бўлган туман ва шаҳарлар сони 2000 йилдаги 37 тадан 2012 йилда 27 тагача камайгани ҳолда, саноат 10-20 % орасида бўлганлар сони камайган 32 тадан 49 тага кўпайган.



Аҳоли жон бошига саноат ва истеъмол моллари ишлаб чиқариш буйича республика кўрсаткичидан паст бўлган туман ва шаҳарлар сони<sup>1</sup>.

Йил-лар	Туман ва шаҳарлар сони	Саноат 10%дан кам	Саноат 10-20%лар орасида	Жумладан истеъмоллари ишлаб чиқариш 10%дан кам	Жумладан истеъмоллари ишлаб чиқариш 10-20% орасида
2012 йил	194	27	49	27	49
2000 йил	202	37	32	65	32

Таҳлил даврида аҳоли жон бошига истеъмол моллари ишлаб чиқариш буйича республика кўрсаткичининг 10 % дан кам бўлган туман ва шаҳарлар сони 65 тадан 27 тагача камайган бўлса, 10-20% орасида бўлганлари сони 32 тадан 49 тага ошган. Бу тенденциялар ҳудудларда саноатни ривожлантириш буйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасидир.

Аҳоли жон бошига саноат ва истеъмол моллари ишлаб чиқариш буйича республика кўрсаткичининг 50 % идан кам бўлган туман ва шаҳарлар сони Андижон вилоятида 2000 йилда 6 тани ташкил этган бўлса, 2012 йилда уларнинг сони 13 тага етди. Истеъмол

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги маълумотлари.

моллари ишлари бўйича бундай туман ва шаҳарлар сони 12 тани ташкил этди. Сурхондарё вилоятида 14 та туман ва шаҳарлардан 13 тасида аҳоли жон бошига саноат ва истеъмол моллари ишлаб чиқариш бўйича республика кўрсаткичининг 50 % идан камдир (қаранг: 2.2.5-жадвал).

### 2.2.5-жадвал.

Аҳоли жон бошига саноат ва истеъмол моллари ишлаб чиқариш бўйича республика кўрсаткичининг 50 % идан кам бўлган туманвашаҳарлар сони<sup>1</sup>

Худудлар (вилоят- лар)	Туман ва шаҳар- лар сон	Саноат 2000 йил	Саноат 2012 йил	Истеъмол моллари 2000 йил	Истеъмол моллари 2012 йил
Андижон	16	6	13	11	12
Сурхондарё	14	13	13	12	12
Тошкент	18	5	8	7	6
Бухоро	13	8	8	10	8
Наманган	12	8	10	8	9
Сирдарё	11	9	7	9	6
Хоразм	11	9	10	7	10

Мазкур жадвал маълумотлардан кўришиб турибдики, Андижон, Тошкент, Наманган, Хоразм вилоятларида аҳоли жон бошига саноат ва истеъмол моллари ишлаб чиқариш бўйича республика кўрсаткичининг 50 % идан кам бўлган туманвашаҳарлар

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари.

сони таҳлил даврида кўпайган, Сирдарё вилоятида уларнинг сони камайган, Сурхондарё ва Бухоро вилоятларида эса ўзгаришсиз қолган. Аммо шуни айтиш жоизки, барча вилоятларнинг аксарият кўпчилик туман ва шаҳарлари аҳоли жон бошига саноат ва истеъмол моллари ишлаб чиқариш бўйича республика кўрсаткичининг 50 % идан кам бўлган туман ва шаҳарлар жумласига киради.

Хизматлар соҳасида ҳам минтақа ва улар таркибидаги ҳудудларнинг нотекислиги мавжуд. Аҳоли жон бошига пулли хизматлар кўрсатиш бўйича ҳудудларнинг Ўзбекистон Республикаси ўртача даражасига нисбатан индексларининг вариацияланиш фарқлари 2005 йилда 9,8 мартадан 2014 йилда 5,5 мартагача камайди. 2005-2014 йилларда аҳоли жон бошига пулли хизматлар кўрсатиш бўйича ҳудудларнинг Ўзбекистон Республикаси ўртача даражасига нисбатан индекслари барча ҳудудларда ўсиш тенденциясига эга бўлди. Натижада Андижон ва Навоий вилоятлари ушбу индекс бўйича республиканинг ўртача даражасидан юқори даражага эришдилар. Аҳоли жон бошига пулли хизматлар кўрсатиш бўйича ҳудудларнинг Ўзбекистон Республикаси ўртача даражасига нисбатан индекси бўйича Тошкент шаҳри етакчидир. Унинг кўрсаткичи республика бўйича ўртача кўрсаткичдан деярли 3 бароварга юқори бўлди( қаранг: 2.2.6-жадвал).

Жадвал маълумотлари мазкур индекс кўрсаткичи Сирдарё, Сурхондарё, Жиззах ва Қашқадарё вилоят-

ларида анча паст даражада эканлигини кўрсатмоқда. Бу ҳол пулли хизмат кўрсатиш ҳолати нинг ушбу вилоятларда бошқа вилоятлардагига қараганда бир-мунча паст даражада ривожланганлигидан далолат беради.

Агар 2006 йилда хизматларнинг ЯҲМ даги улуши 30,1% дан 39,9% гача бўлган ҳудудларга Жиззах, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари кирган бўлишса, улар 2013 йилга келиб, хизматларнинг ЯҲМ даги улуши 40-50% бўлган гуруҳга киришган. Бу ҳол ҳудудларда хизматлар соҳасининг жадал ривожланганлиги билан изоҳланади.

#### 2.2.6-жадвал.

Аҳоли жон бошига пулли хизматлар кўрсатиш бўйича ҳудудларнинг Ўзбекистон Республикаси ўртача даражасига нисбатан индексларининг ўзгариши<sup>1</sup>.

Ҳудудлар	2005йил	2013йил	2014йил
Қорақалпоғистон Республикаси	0,398	0,658	0,683
<b>Вилоятлари</b>			
Андижон	0,975	1,007	1,013
Бухоро	0,927	0,959	0,968
Жиззах	0,477	0,570	0,588
Қашқадарё	0,470	0,580	0,596
Навоий	0,949	1,018	1,074
Наманган	0,575	0,718	0,743

<sup>1</sup>Экономика Узбекистана информационно-аналитический бюллетень за 2014 год.- Т., ЦЭИ, 2015. С.82.

Самарқанд	0,718	0,846	0,884
Сурхондарё	0,490	0,548	0,556
Сирдарё	0,453	0,550	0,537
Тошкент	0,633	0,730	0,745
Фарғона	0,681	0,730	0,745
Хоразм	0,714	0,736	0,769
Тошкент шаҳри	3,918	2,978	2,971
Ўзбекистон Республикаси	1,000	1,000	1,000
Вариациялар фарқланиши, марта	9,8	5,4	5,5
Тошкент шаҳрини ҳисобга олмаганда, марта	2,3	1,9	2,0

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари ичида аҳоли жон бошига иқтисодиётга инвестициялар киритиш бўйича Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Қашқадарё, Жиззах, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятлари етакчилик қилмоқдалар. Аҳоли жон бошига иқтисодиётга инвестициялар киритиш бўйича юқорида номлари келтирилган ҳудудларнинг Ўзбекистон Республикаси ўртача даражасига нисбатан индекслари юқори ҳисобланади. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 2005-2014 йилларда аҳоли жон бошига инвестициялар киритиш бўйича ҳудудларнинг Ўзбекистон Республикаси ўртача даражасига нисбатан индекслари вариацияларининг

фарқланиши даражаси 7,6 мартадан 4,8 мартагача қисқарган. Тошкент шаҳрини ҳисобга олмаганда вариациялардаги фарқланиш шу даврда 5,7 мартадан 4,4 мартагача қисқарган, аммо бу фарқ ҳам анча катта ҳисобланади. Мазкур индекс Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Наманган, Навоий вилоятларида нисбатан паст даражада (қаранг: 2.2.7-жадвал).

### 2.2.7-жадвал.

Аҳоли жон бошига инвестициялар киритиш бўйича ҳудудларнинг Ўзбекистон Республикаси ўртача даражасига нисбатан индексларининг ўзгариши<sup>1</sup>.

Ҳудудлар	2005йил	2013йил	2014йил
Қорақалпоғистон Республикаси	0,722	1,506	2,002
<b>Вилоятлари</b>			
Андижон	1,346	1,734	1,705
Бухоро	0,601	0,867	0,756
Жиззах	1,583	1,285	1,229
Қашқадарё	2,294	1,991	1,553
Навоий	0,453	0,450	0,584
Наманган	0,432	0,583	0,573
Самарқанд	0,712	0,551	0,539
Сурхондарё	0,618	1,144	1,090
Сирдарё	1,074	1,158	1,209
Тошкент	0,405	0,587	0,524
Фарғона	0,405	0,587	0,524
Хоразм	0,339	0,712	0,655
Тошкент шаҳри	2,462	2,201	2,179
Ўзбекистон Республикаси	1,000	1,000	1,000
Вариациялар фарқланиши, марта	7,6	4,9	4,8
Тошкент шаҳрини ҳисобга олмаганда, марта	5,7	4,4	4,4

<sup>1</sup>Экономика Ўзбекистана информационно-аналитический бюллетень за 2014 год. Т. ЦЭИ, 2015. С.81.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 2005-2014 йилларда аҳоли жон бошига инвестициялар киритиш бўйича ҳудудларнинг Ўзбекистон Республикаси ўртача даражасига нисбатан индекслари мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудларида ўсиш тенденциясига эга бўлди. Бу ҳол кейинги йилларда минтақаларда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг, иқтисодиётни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурларининг амалга оширилаётганлиги билан изоҳланади.

### **2.3. Фаол инвестиция сиёсати ва минтақалар иқтисодиётини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнлари.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида “Ташқи бозорларда харидоргир, юқори қўшимча қийматга эга бўлган замонавий тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва янги босқичга кўтариш тайёр маҳсулотлар экспортини барқарор юқори ўсиш суръатларига эришишда, ҳеч шубҳасиз, катта замин туғдиради. Шунини айтиш керакки, бугунги кунда мамлакатимизда бу борадаги ишлар бошлаб юборилган. Айни вақтда бу ишлар юқори салоҳиятга эга бўлган ҳар бир турдаги истиқболли хомашё ва ярим

фабрикаат бўйича чуқур қайта ишлашнинг 2020,2025,2030 йилларга мўлжалланган аниқ дастурига эга бўлиш учун мутлақо янги дастурий комплекс ёндашувни талаб этади. Айни шу кўз билан қарайдиган бўлсак, яъни жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш жараёнларини чуқур таҳлил қилган, ўзимизнинг ресурс ва имкониятларимизни реал баҳолаган ҳолда, биз олдимизга аниқ мақсадни – яъни, 2030 йилга бориб мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажмини камида 2 баробар ошириш вазифасини қўйишимиз учун бугун, ҳеч шубҳасиз, барча асосларимиз бор”<sup>1</sup>, -деб таъкидлаган.

Мазкур вазифани амалга ошириш учун мамлакатимиз иқтисодиётига инвестицияларни жалб этиш борасида республика ва ҳудудий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш муҳим аҳамиятга эгадир. Иқтисодиётга инвестицияларни жалб этиш борасида ҳозиргача катта ишлар амалга оширилган. Мустақиллик йилларида фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш натижасида иқтисодиёт тармоқлари томонидан инвестицияларни ўзлаштириш ҳажми ўсиши 17 мартадан ортиқни ташкил қилди. Миллий иқтисодиётимизга киритилган инвестициялар ҳажми


---

<sup>1</sup>Каримов И.А.Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир: мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2016 йил 15 январь. //Халқ сўзи, 2016 йил 16 январь.



1990 йилда 833,8 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2014 йилга келиб, бу кўрсаткич 14600 миллион доллар эквивалентига тенг бўлди (қаранг:2.3.1-расм)<sup>1</sup>.

Айтиш керакки, 2000-2014 йилларда жами 180 млрд. долл. эквивалентига инвестициялар жалб қилинди. Иқтисодийетимизни ва унинг етакчи тармоқларини, модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш мақсадида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг йиллик ўсиш суръати 2010 йилда 9,2 %ни , 2011 йилда 11,2 %ни, 2012 йилда эса 14,0%ни, 2013йилда 9,8%ни, 2014 йилда эса 10,9% ни, 2015 йилда 9,5% ни ташкил этди<sup>2</sup>.



2.3.1-расм. Ўзбекистонда иқтисодийетга киритилган инвестициялар

Иқтисодийетга 2015 йилда барча молиялаштириш

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

манбалари ҳисобидан 15 миллиард 800 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб этилди ва ўзлаштирилди. Жами инвестицияларнинг 3 миллиард 300 миллион доллардан зиёди ёки 21 фоиздан ортиғи хорижий инвестициялар бўлиб, шунинг 73 фоизи тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларидир. Инвестицияларнинг 67,1 фоизи янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилди. Бу эса 2015 йилда умумий қиймати 7 миллиард 400 миллион доллар бўлган 158 та йирик ишлаб чиқариш объекти қурилишин яқунлаш ва фойдаланишга топшириш имконини берди<sup>1</sup>.

Ана шундай муҳим объектлар жумласига Тошкент иссиқлик электр станциясида 370 мегаватт қувватга эга бўлган буғ-газ қурилмасининг барпо этилганлигини, Чорвоқ ГЭСи гидрогенераторларининг модернизация қилилигини, “Самарқанд – кимё” акциядорлик жамиятида 240 минг тонна қувватга эга бўлган мураккаб таркибли янги ўғитлар ишлаб чиқариш корхонасининг ишга туширилганини, “Мотор заводи” акциядорлик жамиятининг фаолият юритмаётган майдонларида трактор тиркамалари, жумладан, катта ҳажмли тиркамалар, маиший

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодий ҳаётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришди: мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2016 йил 15 январь. //Халқ сўзи, 2016 йил 16 январь.

техника учун таркибий қисмлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ташкил этилганини кўрсатиш мумкин. Шунингдек, жанубий корейлик инвестор ва мутахассислар билан ҳамкорликда Сурғил кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуаси барпо этилди. Хоразм вилоятида “Женерал моторс-Ўзбекистон” акциядорлик жамиятида умумий қиймати қарийб 6 миллион долларлик лойиҳа асосида “Шевроле Лабо” кичик юк машинаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Наманган вилоятининг Поп туманида 130 киловатт қувватга эга бўлган қуёш фотоэлектр станцияси ишга туширилди. Самарқанд – Қарши темир йўл участкасида юқори тезликда ҳаракатланадиган “Афросиёб” электр поезда қатнови йўлга қўйилди<sup>1</sup>.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатининг ўзига хос хусусияти маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлашни таъминлайдиган, юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларни

---

<sup>1</sup> Каримов И.А.Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришди: мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2016 йил 15 январь. //Халқ сўзи, 2016 йил 16 январь.

жалб қилишга устувор аҳамият берилаётганлигида намоён бўлмоқда.

Иқтисодийга жалб қилинаётган инвестициялар ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилашга қаратилган дастур ва лойиҳалар билан бир қаторда минтақа ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга инвестиция лойиҳалар ҳам амалга оширилмоқда. Иқтисодийни модернизациялаш техник ва технологик қайта жихозлашда Ҳудудларни 2013-2015 йилларда ривожлантириш дастурлари доирасида инвестицияларни жалб қилиш муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур дастурлар Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2013 йил 18 январдаги Вазирлар Маҳкамаси мажлисида республика ҳудудлари ва тармоқларини уйғун ривожлантириш юзасидан берган топшириқларига мувофиққабул қилинди.

Ҳудудларни 2013-2015 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларидан кўзланган асосий мақсадлар қуйидагилардан иборат қилиб белгиланган:

-минтақа ва ҳудудларда фойдаланилмаётган захира ва имкониятлар ҳамда хомашё ва ресурсларга бой мавжуд манбалардан оқилона фойдаланиш;

- тармоқларнинг минтақа ва ҳудудлар билан узвий боғлиқликда ривожланишини таъминлаш;

-мавжуд саноат корхоналарининг тўла қувватда ишлатиш, бўш турган бино ва иншоотларда ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

-ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ҳамда юқори қўшимча қийматга эга бўлган юксак технологик маҳсулотлар ишлаб чиқариш;

-янги иш ўринларини ташкил этиш орқали аҳоли бандлик даражасини ошириш.

Худудларни 2013-2015 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида 2013-2014 йилларда саноат йўналишида умумий қиймати 5,5 миллиард доллар бўлган 11574 та лойиҳа, қишлоқ хўжалиги йўналишида умумий қиймати 432,3 миллион долларга тенг бўлган 8485 талойиҳа, хизматлар соҳасида эса умумий қиймати 1 миллиард 317,5 миллион долларлик 25327 та лойиҳа амалга оширилди. Икки йил мобайнидажами 45386 та инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши натижасида 385 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди<sup>1</sup>.

Дастурлар доирасида саноат йўналиши бўйича энг кўп лойиҳалар Тошкент шаҳрида (1091та), Андижон вилоятида (741 та), Фарғона вилоятида (550 та), Самарқанд вилоятида амалга оширилиб, фойдаланишга топширилган. Хизматлар соҳасида Андижон вилоятида 2389 та, Тошкент шаҳрида 2164 та, Қорақалпоғистон Республикасида 1152 та, Қашқадарё вилоятида 1147 та, Самарқанд вилоятида 1083 та, Фарғона вилоятида 1012 та инвестиция лойиҳалари фойдаланишга топширилди. Қишлоқ хўжалиги йўналишида эса энг кўп лойиҳалар Сурхондарё вилоятида(600 та),

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги маълумотлари.

Андижон вилоятида (590 та), Бухоро вилоятида (482 та), Тошкент вилоятида (432 та), Сирдарё вилоятида (406 та) фойдаланишга топширилди. Бу йўналишда энг кам лойиҳалар Жиззах вилоятида (194 та) ҳамда Қашқадарё вилоятида (236 та) фойдаланишга топширилган (қаранг: 2.3.1-жадвал).

### 2.3.1-жадвал.

#### Дастурлар бўйича 2014 йилда ҳудудлар кесимида фойдаланишга топширилган лойиҳалар<sup>1</sup>

Ҳудудлар	Саноат йўналишида	Хизматлар соҳасида	Қишлоқ хўжалиги йўналишида
Қорақалпоғистон Республикаси	321	1152	366
Андижон вилояти	741	2389	590
Бухоро вилояти	296	762	482
Жиззах вилояти	237	700	194
Қашқадарё вилояти	344	1147	236
Навоий вилояти	231	651	363
Наманган вилояти	392	592	363
Самарқанд вилояти	478	1083	303
Сурхондарё вилояти	433	753	600
Сирдарё вилояти	439	626	406
Тошкент вилояти	306	779	432
Фарғона вилояти	550	1012	312
Хоразм вилояти	293	953	340
Тошкент шаҳри	1091	2164	15

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида тузилди.


Худудларни 2013-2015 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида 2013-2014 йилларда саноат йўналишида, жумладан, озиқ-овқат саноатида замонавий қайта ишлашни йўлга қўйилиши орқали 3234 та; қурилиш материаллари саноатида маҳаллий хомашё негизида маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига 3251 та; текстиль, чарм-пойабзал, фармацевтика ва бошқа ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатида кенг турдаги рақобатбардош, биринчи навбатда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган 4723 та; машинасозлик ва техник ишлаб чиқариш йўналишида 366 та лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида худудларда саноатнинг юқори ўсиш суръатларига эришилди<sup>1</sup>.

2014 йилда амалга оширилган саноат йўналишидаги лойиҳаларда жами 1270,8 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Дастур доирасида ишга туширилган корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларида Хоразм вилоятининг улуши 35,3% ни, Тошкент шаҳриники 16,8% ни, Тошкент вилоятиники 12% ни, Андижон вилоятиники 6,1 %ни ташкил этди (қаранг: 2.3.2-расм).

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги маълумотлари.

Дастур доирасида ишга туширилган корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларида вилоятларнинг улуши, %



2014 йилда амалга оширилган саноат йўналишидаги лойиҳаларда жами 1270,8 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

8

2.3.2-расм. Дастур доирасида ишга туширилган корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларида вилоятларнинг улуши, % да<sup>1</sup>.

Дастурларнинг амалга оширилиши натижасида қуйидаги янги турдаги маҳсулотлар ўзлаштирилган:

-ҳар хил турдаги кир ювиш, тозалаш ва гигиеник воситалари;

-фармацевтик дори воситалари;

-электр печ ва духовкалар, кондиционер, телевизор, уяли телефонлар;

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги маълумотлари.



-қадокланган табиий шарбатлар;

-энергия тежовчи лампочкалар ва бошқалар.

Дастур бўйича 2014 йилда ҳудудлар кесимида қишлоқ хўжалиги йўналишида фойдаланишга топширилган лойиҳалар сонида кўпгина ҳудудларда чорвачилик йўналишидаги лойиҳалар кўпчиликини ташкил этади. Чорвачилик йўналишидаги лойиҳаларнинг энг кўпи Сирдарё (257 та) ва Жиззах (250 та) вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида (209 та) амалга оширилган. Паррандачилик бўйича энг кўп лойиҳалар Жиззах (294 та), Сирдарё (63 та), Андижон (61 та) вилоятларида бажарилган. Балиқчилик ва асаларичилик йўналишлари бўйича лойиҳаларни бажаришда ҳам Жиззах вилояти етакчилик қилди (қаранг: 2.3.2-жадвал).

Ҳудудларни 2013-2015 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида 2015 йилда умумий қиймати 6 миллиард 739,5 миллион долларлик 25637 та инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва бунинг натижасида 263057 та янги иш ўринларини яратиш режалаштирилган.

Республикада кулай инвестициявий жозибадорлик, шу жумладан, ишбилармонлик муҳитининг яратилганлигига қарамасдан, хорижий инвестицияларни жалб этишда ҳудудлар ўртасида номутаносибликлар ва маълум камчиликлар мавжуддир.

Дастур бўйича 2014 йилда ҳудудлар кесимида қишлоқ хўжалиги йўналишида фойдаланишга топширилган лойиҳалар сони<sup>1</sup>

Ҳудудлар	Чорва-чилик	Парран-дачилик	Балиқ-чилик	Асала-ричилик
Қорақалпоғистон Республикаси	209	46	56	54
Андижон вилояти	97	61	37	29
Бухоро вилояти	89	29	46	28
Жиззах вилояти	250	294	155	161
Қашқадарё вилояти	98	27	20	23
Навоий вилояти	58	39	42	50
Наманган вилояти	66	32	39	37
Самарқанд вилояти	108	42	45	57
Сурхондарё вилояти	180	42	45	57
Сирдарё вилояти	257	63	51	22
Тошкент вилояти	132	45	47	25
Фарғона вилояти	139	34	29	25
Хоразм вилояти	78	34	64	23
Тошкент шаҳри	18	16	7	38

Булар мамлакат минтақалари ва ҳудудларининг ижтимоий - иқтисодий ривожланиши даражаларидаги, шу билан бирга, зарурий ишлаб чиқариш, бозор ва ижтимоий инфратузилма билан таъминлашдаги фарқларнинг мавжудлиги билан изоҳланади.

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида тузилди.

Шунингдек, ҳудудларда инвестиция лойиҳалари ташаббускорларининг етарли даражада билимга эга эмаслиги, иқтисодий таҳлилий ишларнинг етарли даражада олиб борилмаслиги, салоҳиятли маҳаллий инвесторларни аниқлаш ишларидаги сусткашлик, замонавий маълумот базасидан унумли фойдаланмаслик, имтиёзли хорижий кредит линиялари ва хорижий инвестиция лойиҳалари тўғрисидаги маълумотларни маҳаллий тадбиркорларга ўз вақтида етказиб бермаслиги хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасидаги камчиликлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707 сонли “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги фармонига асосан умумий қиймати 40 миллиард 809 миллион долларлик 876 инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган. Ҳисоб-китобларга кўра, дастурнинг амалга оширилиши натижасида:

- 2015-2019 йилларда ялпи ички маҳсулотни йилига ўртача камида 8 фоиз, жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 9-фоиз, шу давр ичида ушбу кўрсаткични 1,5 баробар ошириш имконини беради. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида саноат улуши ҳозирги 24 фоиздан 2020 йилда 27 фоизга етади;

- 100 дан ортиқ янги товар гуруҳлари (1000 тадан ортиқ янги ассортиментлар) ишлаб чиқаришлари йўлга қўйилади;
- широварда 2020 йилга бориб йиллик республикамиз саноат салоҳияти 18 триллион сўмга ва экспорт салоҳияти 2 миллиард сўмга оширилади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йукунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида 2016 - 2030 йилларда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини 2 баробар кўпайтишига эришиш вазифасини амалга ошириш йўлида ЯИМнинг ўртача йиллик ўсиш суръатлари 4,8 фоиз даражасида бўлишини таъминлаш, туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳисобидан саноатни жадал ривожлантириш ва ялпи ички маҳсулотда унинг улушини 2015 йилдаги 23,5 фоиздан 40 фоизга етказиш, қишлоқ хўжалиги улушини эса 16,6 фоиздан 8-10 фоизга камайтириш, энергияни тежайдиган замонавий технологияларни кенг жорий этиш эвазига ялпи ички маҳсулот учун сарфланадиган энергия ҳажмини тахминан 2 баробар қисқартиришга эришиш лозим бўлади<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Каримов И.А.Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир: мамлакатимизни 2015 йилда

Ушбу 2016-2030 йилларга мўлжалланган стратегия мақсадни амалга оширишда 2016 йил муҳим босқич бўлади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “Мамлакатимизни демократлаштириш ва модернизация қилиш борасида бошланган тизимли ислохотларни, иқтисодиётимизда, авваломбор, саноат ва қишлоқ хўжалигида туб таркибий ўзгаришларни сўзсиз давом эттириш, хусусий мулк, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш ва бу соҳа вакиллари манфаатларини ҳимоя қилиш, макроиқтисодий мутаносибликни таъминлаш 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишига айланиши зарур”<sup>1</sup>, - деб таъкидлаган.

Ушбу устувор вазифадан келиб чиқиб, 2016 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 7,8 фоиздан иборат бўлишини таъминлаш, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 8,2 фоиз, қишлоқ хўжалигида 6,1 фоизга ошириш, чакана савдо айланмасини 14 фоиз, хизматлар кўрсатиш ҳажмини 17,4 фоизга кўпайтириш, инфляция даражасини 5,5-6,5 фоиз

---

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2016 йил 15 январь. //Халқ сўзи, 2016 йил 16 январь.

<sup>1</sup> Каримов И.А.Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир: мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2016 йил 15 январь. //Халқ сўзи, 2016 йил 16 январь.

даражасида сақлаб қолиш, аҳолининг реал даромадларини 9,5 фоизга ошириш кўзда тутилмоқда. Бу вазифаларни амалга ошириш мақсадида умумий қиймати 5 миллиард доллардан зиёд бўлган 164 та йирик инвестиция лойиҳасини белгиланган муддатларда ишга туширишни таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирларни кечиктирмасдан амалга ошириш мўлжалланмоқда. Шунингдек, шу йили кўплаб ҳудудий инвестиция лойиҳалари ҳам амалга оширилади.

Мазкур инвестиция дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда эндиликда ишлаб чиқилган республика минтақаларини ривожлантиришга йўналтирилган ҳудудий дастурларни қайтадан кўриб чиқиб, аввало, дастлабки хомашёни ва ярим тайёр маҳсулотларни янада чуқур қайта ишлаш технологияларини жорий этиш, шунингдек, жаҳон ва минтақа бозорларида, ички бозоримизда харидоргир бўлган тайёр тўқимачилик, чарм-пойабзал, озиқ-овқат, фармацевтика саноати, электроника ва маиший электр техника маҳсулотлари, маиший кимё товарлари, қурилиш ва пардозлаш материаллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича қўшимча лойиҳаларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Мутасадди мутахассисларнинг фикрларига кўра мавжуд камчиликларни бартараф этиш ҳамда дастурларни самарали амалга оширилишини таъминлаш борасида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Минтақа ва унинг ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига киритилган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишига ҳалал бераётган, тўсқинлик қилаётган ёки қилиши мумкин бўлган муаммоларни мунтазам равишда ўрганиб бориш ва ўз вақтида бартараф этиш чораларини кўриш;
2. Лойиҳаларни амалга оширилиши ва фаолиятини йўлга қўйишда юзага келадиган ҳар қандай бюрократик тўсиқларни бартараф этиш;
3. Ҳар бир шаҳар ва туманлардаги бўш ёки самарали фойдаланилмаётган бино ва иншоотлар тўғрисидаги аниқ маълумотларнинг қисқа муддатларда олинishi ҳамда уларнинг тадбиркорлик субъектларига тақдим этилиши жараёнларини самарали ташкил этиш;
4. Мамлакатимиз шаҳар ва туманларида амалга оширилаётган лойиҳаларни энергия, газ, сув ва канализация, иссиқлик таъминоти ва бошқа шу каби муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиши жараёнларига эътибор қаратиш ҳамда бу борадаги илғор тажрибаларни қўллаш;
5. Келгуси йил учун янги лойиҳаларни шакллантириш борасида лойиҳа ташаббускорлари учун янада қулай муҳит яратиш борасида ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларни аниқлаш ва улардан келиб

чиққан ҳолда мавжуд барча имкониятларни сафарбар этиш;

6. Ташкил этилаётган лойиҳаларни, айниқса, маҳалларда ривожлантириш бўйича мавжуд имкониятлар ва уларни амалга ошириш йўллари аниқлаш, шу асосда лойиҳаларни ташкил этишнинг намунавий шакллари тавсия этиш ва уларни қўллаб-қувватлаш;
7. Дастурларга киритилаётган лойиҳаларнинг фаолият йўналишлари бўйича таркибини такомиллаштиришга, хусусан, саноат соҳасида юқори технологияларга асосланган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этишга асосий эътибор қаратиш;
8. Минтақа ва унинг ҳудудларидаги экспортга маҳсулот чиқаришга эришган лойиҳаларга аниқ ва таъсирчан ёрдам кўрсатиш орқали уларнинг ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги иштирокини кенгайтириш<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup>Каранг Турдиев Д.Р. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденциялари ва мамлакатнинг 2015 йилги иқтисодий ривожланиш дастурини амалга ошириш бўйича маҳаллий ҳокимликларнинг долзарб вазифалари. Ҳудудларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш. Ҳудудий инвестиция дастурларининг бажарилишини таъминлаш. // Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг уринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳарлар ҳокимлари иштирокидаги ўқув семинарида қилган маърузаси, 2015 йил.



## 2.4. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги роли.

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш деганда уни маҳаллий шароитга ва замонавий талабларга мослаштириш тушунилади. Мамлакатимизни ривожлантиришни 2016 йилга мўлжалланганиқтисодий дастурида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, озиқ-овқат ва бошқа истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш тадбирлари аҳамиятли ўрин тутди.

Маҳаллийлаштириш дастури ўз мазмунига кўра республикада корхоналарида замонавий талабларга жавоб берувчи, рақобатбардош ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни маҳаллий хомашё ва материаллардан ишлаб чиқариш, уларнинг ҳажмини ошириш, асоссиз импорт ҳажмини қисқартириш, экспортбоп маҳсулотларни кўплаб ишлаб чиқариш, янги иш жойларини яратиш каби мақсадларни намоён этади. Мазкур дастурнинг ривожланиш босқичлари Президентимиз ва ҳукуватимиз томонидан қабул қилинган бир қатор меъёрий ҳужжатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 14 январдаги 18-сонли қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 22 июндаги ПҚ-386-сонли қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил

8 майдаги 93-сонли қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 майдаги ПҚ-879-сонли қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 3 июлдаги 149-сонли қарори орқали белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 ноябрдаги «Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3937 сонли Фармонининг 4-бандида “Белгилансинки, маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, қайта ишланган маҳсулотлар ва материалларни Кооперация биржаси доирасида харид қилиш мамлакатимизнинг барча истеъмолчилари учун қўшимча тендерлар ўтказмай тўғридан-тўғри шартномалар асосида амалга оширилади”, -деб белгиланган.

Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг мақсадиэкспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босадиган рақобатбардош замонавий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни янада рағбатлантириш, ички тармоқ ва тармоқлараро, жумладан республиканинг кичик бизнес ва йирик корхоналари ўртасидаги саноат кооперациясини мустаҳкамлаш, аҳоли бандлигига кўмаклашишдан иборат қилиб белгиланган.

Дастурга киритиш учун дойиҳаларни танлаш тамайиллари:

- а) маҳаллийлаштириладиган маҳсулотни ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун қувватлар ва маҳаллий хом ашё ресурсларининг мавжудлиги;
- б) маҳаллийлаштириш даражасини камида 35 фоизга етказиш;
- в) ТИФ ТН коди бўйича пировард маҳсулот товар позициясининг бошланғич хом ашёга нисбатан камида биринчи тўртта белгилардан бири даражасида ўзгаришининг таъминланиши;
- г) маҳаллийлаштириладиган маҳсулотга ички ва ташқи бозорларда талабнинг мавжудлиги;
- д) шунга ўхшаш (аналог) маҳсулотлар импортининг мавжудлиги (янги турдаги маҳсулотлар бундан мустасно);
- е) маҳсулотнинг потенциал истеъмолчилари билан шартномаларнинг ёки аҳдлашувларнинг мавжудлиги;
- ж) маҳаллийлаштириладиган маҳсулотларнинг сотиш нархлари импорт маҳсулотлари нархларидан юқори бўлмаслиги (Ўзбекистон Республикасигача бўлган транспорт харажатлари, божхона ва солиқ тўловларини ҳисобга олинган ҳолда).

Шу билан бирга, юқоридаги мажбурий мезонларга мос бўлган ва халқаро сифат бошқарув тизимини жорий этган ҳамда экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналар Дастурга киритиш ҳуқуқига эга бўлишади.

Мамлакатимизда маҳаллийлаштириш жараёнларининг салмоқли натижаларга эришишида ишлаб чиқарувчиларга берилган имтиёз ва қулайликларнинг роли беқиёсдир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 майдаги ПҚ-879-сонли қарорига кўра бутловчи қисмлар ва деталлар, тайёр маҳсулотлар, материаллар ва хом ашё турларини ишлаб чиқарувчи корхоналар 2011 йил 1 январгача:

- четдан келтириладиган технологик асбоб-ускуналар ва улар учун эҳтиёт қисмлар, шунингдек, маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда технологик жараёнда фойдаланиладиган республикада ишлаб чиқарилмайдиган компонентлар учун божхона тўловлари (божхонада расмийлаштириш йиғимларидан ташқари);

- маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўйича фойда солиғи, ягона солиқ тўлови (солиқ солишининг соддалаштирилган тизимини қўллайдиган субъектлар учун);

- маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган асосий ишлаб чиқариш фондлари бўйича мулк солиғи тўлашдан озод қилинган эдилар.

Ушбу имтиёзлар ҳозирги вақтда ҳам амалда бўлиб, маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхоналар 2016 йилнинг 1 январигача:

- четдан олиб келинадиган технология ускуналари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, шунингдек республика-мизда ишлаб чиқарилмайдиган, маҳаллийлаштири-

лаётган маҳсулотни ишлаб чиқаришдаги технология жараёнида фойдаланиладиган компонентлар учун божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлар бундан мустасно);

маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан олинган даромад (фойда) солиғи, ягона солиқ тўлови (соддалаштирилган солиқ тизими қўлланиладиган субъектлар учун) тўлашдан;

маҳаллийлаштириладиган маҳсулот ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган асосий ишлаб чиқариш фондлари бўйича мулк солиғи тўлашдан озод қилинадилар.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, диверсификация қилишда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011йил 29 июлдаги “2011-2013 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштиришга доир чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ 1590 сонли қарори доирасида 1115 та, шундан 510 таси (45,7%) вазирлик ва идоралар томонидан, 605 таси (54,3 %) худудларда амалга ошириш кўзда тутилган эди.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 2011 йилда республика бўйича 6.93 трлн. сўмлик, шу

Жумладан, вазирлик ва идоралар тасарруфидаги корхоналар томонидан 5,88 трлн. сўмлик (84,9%), ҳудудий тасарруфдаги корхоналар томонидан 1,05 трлн. сўмлик (15,1%) маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. Маҳаллийлаштириш доирасидаги экспортнинг умумий ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 23%ни, ҳудудий тасарруфдаги корхоналар экспорт ҳажмининг ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 4,7 %ни ташкил этди. 2012 йилда эса ушбу дастур доирасида 8.6 трлн. сўмлик яъни 2011 йилга нисбатан 24.7% кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилган. Ҳудудий тасарруфдаги корхоналар томонидан маҳаллийлаштириш доирасида 2.4 трлн. сўм, яъни 2011 йилга нисбатан 33.3% кўп маҳсулот ишлаб чиқарилиб уларнинг жами ишлаб чиқариш ҳажми 16.6 %ни ташкил этди<sup>1</sup>.

Қорақалпоғистон Республикаси Қашқадарё, Андижон, Фарғона, Навоий, Хоразм, Бухоро вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий тасарруфдаги корхоналар маҳаллийлаштириш лойиҳаларининг йиллик прогноз кўрсаткичларини ортиғи билан бажарилган. Аммо бу кўрсаткичлар Самарқанд, Сирдарё, Наманган, Жиззах, Тошкент, Сурхандарё вилоятларидаги ҳудудий тасарруфдаги корхоналар томонидан тўла бажарилмади.

Маҳаллийлаштириш дастурига 2012 йилда Тошкент шаҳрида 46та, Фарғона вилоятида 6та, Андижон, Бухоро, Самарқанд, Тошкент вилоятларида 4тадан, Наманган вилоятида 3та, Сирдарё ва Хоразм

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари.

вилоятларида 2тадан, Қашқадарё вилоятида 1 та янги ҳудудий лойиҳалар киритилган. Аммо Жиззах, Тошкент, Сурхандарё вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида бирорта ҳам янги ҳудудий лойиҳалар киритилмаган. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 2012 йилда 1 млрд 30,6 млн доллар ҳажмида маҳсулотлар экспорт қилинди. Шунингдек, 972,3 млн доллари (94,3%) вазирлик ва идоралар тасарруфидаги корхоналар 58,3 млн долларлик маҳсулотлар (5,7%) ҳудудий тасарруфдаги корхоналар томонидан экспорт қилинган.

2013 йилда иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш техник ҳамда технологик яхшилашни жадаллаштириш, унинг қўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш мақсадида 370 дан ортиқ стратегик муҳим лойиҳаларни амалга оширишни кўзда тутадиган инвестиция дастури қабул қилинган бўлиб, ушбу мақсадлар учун 13 млрд доллар эквивалентида 2012 йилга нисбатан 11 % кўп киритилди. Уларнинг 75%ни ички манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган маблағлар қолган қисмини жалб этиладиган хорижий инвестициялар ташкил этади. Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 56,7 % янги қурилиш, 33% ишлаб чиқаришни кенгайтириш, реконструкция ва модернизация қилишга йўналтирилди. Маҳаллийлаштириш дастурининг бажарилиши натижасида ҳудудий тасарруфдаги корхоналар томонидан ишлаб чиқариш ҳажми режасида белгиланганидек, 2104,9

миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Режани ҳудудий корхоналар Фарғона вилоятида 127,9%, Қашқадарё вилоятида 112,1%, Тошкент вилоятида 110,6% га бажардилар. Аммо Сурхондарё (49,2%), Сирдарё (57,4%), Жиззах (58,9%) ва Наманган(81,7%) вилоятлари режани бажармадилар<sup>1</sup>.

Ҳудудий корхоналар Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси фаолиятида иштирок этмоқдалар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 ноябрдаги «Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3937-сонли фармонига мувофиқ Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг вазифаси Республика саноатининг тез ривожланиб бораётган тармоқлари учун зарур бўлган, экспорт салоҳиятини кенгайтириш, савдо ва тўлов балансини мақбуллаштириш имконини берадиган бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар, сарфланадиган материаллар ва қайта ишланган хом ашё захиралари ишлаб чиқарадиган маҳаллий корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, валюта маблағларини биринчи навбатда илғор технологиялар ва машина-ускуналарни импорт қилишга йўналтириш узок муддатли истиқболни кўзлаб саноатни янада ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаси қилиб белгиланган.

ХСЯКБ иштирокчилари сони йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Масалан, унинг фаолиятида 2007 йилда 227


---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари.



та, 2010 йилда 715 та, 2013 йилда 1304 та, 2014 йилда эса 1705 та иштирокчи қатнашди (қаранг: 2.4.1-расм.).

## ХСЯКБ иштирокчилари сонининг ўсиш суратлари



2.4.1-расм.Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг иштирокчилари сонининг ўсиши<sup>1</sup>.


Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида тузилган шартномалар(саноат кооперацияси асосида маҳсулот етказиб бериш) ҳажми 2007 йилдаги 1068,40 млрд сўмдан 2010 йилда 2614,40 млрд сўмга, 2013 йилда 6210,90 млрд сўмга, 2014 йилда эса 8590,25 млрд сўмга, яъни 8 баровардан ортиққа ўсди (қаранг: 2.4.2-расм).

Худудий корхоналар томонидан ХСЯКБ доирасида тузилган шартномалар ҳажмининг умумий шартномалар ҳажмидаги улуши 2007 йилда 2,3%ни,

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги маълумотлари.

2010йилда 8,3% ни, 2013йилда 10,5% ни, 2014 йилда 13,0% ни ташкил қилди.

**Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида тузилган шартномалар ҳажмининг ўсиш тенденцияси (саноат кооперацияси асосида маҳсулот етказиб бериш)**



10

2.4.2-расм. Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида тузилган шартномалар (саноат кооперацияси асосида маҳсулот етказиб бериш) ҳажмининг ўсиши<sup>1</sup>.

2014 йил учун VII ХСЯКБ доирасида жами 5796 та умумий қиймати – 6210,9 млрд.сўмга тенг саноат кооперацияси асосида маҳсулот етказиб бериш шартномалар тузилган бўлиб, йил якунларига кўра 104,9% га (6 517,9 млрд.сўм) бажарилди. Шундан 5859,

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги маълумотлари.

6 миллиард сўмлик шартномалар вазирлик ва идоралар тасарруфидаги корхоналарга, 658,3 млрд сўмлик шартномалар ҳудудий тасарруфдаги корхоналарга тегишли бўлди.

2014 йил учун VII ХСЯКБ доирасида умумий қиймати – 6,2 млрд.долл.га тенг экспорт контрактлари тузилган бўлиб, йил якунларига кўра 100,5 % га (6,28 млрд.долл.) бажарилди. Шундан 3,4 млрд. долларлик шартномалар вазирлик ва идоралар тасарруфидаги корхоналарга, 2,88 млрд долларлик шартномалар ҳудудий тасарруфдаги корхоналарга тегишли бўлди.

Корхоналар, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва ҳудудлар тасарруфидаги корхоналар томонидан 2015 йилга 8,6 трлн.сўмга маҳсулот етказиб бериши мўлжалланаётган бўлиб, бу шартномаларнинг VII Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида тузилган шартномалар ҳажмига нисбатан 137,9% га ва 2014 йил кўрсаткичларига нисбатан (шартномалар сони) эса 1,46 баробар кўпроқдир. Шундан 7,5 трлн сўмлик шартномалар вазирлик ва идоралар тасарруфидаги корхоналарга, 1,1 трлн сўмлик шартномалар ҳудудий тасарруфдаги корхоналарга тегишли бўлди<sup>1</sup>. Корхоналар, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва ҳудудлар тасарруфидаги корхоналар томонидан VII Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида 2015 йил учун 7,2 млрд. долл.га экспорт контрактлари тузилган

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги маълумотлари.

булиб, бу контрактлар 2014 йил кўрсаткичларига нисбатан эса 1,15 баробар кўпроқдир. Шундан 3,2 млрд. долларлик шартномалар вазирлик ва идоралар тасарруфидаги корхоналарга, 4,0 млрд долларлик шартномалар ҳудудий тасарруфдаги корхоналарга тегишли бўлди. Демак, экспорт шартномаларининг 56% ҳудудий корхоналарга, 44% эса вазирлик ва идоралар тасарруфидаги корхоналарга тегишли бўлди<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 11 февралдаги ПКҚ-2298 сонли “2015-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан:

2015-2019 йилларда 602 та лойиҳани амалга ошириш ҳисобига 8,1 трлн сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш;

1225 дан ортиқ янги турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва 13298 янги иш ўринлари барпо этиш;

барча лойиҳаларни амалга оширилганда 3508,0 млн.долл. ҳажмида валюта маблағлари иқтисод қилиниши кўзда тутилган.

Табиий, минерал хомашё, ресурсларни қайта ишлаш асосида, тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материалларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, ишлаб чиқариш жараёнига инновацион

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги маълумотлари.

ғоялар ва катта хажмдаги саноат чиқиндиларини жалб қилиш бўйича 58 та истиқболли лойихалар белги-ланган. Шунингдек, 162 турдаги ўзлаштириш учун тавсия этилаётган тайёр маҳсулотлар, материаллар ва бутловчи буюмлар рўйхати тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 11 февралдаги «2015-2019 йилларда тайёр маҳсу-лотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни Маҳаллийлаштириш дастури тўғриси-да»ги ПҚ-2298 сонли қарорига мувофиқ, тармоқ-лараро саноат кооперациясини кенгайтириш ва импорт қилинадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳисобига иқтисодиётни таянч соҳалари бўйича импорт маҳсулотларини қисқарти-ришнинг мақсадли кўрсаткичлари тасдиқланган. 2015 йилда 2014 йилга нисбатан иқтисодиётнинг таянч соҳаларида умумий ҳисобда 410,2 млн.долл.га тенг импортни мақбуллаштириш кутилмоқда жумладан, саноат кооперацияси ҳисобига 194,7 млн.долл. (47,5%), ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳисобига 215,4 млн.долл. (52,5%).

Эндиликда мазкур дастурнинг ижросини таъмин-лаш мақсадида қуйидагилан амалга ошириш лозим бўлади:

- Маҳаллийлаштириш дастурини самарали амалга ошириши борасида йилнинг ҳар чорагида маҳсулот ишлаб чиқариш режалари бажарилишини тизимли мониторингини ташкил этиш;

- Дастурга киритилган корхоналар билан маҳаллий ҳокимлик раҳбарияти томонидан бир ойда бир маротаба очиқ мулоқот ўтказиш ва улар дуч келаётган муаммоларни ҳал қилинишини ташкил этиш;
- маҳаллийлаштириш ва кооперация асосида импортни мақбуллаштириш, ҳудудий корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулотларни экспорт қилиш имкониятларини яратиш;
- ҳудудий саноат ярмаркаларини юқори даражада ўтказиш йўли билан йирик ва кичик корхоналар ўртасида кооперация алоқаларни ривожлантириш;
- Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида янги маҳсулотларни ўзлаштириш бўйича келишувлар имзолаш;
- Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида саноат кооперацияси доирасида тузиладиган шартномалар (контрактлар) асосида ишлаб чиқаришни ташкил этиш, режалаштирилаётган янгидан ўзлаштирилган ва ўзлаштириш назарда тутилган маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар янги турларининг тақдиротини ташкил этиш.

# III боб. Минтақа иқтисодий ҳавфсизлиги ва уни таъминлаш механизми


## 3.1. Минтақа иқтисодий ҳавфсизлиги

Миллий ҳавфсизлик жамиятнинг барча бўғин ва даражаларидаги ҳавфсизликни ифодалаганидек, иқтисодий ҳавфсизлик мамлакат ҳамда унинг минтақалари иқтисодий ҳавфсизлигини ҳам ўз ичига олади.

Минтақавий ҳавфсизлик мамлакат вилоятлари (туманлари) манфаатларининг ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимояланганлигини ифодалайди. Минтақавий ҳавфсизлик ўз ичига табиий-техноген, озиқ-овқат, умумиқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий (шахсий ва мулкӣ) ҳавфсизликларни олади (3.1.1-чизма).

3.1.1-чизма

### Минтақавий ҳавфсизлик таркиби<sup>1</sup>



<sup>1</sup>Қаранг: Общая теория национальной безопасности Учебник/ Под общ ред. А.А.Прохожева. – Изд 2 доп. – М.: Издво. РАГС, 2005. –С 227.

Минтақа иқтисодий ҳавфсизлиги минтақанинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланиши, иқтисодиёт билан минтақанинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви муассасалари ўртасидаги мувозанатли ҳолат бўлиб, бу ҳолат минтақада миллий манфаатларнинг ҳимояланганлиги ҳамда сиёсатнинг ижтимоий йўналтирилганлигини ифодалайди. Минтақавий ҳавфсизлик минтақа (ҳудуд)да шахс, жамият ва давлат, минтақа иқтисодий манфаатларининг ички ва ташқи таҳдидлардан қанчалик даражада ҳимояланганлигини, минтақанинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланиши барқарорлигининг таъминланганлигини ифодалайди. Бу борада таъкидлаш жоизки, мамлакатда мавжуд нохуш ҳолатлар, турли инқирозли ҳолатлар минтақа ҳавфсизлигига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Минтақа ҳавфсизлигини таъминлашда минтақа (ҳудуд)да мавжуд бўлган нохуш, танглик ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш лозим бўлади. Минтақадаги нохуш танглик ҳолати деганда уни яхшилаш учун марказий ҳукумат органлари томонидан минтақа иқтисодиётига аралашув ва уни тартибга солишнинг фавқулодда усуллари қўлланиши тақозо этувчи ҳолат тушунилади.

Минтақалардаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатни кузатиб бориш ҳараёнида Давлат статистика қўмитаси олти гуруҳдаги индикатив кўрсаткичлардан фойдаланади: ижтимоий ва иқтисодий индикаторлар; қишлоқ хўжалиги индикаторлари; инвестиция ва



молиявий индикаторлар; институционал ўзгаришлар натижаларини ифодаловчи индикаторлар.

Минтақа (ҳудуд)даги иқтисодий ҳавфсизликни аниқлашда қуйидаги ижтимоий-иқтисодий индикаторлардан фойдаланилади:

- аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот;
- яшаш минимуми;
- иш ҳақи;
- иш ҳақи бўйича муддати ўтган қарздорлик;
- ишсизлик даражаси;
- ишсизлар сонининг бўш иш ўринларига нисбати;
- аҳолининг саводхонлик даражаси;
- аҳоли даромадлари бўйича табақаланиши ва бошқалар<sup>1</sup>.

Ушбу индикаторлар орқали мамлакат минтақалари (ҳудудлари) ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги фарқлар аниқланади ва гуруҳланади. Шу асосда минтақа (ҳудуд)лар ривожланган, ўртача ривожланган ва ривожланишдан орқада қолган минтақалар гуруҳига ажратилади.

Минтақа иқтисодий ҳавфсизлиги унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, мамлакат ривожланишининг ўртача даражасидан фарқланиши даражасига боғлиқдир.

Минтақа иқтисодий ҳавфсизлиги объектларига қуйидагилар киради:

- минтақа аҳолисининг иш билан бандлиги;

---

<sup>1</sup>Абулқосимов Ҳ. П. Давлатнинг иқтисодий ҳавфсизлиги. Ўқув қўлланма..-Т.: Akademiya, 2012.- 264-бет.

- аҳоли турмуш даражаси;
- меҳнат мотивацияси;
- аҳолининг мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларга муносабати;
- ички минтақавий бозор;
- аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланганлиги;
- минтақа ишлаб чиқарувчиларининг рақобатбардошлиги;
- минтақанинг экологик ҳолати;
- минтақа саноат ишлаб чиқаришининг таркиби ва бошқалар<sup>1</sup>.

Минтақа ҳавфсизлигига таҳдидлар қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

- ижтимоий-сиёсий таҳдидлар. Уларга ишсизлик даражаси ва динамикаси; меҳнат мотивациясининг кучсизланиши; ижтимоий боқимандаликнинг кўпайиши туфайли иш билан бандлар меҳнат юкласининг ўсиши; минтақа аҳолиси турмуш даражаси ва динамикаси; аҳоли даромадларининг табақаланиши, озиқ-овқатлар билан таъминланганлиги (ва ҳ.к) киради;

- тизимли бошқариш тавсифидаги таҳдидлар. Улар таркибига ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши, иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайиши; ишлаб чиқариш қувватлари бандлигининг паст даражадалиги, айрим ишлаб чиқаришларнинг ёпилиши, тўхтатилиши, илмий-техникавий потенциалнинг

<sup>1</sup> Вечканов Г.С. Экономическая безопасность: учебник СПб.: Питер 2007. Глава 8.

пасайиши, минтақа маҳсулоти рақобатбардошлигининг пасайиши, илмий-тадқиқот, тажриба конструкторлик ишларининг тўхтатилиши, минтақа молиявий барқарорлигининг бузилиши каби кўрсаткичлар киради;

- ташқи иқтисодий таҳдидлар. Улар таркибига экспортга товар чиқарувчи тармоқларда ишлаб чиқариш ҳажмларининг қисқариши, ташқи бозор ҳажми, ташқи савдо айланмаси ҳажмларининг қисқариши ва пасайиши, экспорт таркибида илмталаб, юқори технологик, истеъмолга тайёр маҳсулотлар улушининг камайиши, экспорт таркибида хом ашё товарлари улушининг катталиги, минтақавий бозорлари инвестициявий жозибадорлигининг пасайиши, озиқ-овқат мустақиллигининг йўқотилиши ва озиқ-овқат импортига боғлиқликнинг ўсиши, минтақа ички бозорида четдан келтириладиган импорт маҳсулотлари улушининг ўсиши кабилар киради<sup>1</sup>.

Минтақавий ривожланишга таъсир кўрсатувчи таҳдид ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бўйича минтақалар ўртасидаги табақаланишнинг кучайиши, айрим минтақа ривожланишидаги турғунлик ва танглик ҳолатининг юзага келиши ҳисобланади.

---

<sup>1</sup>Қаранг: Безопасность экономического пространства хозяйствующего субъекта / Петренко И.Н. –М.: Анкил, 2005 Глова 2,4; Внешне экономическая деятельность региона: содержание и проблемы развития: Сборник статей. –Ростов Н/Дону: РИО Ростовского филиала РТА, 2005.-С. 28-53; Внешне экономический комплекс региона: содержание и особенности формирования: Сб. научных трудов. –Ростов Н/Д: РИО Ростовского филиала РТА, 2007; -С 14-43;Абулкосимов Ҳ. П. Давлатнинг иқтисодий ҳавфсизлиги.Ўқув қўламама..-Т.: Akademiya, 2012.- 264-бет.

Минтақа иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- ҳавфсизлик ва ҳимоя объектлари;
- ҳавф-хатар ва таҳдид субъектлари;
- ҳавф-хатар ва таҳдидлар юзага келиши ҳамда тарқалиши хусусиятлари;
- юзага келиш мумкин бўлган зарарлар;
- ҳавфсизликни таъминловчи тизимларнинг мақсади, вазифалари ва амал қилиш механизмлари.

Минтақа иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлашда минтақа ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу омиллар қуйидагилардан иборат:

- мамлакат ягона халқ хўжалиги комплексининг бузилиши, барҳам топиши. Бунинг натижасида тармоқлараро ва минтақалараро алоқалар узилади, ишлаб чиқариш ҳажмлари қисқаради ҳамда асосий фондларнинг жисмоний ва маънавий эскириши жадаллашади;

- мамлакат агросаноат комплексидаги узилишларнинг юзага келиши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳажмларининг камайиши, давлат томонидан тармоқни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг қисқариши минтақа ривожланишига салбий таъсир кўрсатади;

- минтақада зарар кўриб ишлайдиган корхоналар сонининг кўпайиши, маҳсулот сотиш бозоридан маҳрум бўлиш, жаҳон ва амалакат бозорларида ҳудудий маҳсулотлар рақобатбардошлигининг пасайиши,

асосий ишлаб чиқариш фондлари эскиришининг кучайиши минтақа иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар ҳисобланади;

- аҳоли турмуш даражасида минтақавий табақаланишнинг кучайиши, ижтимоий инфратузилма объектларининг эскириши ва ишдан чиқиши, туғилишнинг қисқариши, оналар ва болалар ўлимининг кўпайиши, кутилаётган умр узоқлигининг қисқариши каби омиллар минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланиши даражасининг пасайишига, унинг ҳавфсизлигига таҳдидларнинг кучайишига олиб келади.

Ҳозирги даврда минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги табақаланишнинг кучайиши, ундаги фарқларнинг катталашиб бориши минтақалар рақобатбардошлигининг пасайишига, ҳавф-хатарларнинг кучайишига, минтақа иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлашда жиддий муаммолар туғдиради.

Минтақа ҳавфсизлиги даражаси унинг рақобатбардошлиги даражасига боғлиқдир. Минтақа иқтисодиётининг рақобатбардошлигини баҳолашда эса қуйидаги кўрсаткичлар гуруҳидан фойдаланилади:

- 1) аҳоли турмуш даражаси;
- 2) меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлиги;
- 3) демографик ҳолат;
- 4) ишлаб чиқариш салоҳияти;
- 5) илмий-техникавий салоҳият;
- 6) бюджет-молия соҳаси;
- 7) инвестициявий муҳит;

8) экологик ҳолат;

9) ҳуқуқ тартибот.

Ушбу гуруҳлар кўрсаткичлари асосида минтақавий ривожланиш тўғрисидаги маълумотлар мамлакат ривожланишининг ўртача кўрсаткичлари билан таққосланади. Бунинг оқибатида минтақа ҳавфсизлигини ифодаловчи мезонлар тизими аниқланади. Шунингдек, минтақаларнинг мамлакат иқтисодий ривожланишининг ўртача кўрсаткичларига нисбатан қай даражада фарқланиши ҳам аниқланади.

Минтақа ҳавфсизлигини баҳолашда қуйидаги кўрсаткичлар умуммамлакат кўрсаткичлари билан таққосланади:

- ҳудудий ялпи маҳсулот ҳажми ва унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши;
- ялпи ҳудудий маҳсулотнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган ҳажми;
- саноат ишлаб чиқаришида ишлаб берувчи саноат ва машинасозликнинг улуши;
- ички истеъмол ҳажмида импорт улуши;
- экспортнинг минтақавий ишлаб чиқаришдаги улуши;
- умумий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмида янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ҳиссаси;
- ялпи ҳудудий маҳсулотга нисбатан инвестициялар ҳажми, яъни ҳиссаси;
- инфляция даражаси;
- ишсизлик кўрсаткичлари;

- замонавий технологияларнинг минтақавий иқтисодийга жорий қилиниши;

- илмий тадқиқот ишларига қилинган ҳаражатларнинг ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмидаги улуши<sup>1</sup>.

Ушбу кўрсаткичлар орқали минтақа иқтисодий ҳавфсизлиги ва рақобатбардошлиги ҳолати, даражаси ҳамда унга таҳдидлар аниқланади. Ушбу таҳлиллар асосида минтақа иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлаш концепцияси ва уни амалга ошириш дастурлари ишлаб чиқилади.

### **3.2. Минтақа иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлаш механизми**

Минтақавий иқтисодий ҳавфсизликни таъминлаш минтақавий сиёсатнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Бу борада кўзланган асосий мақсад мамлакат ва унинг минтақалари рақобатбардошлигини ошириш ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш қуйидагиларга йўналтирилади:

- мамлакат ва унинг минтақаларини халқаро бозорлар билан интеграциялашувини таъминлаш, мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларини минтақа ва ҳудудлар бўйича оқилона жойлаштириш, уларнинг ўзаро алоқадорлиги, ихтисослашуви ва кооперациялашувини таъминлаш орқали мамлакат ва минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини

<sup>1</sup> Абулқосимов Х. П. Давлатнинг иқтисодий ҳавфсизлиги. Ҳуқуқ қўлланма...-Т.: Akademiya, 2012.- 267-268-бет.

жадаллаштириш, барқарор ва мутаносиб иқтисодий ўсишгача эришиш;

- минтақалар инфратузилмаларини ривожлантириш;

- минтақаларда ишлаб чиқариш соҳаларининг рақобатбардошлигини ошириш;

- минтақалар ривожланишидаги фарқларни қисқартириш.

Минтақа иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлаш дастурини ишлаб чиқиш жараёнда қуйидагилар амалга оширилади:

1. Миллий иқтисодиёт ва минтақавий иқтисодиёт доирасида асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар таҳлил қилинади.

2. Ҳар бир минтақанинг мамлакат минтақалари ижтимоий-иқтисодий ривожланиши даражалари классификациясидаги ўрни аниқланади.

3. Минтақадаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол таҳлил қилинади.

4. Минтақанинг асосий иқтисодий манфаатлари аниқланади.

5. Минтақа иқтисодий ҳавфсизлигига таҳдидлар классификацияси ишлаб чиқилади.

6. Минтақа иқтисодий ҳавфсизлигига реал ва потенциал таҳдидлар аниқланади.

7. Минтақа иқтисодий ҳавфсизлигини баҳолаш индикаторлари ва усуллари белгиланади.

8. Минтақаларда ҳаёт фаолияти соҳалари бўйича турғунлик ва танглик ҳолатлари баҳоланади.



9. Минтақа иқтисодий ҳавфсизлиги мақсадлари белгиланади.

10. Иқтисодий ҳавфсизликни таъминлашга қаратилган минтақавий сиёсатнинг устувор вазифалари ишлаб чиқилади.

11. Минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ишлаб чиқилади.

12. Минтақа иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари мажмуи ишлаб чиқилади ва белгиланади.

13. Иқтисодий ҳавфсизликни таъминлаш бўйича маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг вазифалари, ваколатлари белгиланади.

14. Минтақа иқтисодий ҳавфсизлиги ҳолатини мониторинг қилиб бориш билан боғлиқ чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилади<sup>1</sup>.

Минтақа иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлаш ҳамда унинг рақобатбардошлигини ошириш учун минтақа (ҳудуд) мамлакатда локомотив ва таянч минтақаларни белгилаб олиш лозим бўлади.

Локомотив минтақа деб қуйидаги талабларга жавоб берадиган минтақага айтилади:

- минтақада юк ва йўловчи ташиш оқимлари барқарор ўсиши кузатилади;

- минтақада мамлакат учун аҳамиятли бўлган нуфузли илғор илмий-таълим маркази фаолият юритади;

---

<sup>1</sup> Абулқосимов Ҳ. П. Давлатнинг иқтисодий ҳавфсизлиги. Ўқув қўлланма...-Т.: Akademiya, 2012.- 269-бет.

- бутун мамлакат учун катта аҳамиятга эга бўлган стратегик ташаббус шаклланади;

- юқори илмий-техникавий, интеллектуал кадрлар ва ижтимоий потенциалга эга бўлиш;

- мамлакат иқтисодий ривожланишида салмоқли улушга эга, яъни ЯИМдаги улуши юқори бўлиши лозим;

- минтақада давлат, фуқаролик жамияти институтлари ва бизнес вакиллари ўртасида стратегик ҳамкорликнинг мавжуд бўлиши;

- 10-15 йиллик истиқболда ушбу минтақа қўшни минтақа ва ҳудудлар ривожланишига туртки бериш имконига эга бўлиши керак.

Мамлакатни территориял ривожланиш бош схемасига кўра таянч минтақа белгилаб олиниб, унинг ривожлантириш вазифалари аниқланади. Бу эса қуйидаги имкониятларни вужудга келтиради:

- мамлакатни халқаро бозорларга интеграциялашувини самарали таъминлаш, ўз территориясида товарлар, молиявий маблағлар, ишчи кучи оқимлари, инновацияларни ишлаб чиқиш ва улар муомаласини бошқариш марказларини тўплашга мувофиқ бўлинади;

- бир неча локомотив ва таянч ҳудудларни шакллантириш орқали мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожланиши жадаллаштирилади, бошқа минтақалар учун янгиликлар яратиш манбасига айлантиради. Бу минтақалар қўшни минтақаларга ўз корхоналарининг буюртмаларини бериш, айрим

ишлаб чиқариш бўғинларини ташкил этиш орқали уларнинг ҳам ривожланишига туртки беради;

- мамлакат минтақалари ўртасида инфратузилмавий, ишлаб чиқариш-технологик ва ижтимоий-маданий алоқадорликни таъминлаш орқали ижтимоий-иқтисодий ривожланишга эришилади;

- мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш лойиҳаларини кенг миқёсда амалга ошириш имкониятига эга бўлинади.

Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда территориялар тармоқ кластерлари муҳим роль ўйнайди. Кластерларда баъзи ҳудудларда айрим товарлар, бутловчи қисмларни, хом ашёларни ишлаб чиқариш ташкил этилади. Бунга Асакадаги енгил автомобиллар, уларнинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқариш ташкил этилганлиги мисол бўлади. Кластер ҳудуд манфаатини корхона манфаати билан уйғунлаштиради. Кластер терриориал ишлаб чиқариш ичида рақобат муҳитини яратиб, ички ва жаҳон бозорларига маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этади ҳамда мазкур ҳудуд аҳолисини иш билан таъминлашни яхшилайдди, ҳудуднинг ҳар тўмонлама ривожланишига имконият яратади. Кластер иштирокчиси бўлган хўжалик субъектларининг ўзаро алоқадорлиги, биргаликда илмий-тадқиқот, янги технологияни жорий этиш, ишларини биргаликда амалга ошириш, тажриба, билим ва асосий фондлардан биргаликда

фойдаланиш, рискларни камайтиришда, жаҳон бозорларига чиқишда ҳудудни ривожлантириш, ободонлаштиришда ўзаро ҳамкорлик қилиши кучаяди.

Минтақа иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлаш концепциясида уларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш кўзда тутилади. Бу дастурларни ишлаб чиқишда ўзаро алоқадорлик ва давомийлик, ресурсларни тежаш, инфратузилмавий таъминот тамойилларига асосланилади.

Бундай дастурларни ишлаб чиқиш ва минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш моделларини яратишда SWOT таҳлилидан фойдаланилади. Ушбу таҳлил асосида минтақанинг, кучсиз ва кучли томонлари, имкониятлари, таҳдид ва хавф-хатарлар аниқланади. Минтақани ривожлантиришнинг турли сценарийлари ишлаб чиқилади. Инерцион ривожланиш сценарийсида барча тенденциялар амалда сақланади. Экспортга йўналтирилган ривожланиш сценарийсида экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришлар ва уларнинг салоҳиятини ривожлантириш ҳамда мустақамлаш тадбирларини амалга ошириш кўзда тутилади. Мобилизацион ривожлантириш сценарийсида ички захиралар, ресурслар, иқтисодий ўсиш омиллари ҳисобга олинади ва ривожланиши мақсадида фойдаланишга йўналтирилади.

Мутаносиб ўсиш сценарийсида экспортга йўналтирилган ва ички ресурсларни мобилизация қилиш

вариантлари синтез қилинади, яъни уйғунлаштирилади.

Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясини прогнозлаштириш ва асослашда минтақа иқтисодий ҳавф-сизлигини таъминлаш вазифаларини ҳам ҳал этиш кўзда тутилади. Умуман ушбу стратегияни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда қуйидаги вазифалар белгиланади ва ҳал қилинади:

- минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадлари, вариантлари, сценарийлари ва кўламлари асосланади;

- ривожланишнинг объектив қонуниятлари ва тенденциялари ҳисобга олинади;

- товар ва хизматлар, меҳнат, ресурслар, молиявий бозорлар шаклланиши ҳамда ривожланиши истиқболлари аниқланади;

- минтақа ижтимоий ривожланиши, аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг ўсиши йўналишлари белгиланади;

- таркибий ва инвестициявий сиёсат йўналишлари шакллантирилади;

- минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги муаммолар, турғунлик ва танглик ҳолатлари аниқланиб, уларни ҳал этиш босқичлари ҳамда муддатлари белгиланади;

- вилоятлараро, туманлараро ва ташқи иқтисодий муносабатларни самарали ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш йўналишлари асосланади;

- экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилади;

- ташқи муҳитнинг аҳволини яхшилаш, табиатдан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар асосланади ва ишлаб чиқилади<sup>1</sup>.

Минтақа, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлаш, рақобатбардошлигини оширишга қаратилган дастурларнинг амалга оширилиши минтақанинг ўзини ўзи ташкиллаштирувчи, ўзини-ўзи бошқарувчи ва оқилона бошқариладиган ижтимоий-иқтисодий, этномаданий ва территориал-маъмурий бирлик сифатида ривожланишига имконият яратади.

---

<sup>1</sup> Кочергина Т.Е. Экономическая безопасность: Ростов на Дону, 2007. -С.340-346.

## IV боб. Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари

### 4.1. Ўзбекистонда минтақа ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш механизмини такомиллаштириш

Ўзбекистон Республикаси минтақа ва улар таркибидаги ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий даражаларидаги ва иқтисодий-табиий салоҳиятидаги фарқлар уларни истиқболда ҳудудий ва тармоқ хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш жараёнларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Минтақани иқтисодий ривожлантиришни барқарорлаштириш стратегиясини асослашнинг қуйидаги йўналишларини инобатга олиш мақсадга мувофиқдир:

- минтақа ривожланишини бошқариш самарадорлигини ошириш мақсадида иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни таҳлил қилиш; бу босқичда ҳудуднинг эришган иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражаси таҳлил қилинади;

- минтақани иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш стратегиясини асослаш; ривожланишни прогноз қилинади; стратегия асосланади, уни ривожланишини тартибга солиш методлари танланади;

- концепция ишлаб чиқиш ва ҳудуд ривожланишини давлат ва бозор механизмлари орқали тартиблаш методларини танлаш;

- минтақа ва ҳудуднинг молиявий ресурслари ўсишини прогноз қилиш; бюджет даромад қисмини кенгайтириш ва мустақамлаш йўллариини излаш; бюджет даромад қисмини тўлдиришнинг янги манбаларини аниқлаш, турли мулкчилик шаклларига асосланган тадбиркорликдан, хорижий инвесторлардан ва нобюджет жамғармаларидан қўшимча маблағларни жалб этиш<sup>1</sup>.

Минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини тузишда маълум тамойилларга асосланиш керак бўлади. Бу тамойиллар минтақавий иқтисодий фани нуқтаи-назаридан қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларининг мақсадлилиги;

- минтақани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича ресурсларни тўплаш ва йўналтириш;

- белгиланган ҳаракатни назорат қилиш ва тартиблаш имкониятларининг очиқлиги;

- минтақа ва унинг таркибидаги ҳар бир ҳудудни ривожланишини қўллаб-қувватлашнинг индивидуаллиги;

---

<sup>1</sup>Қаранг: Регулирование территориального развития в условиях рыночной экономики / Под ред. Б.М.Штульберга. М., 1993С 73; Содықов А.М. Основы регионального развития: теория, методология, практика - Т: IQTISOD-MOLIYA; 2005. - С 165.



- қўллаб-қувватлаш механизмининг таъсирчанлиги;

- республика ва маҳаллий ҳокимият органларининг ҳамкорлиги ва улар фаолиятининг уйғунлиги.

Минтақавий дастурларни ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши ҳудудий ривожланишни давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Минтақавий дастурларини бажаришга тўсқинлик қиладиган ҳолатлар ва омилларни аниқлаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Минтақани ривожлантириш бўйича қабул қилинадиган дастурларнинг бажарилишига кўпгина ҳолларда қуйидаги омиллар тўсқинлик қилиши мумкин:

- республика ва минтақавий мақсадли дастурларни танлашнинг синалган тизимларининг мавжуд эмаслиги, уларни амалга оширишнинг ва уларни бажариш кетма-кетлигининг етарли даражада асосланмаганлиги;

- республика тармоқ дастурларининг минтақавий ва айрим ҳудудий жиҳатларининг етарли даражада ишланмаганлиги;

- тармоқ дастурлари минтақавий жиҳатлари мониторингининг йўқлиги;

- республика ва минтақавий дастурларни амалга ошириш механизмнинг мустаҳкам эмаслиги;

Республика ва минтақавий дастурларни ишлаб чиқишда мақсадли-дастурлаш услубидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу услуб пировард

нагигага эришиш учун иқтисодий ресурсларни йўналтиришни таъминлашни ифодалайди. Унинг ёрдамида энг муҳим иқтисодий, ижтимоий ва илмий-техникавий ривожланиш муаммолари ҳал этилади. Бу муаммолар амалда тармоқлараро ёки минтақалараро ва ҳудудлараро тавсифга эга бўлиб халқ хўжалиги аҳамиятга эга бўлади.

Мақсадли дастурлар ўрта ва узоқ муддатга мўлжаллаб корхона, мамлакат ва халқаро миқёсда тузилади. Дастурлар ўз ичига пировард ва оралиқ мақсадларни, вазифаларни, уларни амалга ошириш чора-тадбирларни, ресурслар таъминотини, олиши керак.

Дастур мақсади ўлчамга эга бўлиши, чора-тадбирлар тизими эса пировард ва оралиқ мақсадларни амалга ошириш нуқтай-назаридан ишлаб чиқилиши лозим.

Мақсадли минтақавий ва ҳудудий дастурлар вилоят, шаҳар ва туманларнинг ривожланишини тартибга солишнинг самарали методи сифатида давлат, маҳаллий, жамоавий, шахсий манфаатларни уйғунлаштириши ҳамда жамиятнинг барча аҳоли табақаларини давлатнинг ҳудудий сиёсатини амалга оширишга даъват этадиган, йўналтирадиган бўлиши керак. Шунингдек, минтақани иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш дастурлари мамлакатда амал қилаётган қонунлар, ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилиши лозим.

Минтақани иқтисодий ва ижтимоий ривожлан-

тириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад ҳудудий иқтисодиётни унинг табиий-иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва ташқи манбаларни жалб этиш йўли билан мутаносиб ва оқилона ривожлантиришдан иборатдир.

Ушбулардан келиб чиқиб, минтақавий ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда қўйидаги вазифаларни бажаришга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади;

- минтақа ва унинг таркибидаги ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини умумий баҳолаш ва иқтисодий ривожланишнинг асосий тенденцияларини, иқтисодий ўсиш муаммоларини ва резервларини аниқлаш;

- минтақанинг маҳаллий минерал-хомашё, ер-сув ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг миқдор ва сифат даражаларини таҳлил қилиш;

- минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш, истиқболли тармоқлар ва ҳудуднинг ихтисослашиш соҳасини, иқтисодиётнинг базавий тармоқлари ривожланишининг устувор йўналишларини аниқлаш;

- маҳаллий қишлоқ хўжалиги ва минерал хомашёлардан самарали фойдаланишга асосланган янги экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришларни шакллантиришнинг аниқ йўллари белгилаш, жаҳон даражасидаги тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича кам чиқиндили ва чиқиндисиз технологиялар жиҳозланган янги корхоналарни вужудга келтириш;

- минтақада қулай, жозибадор инвестицион муҳитни яратиш, хорижий инвесторлар, маҳаллий корхоналар, тадбиркорлар, аҳоли маблағлари ва ресурсларини кенгроқ жалб этиш;

- аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлашнинг механизмини ишлаб чиқиш;

- хўжалик субъектлари ўртасида рақобат шароитини ва тўлақонли бозор инфратузилмасини вужудга келтириш;

- минтақани озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа оммавий истеъмол моллари билан ўзини-ўзи таъминлашини ошириш;

- қишлоқ аҳоли пунктларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириши учун қулай шароитларни шакллантириш. Бунинг учун ҳудудга маҳаллий солиқлар бўйича имтиёзлар бериш мақсадга мувофиқдир.

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш орқали унинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини, ҳар бир шаҳар ва тумanning ташқи иқтисодий фаолиятини кенгайтириш, экспорт ва импорт таркибини оқиланалаштириш, уларда фаолият юритаётган хорижий инвестицияли корхоналар фаолиятини янада яхшилаш ва янги қўшма корхоналарни ташкил этиш.

Минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожланти-

риш дастурини ишлаб чиқиш учун аввалом бор ундаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни умумий баҳолаш мақсадга мувофиқдир.

Бунинг учун қуйидагилар амалга оширилади:

1. Ўтган даврдаги минтақа ва унинг таркибидаги шаҳар ва туманларнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши тавсифи берилади. Бунда уларнинг саноат, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий салоҳиятини баҳолашга алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлади.

2. Минтақанинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши даражаси ва аҳволи тўғрисидаги таҳлилга асосланиб, унинг ривожланишидаги ижобий ва салбий тенденциялари, иқтисодий ривожланиши резервлари ва фойдаланилмаган имкониятлари аниқланади. Шунингдек, келгусида ҳал этилиши лозим бўлган муҳим иқтисодий ва ижтимоий муаммолари аниқланади.

3. Амалга оширилаётган иқтисодий ва ижтимоий ислохотларнинг натижалари, кўп укладли иқтисодиётнинг вужудга келиши ва ривожланиши, шунингдек, ҳудудий бозор инфратузилмаси аҳволи баҳоланади.

4. Минтақадаги тармоқлар ва йирик саноат корхоналарининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлил қилинади, уларнинг иш натижалари ёки орқада қолишининг сабаблари ва омиллари аниқланади.

5. Саноат ривожланиши ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиши даражаси белгиланади, ишлаб чиқариш қувватларини экспортга йўналтирилган ва

импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қайта ихтисослаштириш ва кенгайтириш учун қўшимча захиралар ва ресурслар аниқланади. Минтақа имкониятларини ҳисобга олган ҳолда устувор аҳамиятли тармоқлар ва ишлаб чиқаришлар аниқланади.

6. Минтақа ва унинг таркибидаги шаҳар ва туманлар аҳолисини ўзида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминланганлиги, уларни ҳудуддан чиқариш ва киритиш баланси, агроресурс салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлиги, шунингдек, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги, ва чорва моллари маҳсулдорлигининг ўсиши (насайиши) омиллари ва сабаблари баҳоланади.

Минтақанинг табиий-иқтисодий салоҳиятини баҳолаш қўйидагиларни ўз ичига олади:

1. Минтақанинг меҳнат, ер-сув ва минерал хомашё ресурслари билан таъминланганлиги миқдорий ва сифат баҳоси берилади.

2. Ҳудуддаги демографик вазият, аҳолининг иш билан бандлиги кейинги ўн йиллик давр бўйича баҳоланади. Ишсизлик даражаси, шу жумладан унинг яширин шакллари баҳоланиб, аҳоли ва меҳнат ресурслари сони прогноз қилинади.

3. Фойдали қазилма бойликлари захиралари, уларнинг ўзлаштирилган аҳоли таҳлил қилинади. Минтақа минерал-хомашё базаси имкониятлари, қўшимча молиявий ресурсларни жалб этишни ҳисобга олган ҳолда баҳоланади. Шунингдек, қазиб

чиқарувчи корхоналарнинг фойдали қазилма бойлик-лари билан таъминлангани, уларнинг конларни ўзлаштириш харажатлари ўрганилади.

4. Минтақада ер-сув ресурслари билан таъминлангани уларнинг аҳволи, ерларнинг мелиоратив аҳволи, ер бонитетлари ўрганилиб, мелиоратив яхшилаш истиқболлари ўрганилади.

5. Минтақанинг ишлаб чиқариш, транспорт ва алоқа инфратузилма салоҳияти ўрганилади. Аҳолининг ижтимоий инфратузилма объектлари ва хизматлари билан таъминланганлиги даражаси баҳоланади.

6. Минтақада ишлаб чиқарувчи кучларини, янги корхоналарни жойлаштириш учун истиқболли туман, шаҳар, йирик аҳоли яшаш пунктлари танланади.

Минтақа ва унинг таркибидаги ҳудудни ривожлантириш дастурларини амалга ошириш йўналишлари белгиланади. Ривожлантириш дастурларини амалга оширишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Дастурда минтақани, шаҳар ва туманлар иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан истиқболда ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва кўрсаткичлари баён қилинади. Бунда асосий эътибор янги ишчи ўринлари, табиий, молиявий, меҳнат ресурсларини, ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланишга қаратилади.

Бу йўналишлар қуйидагиларни ифодалаши лозим:

1. Минтақанинг истиқболдаги эҳтиёжлари ва ҳудудлараро айрибошлаш имкониятларини кенгайти-

риш асосида иқтисодий мақбул тармоқ ва ишлаб чиқаришлар аниқланади. Истиқболда тармоқларни ривожлантиришнинг иқтисодий кўрсаткичлари, тармоқ таркибининг ўзгариши, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ҳажми прогноз қилинади. Бунда амалдаги корхоналарни техник, технологик ва ташкилий жиҳатдан янгилаш муаммоларига алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш янада чуқурлаштирилади, нисбатан кичик корхоналар ривожлантирилади. Бу корхоналарда маҳаллий минерал-хомашё ва қишлоқ хўжалик ресурсларидан фойдаланилади.

2. Минтақада янги корхоналарни қуриш, фаолият юритаётган корхоналарни реконструкция қилиш, ихтисослигини ўзгартириш зарурлиги асосланади; йирик объектларга қўшимча маблағлар жалб қилиш ҳисоб-китоблари амалга оширилади.

3. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари, экин майдонлари таркибининг ўзгариши, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг натурал ҳажми прогноз қилинади. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини, чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш йўллари ва манбалари белгиланади. Янги технологияларни жорий этиш кўзда тутилади.

4. Минтақада хомашёларни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган тугалланган циклдаги ишлаб чиқариш тармоқларини, қишлоқ хўжа-



лиги маҳсулотларини сақлаш ва сотиш шаҳобчаларини вужудга келтириш, хорижий инвестицияли қўшма корхоналарни вужудга келтириш орқали янги замонавий технологияларни, хўжалик юритиш шаклларини ва бошқариш усулларини жорий этиш.

5. Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш ва табиий ресурслардан фойдаланиш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида транспорт тизими ва коммуникацияларини ривожлантириш истиқболларини асослаш.

6. Мулкдорлар синфини вужудга келтириш бўйича вазифаларни ҳал этиш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтисодиётдаги улушини кўпайтириш, бозор инфра-тузилмасини ривожлантириш.

7. Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш қўламларини, параметрлари белгиланади. Бунда ташқи савдо таркибий тузилишини такомиллаштиришга, маҳаллий хомашё ресурсларини ҳисобга олган ҳолда хорижий инвестицияли корхоналарни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқдир.

8. Дастурда табиий ташқимуҳитни, табиатни муҳофаза қилиш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш тадбирлари, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш чора-тадбирлари ҳам ўз ифодасини топади.

Ҳар бир минтақавий дастурда уни амалга ошириш механизми кўзда тутилиши керак. Бу механизмда

дастурни молиявий, иқтисодий ресурслар билан таъминланиши муҳим ўрин тутди.

Дастурни ишлаб чиқишда ҳар бир тадбир ва тармоқ бўйича турли ресурсларга бўлган талаб, эҳтиёж ҳисоб-китоб қилинади. Шундан сўнг дастур бўйича унинг ресурслар билан таъминланиш манбалари аниқланади. Дастурлар ресурслар баланслаштирилади. Мақсадлар ва ресурслар ўртасидаги мувофиқлик таъминланади. Дастурларни молиялаштириш манбаларини аниқлаштиришда аввалом бор маҳаллий ресурслар ва имкониятлар ҳисобга олинади.

Жойлардаги маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари маҳаллий бюджет, тадбиркорлар ва корхоналар ўз маблағлари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, аҳоли маблағларини жалб қилинадиган хорижий инвесторлар, ҳудуддан ташқаридаги ташкилот, корхоналар маблағларини ҳамда банк кредитларини ҳудудий дастурни амалга оширишга жалб қилиш чора-тадбирларини амалга оширишлари лозим бўлади.

Шунингдек, мазкур дастурларни амалга оширишда республика бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар, Ўзбекистон Республика тараққиёт ва тикланиш жамғармаси маблағларини ҳам жалб этилиши мумкин.

Дастурларни ишлаб чиқишда ундан кутилаётган натижалар қандай бўлиши олдиндан белгиланиши лозим. Дастурларни амалга оширишнинг ижтимоий-иқтисодий натижалари сифатида ялпи ҳудудий

маҳсулот, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари, умумий ҳажми аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш суръатлари олинади. Шунингдек, аҳоли турмуш даражаси ва унинг иш билан бандлиги, аҳоли жон бошига даромадларининг ўсиши, аҳолининг газ, электр энергия, тоза ичимлик суви, уй-жой билан таъминланишининг яхшиланиши, минтақанинг ўзини-ўзи озиқ-овқат, бошқа истеъмол товарлари билан таъминланишининг яхшиланиши кўрсаткичлари дастурларнинг бажарилиши натижалари ҳисобланади.

Дастурларни бажарилишини ташкилий жиҳатдан таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Дастурларни амалга оширишда бутун масъулият жойлардаги маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари зиммасига юклатилади. Мақсадли ҳудудий дастурни экспорт баҳолаш, умумий назорат қилишни Вазирлар Маҳкамасининг тегишли бошқарма ва бўлинмалари амалга оширадilar.

Бунда республика ҳукумати ва жойлардаги маҳаллий ҳокимият органларининг мақсадли ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш, амалга оширишдаги ваколатлари ва вазифалари аниқ белгиланиши лозим бўлади.

Минтақавий ва ҳудудий дастурларнинг самарадорлигини ошириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- етарли даражада ривожланмаган, умумреспублика даражасидан орқада қолаётган ҳудудларни

ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишнинг ягона методикасини тасдиқлаш;

- республика шаҳар ва қишлоқ туманларидаги иқтисодий ва ижтимоий аҳволини мониторинг қилиш, уларни ривожланиш даражаларига кўра типологиясини ишлаб чиқиш;

- минтақавий дастурларни, орқада қолган туман ва шаҳарларни қўллаб-қувватлаш дастурларининг лойиҳаларини экспертизадан ўтказишни ташкил этиш;

Жойларда ҳудудларни ривожлантириш дастурларини самарали бошқариш мақсадида вилоят, шаҳар, туман ҳокимликларига қуйидаги вазифаларни юклаш мақсадга мувофиқ бўлади:

- минтақа, шаҳар ва туманларни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш, бунинг учун тегишли инвестициявий дастурни тузиш бўйича таклифлар бериш;

- дастур асосида қўллаб-қувватлашга муҳтож, муаммоли шаҳар, туман, аҳоли пунктларини ажратиш ва белгилаш;

- улар асосида маҳаллий дастурларни шакллантириш ва амалга ошириш дастурларини республиканинг минтақавий сиёсати устуворликлари ва тамойилларига мувофиқлаштириш;

- маҳаллий дастурлар лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва улар асосида ягона дастурларни шакллантириш ҳамда уларни кўриб чиқиш, тасдиқлаш учун ҳудудий ривожлантириш бўйича Республика комиссиясига тақдим этиш;

- маҳаллий дастурларни амалга оширишга раҳбарлик қилиш ва бажарилишини назорат қилиш, дастур бўйича жорий ахборотларни, ҳисоботларни мунтазам бериб бориш.

#### **4.2. Ўзбекистонда минтақа ва ҳудудларни ривожлантиришни давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш**

Бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар тажрибаси минтақавий сиёсат тартибга солиш усуллари орқали мамлакат иқтисодиёти таркибий тузилишини ўзгартиришга таъсир этади. Ўзбекистонда минтақа, унинг таркибидаги туман ва шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини давлат томонидан тартибга солишдан кўзланган бош мақсад уларни барқарор ривожлантиришни рағбатлантириш ва иқтисодий-ижтимоий ривожланиши даражаларида кескин фарқларнинг вужудга келишига йўл қўймаслик учун шароит яратишдан иборат.

Мамлакат ҳудудларини иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини тартибга солиш мақсадини амалга оширишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- мамлакатнинг барча минтақа ва ҳудудларини барқарор ривожлантириш уларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражаларини имкон даражада тенглаштириш;

- минтақаларнинг табиий-иқтисодий салоҳиятидан

самарали фойдаланиш;

- ишлаб чиқарувчи кучларнинг жойлаштирилиши ва ривожланишидаги асоссиз вужудга келтирилган номутаносибликни бартараф этиш;

- минтақа ва ҳудудларнинг ихтисослашувини оқилонлаштириш, шаҳарлараро ва туманлараро иқтисодий алоқаларни оптималлаштириш;

- минтақалар ички ва ташқи иқтисодий интеграциялашуви, айрим минтақа ҳамда ҳудудларнинг иқтисодий ва ижтимоий биқиклигига барҳам бериш.

Давлат томонидан иқтисодиётни тартибга солишнинг ҳуқуқий шакллари сифатида қонунлар, қонуности ва суд ҳуқуқий ҳужжатлар, актлар хизмат қилади. Ўзбекистонда минтақа ва ҳудудлар ривожланишини тартибга солишда Президент Фармонлари ва Қарор, Фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари муҳим роль ўйнамоқда.

Минтақа ва унинг таркибидаги ҳудудлар ривожланишини тартибга солишнинг ташкилий-институционал таркиби республика ижро ҳокимияти даражасида Вазирлар Маҳкамаси, кўпгина вазирлик ва идоралар томонидан шакллантирилади.

Минтақа, шаҳар ва туманларни ривожлантириш бўйича умумий сиёсат Президент раҳномалигида Вазирлар Маҳкамаси, шу жумладан, Иқтисодиёт вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Айрим иқтисодиёт секторлари ва йўналишлари бўйича минтақавий ва ҳудудий муаммолар билан Марказий банк, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвести-

циялар ва савдо вазирлиги, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси, қурилиш ва архитектура бўйича қўмита, "Ўзкоммунхизмат" агентлиги ва бошқалар шуғулланадилар.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида минтақа ва ҳудудларнинг иқтисодий, ижтимоий ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш қуйидаги йўналишларда амалга оширилди:

- минтақа, шаҳарларни, туманлар гуруҳини ва туманларни комплекс ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш;

- минтақалар минерал-хомашё ресурсларини комплекс ўзлаштириш, ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, ташқи атроф муҳитни муҳофаза қилиш;

- саноат ва унинг тармоқларини ривожлантиришнинг ҳудудий ва республика дастурларини ишлаб чиқиш, фаолият юритаётган ишлаб чиқариш қувватларини профилини ўзгартириш, хорижий инвестицияли янги корхоналарни қуриш;

- минтақалар қишлоқ хўжалигини уларнинг табиий-иқлим хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ихтисослаштириш, қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни ривожлантириш ва янада чуқурлаштириш бўйича республика, ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- иш билан бандлик, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, қишлоқ аҳолисини табиий газ ва ичимлик суви ва бошқалар билан таъминлаш бўйича республика дастурларини амалга ошириш;

- республика ва маҳаллий бошқарув тизимларини такомиллаштириш;

- маҳаллий бюджетни мустаҳкамлаш, ривожланиши орқада қолган ёки қийин экологик вазият юзага келган шаҳар ва туманларга дотация ва субвенциялар ажратиш;

- бошқаришнинг ҳудудий-хўжалик тизимини оқилона ташкил этиш мақсадида мамлакатни маъмурий-ҳудудий бўлинишини такомиллаштириш.

Минтақа ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари иқтисодий базасига, мамлакатдаги бюджет тизимига, тадбиркорликнинг ривожланиш кўламига, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш шакллари ва усулларига, тезлигига, солиқ имтиёзларини қўллаш тажрибасига, бюджетдан ташқари жамғармалар, молиявий ресурсларга, ҳудуднинг инвестициявий ва экспорт имкониятларига, вилоятлараро, туманлараро ва ташқи иқтисодий алоқаларга, бозор инфратузилмаси объектлари ривожланиш даражасига, аҳолининг иш билан бандлик муаммоларининг хусусиятларига ва ҳудуддаги экологик вазиятга боғлиқ.

Минтақа ва унинг таркибидаги ҳудудлар ривожланишини давлат томонидан тўғридан-тўғри тартибга солиш республика бюджети, дотация ва субвенциялар ҳисобига мақсадли дастурлар ва йирик инвестиция лойиҳаларни амалга ошириш орқали бўлади.

Давлат томонидан минтақаларни ривожлантиришни тартибга солиш мақсадида қуйидаги дастурлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.



1. Саноатни ривожлантириш дастурлари.

2. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни тартибга солиш. Бунда қуйидаги тартиблаш усулларидан фойдаланилмоқда.

- минтақа ва ҳудудларда маҳсулот ҳажмини, қишлоқ хўжалиги экин майдонларини ва уларнинг ихтисослашувини тартибга солиш;

- қишлоқда ижтимоий ва бозор инфратузилмасини вужудга келтириш;

- қишлоқ хўжалиги ерларининг мелиоратив аҳолини яхшилаш;

- қишлоқ хўжалиги корхоналари моддий-техника базасини яхшилаш ва мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш бўйича корхоналар тармоғини яратиш;

- табиатни муҳофаза қилувчи ва гидротехник қурилмаларни қуриш;

- зарар кўриб ишловчи ва паст рентабелли қишлоқ хўжалиги корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастурига мувофиқ қишлоқда мулкдорлар синфини фермер хўжаликларини шакллантириш, жараёнлари давом эттирилди, тупроқ унумдорлигини ошириш, селекция ва уруғчиликни яхшилаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳажмларини ўстириш чора-тадбирлари кўрилади.

3. Минтақа ва унинг таркибидаги ҳудудларнинг экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва қўшма корхоналарни ташкил этишни тартибга солиш.

Эндиликда республика минтақа ва ҳудудларида, айниқса кам ривожланган шаҳар ва туманларда қўшма корхоналар ташкил этиш хорижий инвестицияларни жалб этиш мақсадида мақсадли дастурлар тузиш ва уларни рағбатлантириш учун солиқ, бож, кредит имтиёзлари механизмини яратиш мақсадга мувофиқдир.

4. Транспорт-коммуникация тизимини ривожлантириш. Минтақаларда темир йўллар, автомобил йўллари қуриш давлат минтақавий сиёсатининг муҳим қисми ҳисобланади. Бунинг оқибатида вилоятлараро, шаҳарлараро, туманлараро ва ташқи иқтисодий алоқалари кучаяди, тадбиркорлик, бизнес ривожланиши, хорижий инвестицияларни жалб этиш учун қулай муҳит яратилади.

5. Минтақалар ва ҳудудларнинг ижтимоий ривожланишини тартибга солиш. Ижтимоий соҳани тартибга солишда республика, ҳудудий ва маҳаллий бошқариш даражалари мавжуд бўлади. Уларнинг ижтимоий ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш территориал дастурлар орқали амалга оширилади.

Ўзбекистонда қабул қилинган дастурларни амалга оширишда ва минтақа ҳамда ҳудудларнинг ривожланишини тартибга солиш механизмини такомиллаштириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- минтақаларни ривожлантириш бўйича республика ва маҳаллий дастурларни танлашнинг ва уларни амалга оширишни асослаш ва навбатга қўйиш тизимини шакллантириш;

- республика ва ҳудудий дастурларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш, бунинг учун маҳаллий ҳокимликлар ва тегишли вазирликларнинг масъулиятини ошириш;

- иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш бўйича давлат дастурларининг минтақавий жиҳатларини кучайтириш;

- тармоқ дастурларининг минтақавий ва ҳудудий жиҳатларини мониторингини ташкил этиш;

- минта иқтисодиётининг тармоқ тузилишини ҳамда уларнинг имкониятлари, заҳираларини чуқур ўрганиш ва ҳисобга олиш асосида прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

- дастурларни амалга ошириш устидан қатъий назоратни кучайтириш, назорат тизимини яратиш.

Минтақалар ривожланишини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш учун маъмурий қарорлар қабул қилиш билангина чекланиб қолмасдан, шу билан бирга иқтисодий рағбатлантириш тавсифига эга бўлган дастак ва усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Молиявий қўллаб-қувватлаш учун маълум минтақа ёки унинг айрим ҳудудини танлашда улардаги муаммоли ҳолатларни чуқур ўрганиш лозим бўлади.

Ҳукумат томонидан минтақа, шаҳар ва туманларни ташқи иқтисодий фаолият юритишида, шунингдек, ташкилий-ахборот, хорижий кредитлар ва грантлар олишда, хорижий инвестицияларни жалб қилишда, халқаро дастурлар ва техник кўмаклар лойиҳаларида иштирок этишда ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлаш керак бўлади.

Минтақа, шаҳар ва туманлар ривожланишни тартибга солишда молиявий механизмлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир. Уларни ривожлантириш учун 1999 йилгача мавжуд бўлган бюджетлараро трансфертлар ўз маблағлари минимал харажатларни қоплай олмайдиган минтақа, шаҳар ва туманларга субвенциялар шаклида берилар эди. Субвенциялар ҳажми Давлат бюджети лойиҳаси билан биргаликда тасдиқланади. Маблағлар биринчи навбатда ҳудудларнинг иш ҳақи, стипендиялар, нафақа ва пенсияларни молиялаштиришга ажратилади.

2000 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги қонуни бу тизимга баъзи ўзгартиришлар киритди. Бу ўзгаришлар жумласига маҳаллий бюджетларнинг дефицитсизлиги тўғрисидаги қоида киритилди. Шунингдек, маҳаллий ҳокимликларга тасдиқланган параметрлардан юқори, қўшимча тарзда тушган даромадлардан ўз эҳтиёжлари учун ишлатиш ҳуқуқи берилди.

Маҳаллий бюджетларни баланслаштириш умумдават солиқлардан ажратмалар нормативларини ва берилган дотацияларни тартибга солиш орқали амалга оширилади. Республика ҳукумати томонидан маҳаллий ҳокимият органларига ва ўзини ўзи бошқариш органларига давлат бошқаруви ваколатларининг бир қисмининг ўтказилиши оқибатида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳамда улар таркибидаги шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг ролини оширади.

## Хулоса

Иқтисодийётни модернизация қилиш техник ҳамда технологик янгилашни жадаллаштириш ишлаб чиқаришни диверсификация қилишга қаратилган Давлат инвестиция дастурини, ҳудудий инвестиция дастурларни, маҳаллийлаштириш дастурлари ижросини таъминлаш учун қуйидагилар амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир:

-мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада изчил такомиллаштириб бориш;

-Ўзбекистон Республикаси Иқтисодийёт, Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликларининг тегишли бошқармалари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари биргаликда инвестиция ва маҳаллийлаштириш дастурларининг ижросини мунтазам мониторинг қилиб боришлари, дастурларга киритилган корхоналар дуч келаётган муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш чора тадбирларини биргаликда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

-юртимиз минтақа ва ҳудудларида янги турдаги маҳсулот хизматлар ишлаб чиқаришни импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаларини маҳаллий инвестиция дастурларига, маҳаллийлаштириш дастурига киритишга қўмаклашиш; бунинг учун минтақа ва улар таркибидаги шаҳар ҳамда туманларда йирик ва кичик тадбиркорлик корхоналари ўртасида саноат кооперация алоқаларини ривожлантириш учун қулай

шарт шароитларни яратиш ишларини давом эттириш;

-ҳар бир минтақа, шаҳар ва туманларнинг инвестиция салоҳиятини ифодаловчи маълумотлар тақдироти тайёрлаш, уларни доимий тарзда янгилаб бориш ҳамда уларни турли семинар, кўргазма, интернет вебпорталларида намойиш этиш "Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси", Бозор, пул ва кредит" Uzbekistan - Central Asia" Экономическое обозрение, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ва бошқа чет элликлар ҳам ўқийдиган журнал ҳамда нашрларда бериб бориш;

-Республика минтақалари, шаҳар ва туманларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаларини бир-бирига яқинлаштиришга қаратилган минтақавий сиёсат доирасида уларни ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг 2020 йилга ҳатто 2030 йилга мўлжалланган стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Бунинг учун Андижон вилояти тажрибасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Худудий инвестиция дастурларини самарали амалга оширилишини таъминлаш бўйича қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

-Худудий дастурларга киритилган лойиҳаларни амалга оширилишига ҳалал бераётган, тўсқинлик қилаётган ёки қилиши мумкин бўлган муаммоларни мунтазам равишда ўрганиб бориш ва ўз вақтида бартараф этиш чораларини кўриш;

-шаҳар ва туманлардаги бўш ёки самарали фойдаланилмаётган бино ва иншоотлар тўғрисидаги аниқ

маълумотларни аниқлаб, уларни тадбиркорлик субъектларига берилишини таъминлаш;

- жойларда маҳаллий инвестиция лойиҳаларини самарали амалга ошириш учун уларни энергия, газ, сувваканизация, иссиқлик таъминоти ва бошқа шукаби муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишини ҳамда улар билан узлуксиз таъминлаш чора-тадбирларини кўриш.

Худудий тасарруфдаги корхоналар ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси фаолиятида иштирокини янада кенгайтириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади:

✓ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳамда Савдо ва саноат палатасининг ҳамда Фермерлар кенгашининг жойлардаги бўлинмалари, шунингдек, тадбиркорликка қўмаклашувчи Нодавлат ва нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперацияси доирасида, шунингдек, инвентаризация натижалари бўйича импорт қилинаётган тайёр маҳсулот, эҳтиёт қисмлар ва материалларни ўзлаштириш бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқиш;

✓ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини саноат кооперациясига жалб этиш учун ички бозор талаби ҳамда импорт таркиби таҳлили натижа-сида маҳаллийлаштириш дастурига тавсия этилган маҳсулотларни ўзлаштириш ҳамда янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш учун бўш биноларни, ишлатилмаётган технологик

асбоб-ускуналарни ижарага беришда, саноат ярмаркалари доирасида берилган таклифлар асосида кичик бизнес корхоналари билан кооперация алоқаларини ривожлантириш ва чет эл корхоналари билан ҳамкорлик ўрнатишда, маҳаллийлаштириш ва кооперацияни ривожлантириш асосида янги турдаги маҳсулотларни сифатли ва талаб даражасида ишлаб чиқаришни ташкил этишда корхоналарга кўмаклашиш мақсадга мувофиқдир.



## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги (янги таҳрири) Қонуни, 2003 йил 29 август.

3. Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги Қонуни. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

4. Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги 14.12.2000 й. № 158-II сонли Қонуни.

5. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги 26.08.2004 й. № 664-II сонли Қонуни

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чоратадбирлари тўғрисида. 2008 йил 18 ноябрь, ПФ-4053-сон.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чоратадбирлари дастури тўғрисида. 2008 йил 28 ноябрь, ПФ-4058-сон.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини кучга киритиш тўғрисида. 2009 йил 26 январь, ПҚ-1046-сон.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 26 январь, ПҚ-1047-сон.

10. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 16.05.2008 й. №80 сонли “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг даромадлар таснифи, харажатларнинг функционал ва иқтисодий таснифи, ҳамда маблағлар манбалари ва бюджет даражаси таснифини тасдиқлаш тўғрисида” ги буйруғи.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йилд 4 март “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш ва таркибий ўзгартиришни таъминлашнинг дастурий чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-4707 сонли Фармони

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 март “2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл транспорт инфратузилмаларини ривожлантириш ва модернизациялашнинг дастури тўғрисида” ги ПҚ-2313 сонли қарори.

13. Каримов И.А. “Асосий вазифамиз-ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” Т.:“Ўзбекистон”,2010.

14. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонун-чилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маърузаси. –Т.:Ўзбекистон, 2010. -56 б.

15. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Т.: “Ўзбекистон”, 2011. – 48 б.

16. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади: Мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ри-вожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза /И.А.Каримов. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014. – 64 б. Ўзбек ва рус тилларида.

17. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш - устувор вазифамиздир: Мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза И.А.Каримов. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – 72 б. Ўзбек ва рус тилларида.

18. Каримов И.А.Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни

изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир: мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2016 йил 15 январь. //Халқ сўзи, 2016 йил 16 январь.

19. Абулкасимов Ҳ.П. Макроиқтисодий тартибга солиш ва Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши.- Т.:Akademiya, 2011.-186 бет.

20. Абулқосимов Ҳ.П. Иқтисодиётни тартибга солишнинг бозор ва давлат механизмлари.- Т.:Akademiya,2012.- 455 бет.

21. Абулқосимов Ҳ.П. Давлатнинг иқтисодий ҳавфсизлиги. Ўқув қўлланма.- Т.:Akademiya,2012.- 352 бет

22. Abulkasimov H., Hamraev O. Iqtisodiyotni davlat tomonidan tartibga solish.- Т.: "Iqtisod-moliya", 2014. - 304bet

23. Грицюк Т. "Государственное регулирование экономике".-М.,2005г.

24. Капканщиков С.Г. Государственное регулирование экономики: учебное пособие / С.Г. Капканщиков. - 5-е изд., стер. — М.: КНОРУС, 2013. - 520 с. — (Бакалавриат).

25. Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет – солиқ сиёсати.-Т.: Академнашр, 2011.

26. Шахмалов Ф. Государство и экономика: основы взаимодействия. -Москва: Экономика, 2000.

27. Баловский Л.Е. «Прогнозирование и планирование в условиях рынка» М.: Инфра-М, 2002.

28. Государственное регулирование в условиях перехода к рынку: опыт России и Узбекистан. - Т.: Институт экономики, 2003 г.

29. Силюк, Т.С. Государственная экономическая политика : учебно-методический комплекс / Т.С. Силюк.- Брест : Изд-во БрГУ, 2014. – 115 с.

30. Абулқосимов Ҳ. Глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган шароитда Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланиши.//Иқтисод-молия, 2014 йил 8-сон. 2-10-бет.

31. Абулқосимов Ҳ.П., Абулқосимов М.Ҳ. Корхона иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлашнинг айрим масалалари.//Biznes- Эксперт, 2015 йил, 4-сон, 8-12-бет.

32. Asisov U. Econometric modeling of stable economic growth of Uzbekistan.// Молия, 2014 йил 2-сон, 5-17-бет.

33. Айтмуратов У.Ж., Якубов С. Иқтисодиётни диверсификация қилишда инвестицияларнинг ўрни.// Biznes- Эксперт, 2015 йил, 4-сон, 22-25-бет.

34. Дорощенко С.В., Шеломенцев А.Г., Хусаинов Б.Д. “Сыревое проклятие” национальных экономик: вызов или императив развития. // Иқтисод ва молия, 2015 йил 2-сон, 28-37-бет.

35. Имомов Р. Н. Аграр соҳани давлат томонидан тартибга қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш

йўналишлари. // Иқтисод ва молия, 2015 йил 2-сон, 62-66-бет.

36. Умаров И.И.Мамлакат экспорт таркибини диверсификация қилиш ташқи иқтисодий хавф-хатарларнинг олдини олишнинг муҳим омили //Иқтисод ва молия, 2014йил 4-сон, 7-11-бет.

37. Хайдаров М.Т. Солиқ сиёсатини такомиллаштиришда ижтимоий ҳамкорликнинг аҳамияти.//Иқтисод ва молия, 2014 йил 8-сон. 31-36-бет.

38. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)

39. [www.uzreport.com](http://www.uzreport.com)

40. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)

41. [www.review.uz](http://www.review.uz)

42. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)

43. [www.mf.ru](http://www.mf.ru)

44. [www.economics.ru](http://www.economics.ru)

45. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

46. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

47. [www.mineconomy.uz](http://www.mineconomy.uz)

48. [www.mehnat.uz](http://www.mehnat.uz)

# МУНДАРИЖА:

Кириш .....	3
<b>I боб. Минтақавий иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг назарий асослари .....</b>	<b>7</b>
1.1. Минтақавий иқтисодиёт ва давлат минтақавий сиёсатининг моҳияти, принциплари, мақсадлари.....	7
1.2. Минтақа ва ҳудудлар ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш усуллари ва воситалари .....	11
<b>II боб. Ўзбекистонда давлатнинг минтақавий сиёсати ва минтақалар иқтисодиётини ривожлантириш масалалари.....</b>	<b>19</b>
2.1. Ўзбекистонда минтақавий сиёсатнинг ўзига хос хусусиятлари.....	19
2.2. Ўзбекистон Республикаси минтақаларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши тенденциялари. ....	31
2.3. Фаол инвестиция сиёсати ва минтақалар иқтисодиётини модернизация қилиш, техник ватехнологияни янгилаш жараёнлари. ....	46
2.4. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги роли. ....	64

<b>III боб. Минтақа иқтисодий ҳавфсизлиги ва уни таъминлаш механизми .....</b>	<b>78</b>
3.1. Минтақа иқтисодий ҳавфсизлиги .....	78
3.2. Минтақа иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлаш механизми .....	86
<b>IV боб. Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари .....</b>	<b>94</b>
4.1. Ўзбекистонда минтақа ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш механизмини такомиллаштириш .....	94
4.2. Ўзбекистонда минтақа ва ҳудудларни ривожлантиришни давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш .....	108
<b>Хулоса.....</b>	<b>116</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>120</b>



Ҳасан Пирназарович Абулқосимов  
Мурод Ҳасанович Абулқосимов  
Феруза Мажидовна Муродхўжаева

**ДАВЛАТНИНГ МИНТАҚАВИЙ  
СИЁСАТИ ВА ҲУДУДЛАР  
РИВОЖЛАНИШИНИ ТАРТИБГА  
СОЛИШ ЙЎЛЛАРИ**  
монография

Мухаррирлар: *Dilmurod Jumaboev,*  
Мусахҳихлар: *Шоҳида Холмирзаева,*  
Компьютерчи: *Абдулазиз Тошпулатов*

02.02.2016 йилда теришга берилди. 10.03.2016 йилда  
босишга рухсат этилди. Хажми 8 босма табоқ.  
Адади 100 нусха.

**Namangan» nashriyoti**  
Namangan shahri, Navoiy, 36


**Nashriyot litsenziya raqami AI-156**  
2009-yil 14-avgustda berilgan.

---

«Наманган» нашриёти. Наманган шаҳри, А. Навоий кўчаси, 36-ўй.  
«Фазилаторгсервис» хусусий корхонасида чоп этилди.  
Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 72-ўй.



Ҳасан Абулқосимов  
Мурод Абулқосимов  
Феруза Муродхўжаева



**ДАВЛАТНИНГ МИНТАҚАВИЙ  
СИЁСАТИ ВА ҲУДУДЛАР  
РИВОЖЛАНИШНИ ТАРТИБГА  
СОЛИШ ЙЎЛЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
Наманган давлат университети

Ҳасан Абулқосимов,  
Мурод Абулқосимов,  
Феруза Муродхўжаева

**ДАВЛАТНИНГ МИНТАҚАВИЙ  
СИЁСАТИ ВА ҲУДУДЛАР  
РИВОЖЛАНИШИНИ ТАРТИБГА  
СОЛИШ ЙЎЛЛАРИ**

Наманган  
2016

УЎК- 821.512.133-9

КБК-84(5Ў36)7

A-2

Ҳ.П.Абулқосимов, М.Ҳ.Абулқосимов, Ф. М. Муродхўжаева.  
Давлатнинг минтақавий сиёсати ва ҳудудлар ривожланишини  
тартибга солиш йўллари. Монография. –Наманган, 2016

Монографияда минтақа иқтисодиёти ва давлатнинг минтақавий сиёсатининг моҳияти, мақсади, тамойиллари очиқ берилган. Ундамамлакат ҳудудларининг ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш дастаклари, усуллари ва йўналишлари таҳлил қилиниб, уларни янада ривожлантириш йўналишлари бўйича тегишли илмий хулоса, таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган. Монография иқтисодчи олимлар, тадқиқотчиларга, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ва талабаларига ҳамда иқтисодиётга қизиқувчи барча кишиларга мўлжалланган.

#### Тақризчилар:

Холмирзаев А.А. – ЎзМУ “Менежмент ва минтақавий иқтисодиёт”  
кафедраси мудири, география фанлари номзоди, доцент

Сотволдиев Н.Ж. – НамДУ “Иқтисодиёт” кафедраси мудири,  
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

НамДУ Илмий-техникавий Кенгашининг 11.02.2016 йилдаги кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилиниб, илмий тўплам сифатида чоп этишга тавсия этилган (Баённома № 02).

НГ  $\frac{1466-5716.5 - 1824200}{1467- (8.5) - (03)}$  2016

ISBN 978-9943-4609-8-0

## Кириш

Мамлакат ҳудудлари унинг ягона сарҳадларининг таркибий қисмлари сифатида ўзининг табиий иқлим, географик жойлашуви, табиий-минерал ва хом ашё ресурсларининг захиралари, меҳнат ресурслари билан таъминланганлиги, ишлаб чиқариш салоҳияти, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг ҳамда инфратузил-масининг миқёси, аҳолисининг урф-одатлари ва анъаналари, маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича ихтисослашуви, ижтимоий меҳнат тақсимотидаги ҳиссаси, аҳоли жон бошига ишлаб чиқарган ҳудудий ялпи маҳсулот кабилар билан фарқланади. Ҳар бир йирик маъмурий-ҳудудий бўлинма, яъни мамлакат ичидаги республика, вилоятлар минтақа, улар иқтисодиёти минтақа иқтисодиёти сифатида тадқиқ этилади. Йирик маъмурий бўлинма таркибидаги шаҳар, туманлар эса ҳудудлар, уларнинг иқтисодиёти эса ҳудудий иқтисодиёт деб аталади.

Минтақа иқтисодиёти миллий иқтисодиётнинг бўлинмас ва узвий бир бўғини (қисми) сифатида ажралмас умумиқтисодий сиёсат таъсирида ягона бир иқтисод шаклида хўжалик фаолиятини юритади. Минтақалар иқтисодиётини ўрганиш мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш, долзарб ижтимоий-иқтисодий ва минтақавий муаммоларни ечиш зарурати бўйича ҳам

муҳим аҳамият касб этади. Аҳоли ҳаётини яхшилаш, турмуш даражасини кўтариш, иқтисодиётимизнинг самарадорлигини ошириш, халқни бошқариш, истиқболимизни режалаш, умуман олганда барча ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг аксарияти биринчи навбатда минтақада хўжалик юритишга бориб тақалади.

Давлат минтақавий сиёсат юритиб, минтақа ва ҳудудлар иқтисодиётлари ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий фарқларнинг катталашиб кетишига йўл қўймаслиги, уларнинг ривожланиш даражаларини бир-бирларига яқинлаштириши, потенциал салоҳиятидан унумли, оқилona фойдаланишни ташкил этиши орқали мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишни янада чуқурлаштиришга, барқарор мутаносиб ўсишни таъминлашга интилади.

Мамлакатимизда мустақилликка эришган дастлабки даврлардан бошлаб, минтақа ва ҳудудларда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, улар иқтисодиётини таркибий ўзгартириш орқали ривожланиш даражаларини бир-бирларига яқинлаштириш, улар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий фарқларни камайтиришга қаратилган давлат минтақавий сиёсати амалга оширилмоқда.

Ҳозирги даврда ҳали-бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш, мавжуд қийинчиликларни қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисо-

диётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан мамлакатни тараққий эттиришминтақа ва ҳудудларни кенг қамровли ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш чора-тадбирларини амалга оширишни тақозо этади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “Мамлакатимизнинг 2016 йилга белгилаб олинган марра ва мақсадлари, ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий устувор йўналишларини аниқлаб олишда жаҳон миқёсидаги ҳали-бери давом этаётган глобал инқироз билан боғлиқ юзага келаётган жиддий муаммоларни ҳисобга олмаслигимиз мумкин эмас, албатта. Ана шу муаммолар туфайли бугунги кунда дунё бозорларида талабнинг кескин камайиб, ноаниқлик сақланиб қолаётгани, шавқатсиз рақобатнинг тобора кучайиб бораётгани, ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиши жаҳондаги кўпчилик давлатларга салбий таъсир кўрсатаётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Бундай ўта мураккаб вазият барчамиздан эртанги кунимизни кўришда, истиқболимизни белгилаб олишда, аввало, эскича қарашлар қолипидан воз кечишни, умрини ўтаб бўлган, айтиш мумкин, инерцион усуллардан тўлиқ воз кечишни талаб этади. Биз учун асосий вазифа – ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан узлуксиз янгилаб бориш, доимий равишда ички имконият ва захираларни излаб топиш,



иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, саноатни модернизация ва диверсификация қилишни изчил давом эттиришдан иборат бўлиши зарур”<sup>1</sup>, -деб таъкидлади.

Мазкур вазифадан келиб чиққан ҳолда миллий иқтисодиётимизни, хусусан, минтақа ва ҳудудлар иқтисодиётларини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада барқарор ва мутаносиб ривожлантириш, таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилиш, уларнинг иқтисодий салоҳиятидан ва ички имконият ва заҳираларидан кенг фойдаланиш долзарб аҳамият касб этади. Бунинг учун давлат минтақавий сиёсатини ва уни амалга ошириш механизмини ҳозирги талаблар даражасида такомиллаштириш лозим бўлади.

---

<sup>1</sup>Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2016 йил 15 январь. //Халқ сўзи, 2016 йил 16 январь.

# I боб. Минтақавий иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг назарий асослари

## 1.1. Минтақавий иқтисодиёт ва давлат минтақавий сиёсатининг моҳияти, принциплари, мақсадлари

Минтақа тушунчаси жаҳон ёки мамлакат территориясининг бир қисмига нисбатан қўлланилади. Минтақа жаҳон территориясининг бир қисми сифатида ўз ичига географик, сиёсий, иқтисодий, экологик, этномаданий, ахборот, ҳарбий ва бошқа мезонлар, ёндашувлар асосида бир неча мамлакатларни олади. Масалан, Шарқий Европа, Ғарбий Европа, Ўрта Осиё, Марказий Осиё, Жанубий Шарқий Осиё ва бошқа мамлакатлар туркуми минтақалари мавжуд. Бир алоҳида олинган мамлакат ичида вилоятлар ҳам юқорида келтирилган мезонлар бўйича йирик маъмурий территориал бирлик сифатида унинг минтақаларини ташкил этади. Улар таркибидаги шаҳар ва туманлар, яъни нисбатан кичик маъмурий-территориал бирликлар, юқорида қайд қилинганидек, ҳудудларни ташкил этади.

Минтақа иқтисодиётининг шундай тизимлари мавжудки, улар ҳар бир мамлакатнинг миллий иқтисодиётида, мустақил хўжалик юритишда алоҳида ўрин тутди ва ўзининг миллий-этник хусусиятлари, маиший турмуш шароитлари, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиш даражалари билан бир-бирларидан фарқланади. Улар фаолиятини иқтисо-

диёт назариясининг макроиқтисодиёт ва микроиқтисодиёт бўлимлари ўртасидаги мезоиқтисодиёт (юнонча “mesos” оралиқ) бўлими сифатидаги фан – минтақа иқтисодиёти ўрганади. Мезоиқтисодиёт таркибига минтақада (унинг таркибий қисми бўлган ҳудудларда)ги саноат тармоқлари, ёқилғи-энергетика комплекси, қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги комплекси, қурилиш, транспорт ва алоқа коммуникацияси, уй-жой коммунал хўжаликлари, олий ва махсус таълим, соғлиқни сақлаш, уй хўжаликлари, ўзига хос кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолияти юритувчи ҳунарманд, касаначилик кабилар киреди.

Ҳар бир минтақа иқтисодиёти бир мамлакат миллий иқтисодиётининг бўлинмас ва узвий бир бўғини (қисми) сифатида давлатнинг умумиқтисодий сиёсати таъсирида бошқа минтақалар иқтисодиёти билан биргаликда, ўзаро алоқадорликда хўжалик фаолиятини юритади.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири – бу иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш орқали жаҳон хўжалигига янада чуқурроқ ва самарали шаклда минтақаларни интеграциялаштиришдан иборат давлатнинг тартибга солиш сиёсатидир.

Бу борада “Ички сиёсатнинг етакчи принципларидан бири, ҳар бир кишининг, корхоналар, тармоқлар, минтақалар ва умуман давлатнинг манфаатларини монанд равишда уйғунлаштиришни таъмин-

ландан иборат”<sup>1</sup> эканлигини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов тўлақонли қилиб таъкидлаган эди. Инсонга муносиб ҳаёт шароити, ўзини ўзи, Ватанида, минтақасида ва уйида намоён қила олиш учун имкониятлар яратиш – минтақавий иқтисодиётимизнинг ва бутун мамлакатимиз ва жамиятимизни ривожлантиришнинг олий мақсадидир.

Минтақавий сиёсат- мамлакат минтақалари ва ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг давлат томонидан тартибга солинишидир. Минтақавий сиёсатнинг мақсади – мамлакатнинг яхлит ижтимоий-иқтисодий ривожланишига халақит берадиган ижтимоий келишмовчиликларнинг пайдо бўлишига хизмат қиладиган минтақавий нотенгликларни бартараф этишдан иборат. Унинг асосий вазифаси мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш ҳисобига мамлакатдаги барча минтақа ва улар таркибидаги ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини имкон қадар бир-бирига яқинлаштириш, аҳолининг турли қатламлари ўртасида моддий неъматлар тақсимотидаги тафовутларни энг кам даражага келтириш, ҳукуматнинг бошқарув вазифаларини камайтириб, маҳаллий ҳокимият ва ўз ўзини бошқариш органлари ваколатини оширишга қаратишдан иборатдир<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup>Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. -Т.: “Ўзбекистон” 1993, 64-бет.

<sup>1</sup>Ишмухамедов А.Э., Рахимова М.Р., Ишмухамедова Л.А. Минтақавий иқтисодиёт. Дарслик.-Т., ТДИУ, 2007.-162-бет.

Минтақаларнинг ва улар таркибидаги ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилади:

1. Минтақадаги барча ресурслардан (моддий, молиявий, меҳнат) фойдаланиб, ишлаб чиқаришнинг жадаллиги ва мутаносиблигини таъминлаш ҳамда шу асосда унинг самарадорлигини ошириш.

2. Минтақаларнинг истиқболдаги ривожланиш суръатларини аниқлаш. Бунда маҳаллий ресурслардан тўла фойдаланишга эътибор бериш.

3. Илмий-техника тараққиёти ютуқларидан ишлаб чиқаришда кенг фойдаланиш. Бунинг учун минтақада илмий-техника тараққиёти жадаллашишини таъминловчи иқтисодий механизмни яратиш, режалаштиришни янада демократиялаштириш лозим бўлади. Шунингдек, корхоналарга, минтақавий бирликларга интикатив (тавсиявий) режаларни тузиш учун ҳуқуқий иқтисодий шароитлар яратиш, бозор иқтисодиёти шароитида самарали рақобат бўлишини бозор конъюктурасига мос маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш мақсадида қуйидаги вазифаларни ҳам ҳал этиш лозим:

А) ишлаб чиқаришни бозор ҳажми ва конъюктурасига мос равишда ташкил этиш ва ривожлантириш;

Б) валюта тушумларининг кўпайишини таъминлаш мақсадида ташқи иқтисодий фаолиятни кенгайтириш;

В) бозор талаби асосида тез ўзгарувчи янги технологияларни жорий этиш ва маҳсулот сифатини ошириш ва ҳоказолар.

Г) ташқи иқтисодий муносабатларни Марказий Давлат органлари билан келишилган ҳолда маҳаллий манфаатларни ҳисобга олиб ривожлантириш.

Ушбу фикрлардан келиб чиқиб, минтақавий сиёсатга – минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги мутаносибликни таъминлаш ва улар ўртасидаги энг муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлардаги фарқларни, номуносивликларни бартараф этишга қаратилган умуммиллий сиёсатнинг муҳим таркибий қисмидир, деб таъриф бериш мумкин. Минтақавий сиёсат кенг маънода мамлакат минтақа ва ҳудудларининг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини бошқариш бўйича ҳокимият органларининг мақсад ва вазифалари ҳамда уларни амалга ошириш механизмини ифодалайди.

## **1.2. Минтақа ва ҳудудлар ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш усуллари ва воситалари**

Минтақа ва ҳудудлар ривожланишини давлат томонидан тартибга солишга қаратилган давлат минтақавий сиёсатини амалга оширишнинг муҳим дастаклари қуйидагилардан иборатдир:

- ривожланаётган ёки давлат дастурига кўра ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун айрим минтақа ҳамда унинг ҳудудларида ишлаб чиқариш ва

хизмат кўрсатувчи корхоналарга молиявий имтиёзлар ёки рағбатлар берилади, яъни инвестициявий грантлар, паст фоиздаги кредитлар берилади, солиқлардан, ижара тўловларидан озод қилинади;

- ривожланаётган минтақа, унинг таркибидаги шаҳар ва туманлардаги корхона ва фирмаларнинг ўз офис, идора, ишлаб чиқариш объектларини бошқа жойларга олиб кетмасликлари учун улар фаолиятини назорат қилиш;

- ривожланаётган минтақа ва ҳудудларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмани ривожлантириш учун инвестициялар қилиш, айниқса, йўллар қуриш, аҳоли ҳаёт шароитини яхшилаш муҳим аҳамиятга эга.

Минтақаларни ривожлантиришга қаратилган давлат минтақавий сиёсатининг муҳим таркибий қисми минтақавий иқтисодий сиёсат ҳисобланади. Минтақавий иқтисодий сиёсат мақсадлари минтақавий ривожланиш мақсадлари билан узвий боғлиқдир. Иқтисодий соҳадаги минтақавий сиёсат мақсади минтақа ва ҳудуд салоҳияти, унинг чекланган иқтисодий ресурсларидан, улар ўртасидаги меҳнат тақсимооти ва кооперацияси афзалликларидан оқилна фойдаланиш асосида аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш ҳисобланади.

Ижтимоий соҳадаги минтақавий сиёсатнинг мақсади ҳар бир минтақадаги барча аҳоли қатламлари учун муносиб турмуш даражасини, шароитларини ва тенг яшаш кафолатларини таъминлаш, кишиларнинг

янаш жойини ва меҳнат қилиш жойини, турини танлаш ҳуқуқларини амалга ошириш имкониятини яратиш, ички ижтимоий муҳитнинг кескинлашишига йўл қўймасликдан иборатдир.

Шу билан бирга шаклланаётган бозор иқтисодиёти шароитида минтақа иқтисодиётини тартибга солиш бўйича давлатнинг иқтисодий минтақавий сиёсатининг мақсадлари юқоридагиларга қўшимча тарзда қуйидагилардан иборат:

- минтақаларда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш асосида аҳоли турмуш даражасини ошириш шароитларини таъминлаш;

- минтақалар билан ҳамкорликда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, янги ишлаб чиқариш технологик усуллари кўп укладли, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш асосида аҳоли турмуш даражасини ошириш;

- минтақаларда мақсадли таркибий, инвестициявий, илмий-техникавий сиёсатни амалга ошириш, иқтисодиёт реал секторида тадбиркорликни, иқтисодий ислохотлар ижтимоий муаммоларини ҳал этишга қаратилган фаолиятни рағбатлантириш;

- минтақанинг иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлаш. Минтақанинг иқтисодий ҳавфсизлиги унинг иқтисодиёти барқарорлигини ва ривожланишини ифодаловчи шарт-шароитлар, омиллар ҳамда мавжуд ҳолатлар йиғиндисини ифодалайди.



Минтақавий сиёсатни амалга оширишда биринчи навбатда мамлакатдаги минтақавий ва ҳудудий нотенгликларнинг сабаблари аниқланади. Бунда қуйидагиларга эътибор берилади:

-табиий иқлим шароитидаги кескин тафовутларнинг мамлакат айрим ҳудудлари аҳолисининг турмуш шароити ва тадбиркорлик фаолиятига таъсири;

-минтақалардаги мавжуд табиий ресурслар тури, ҳажми, сифа-ти ва улардан фойдаланиш даражаси;

-минтақаларнинг чекка, олис ҳудудларда жойлашганлиги натижасида транспорт харажатларининг кўпайиши, маҳсулот нархларининг ортиши. Бу эса ўз навбатида миллий ва маҳаллий бозорларнинг торайишига олиб келади. Транспорт ва коммуникация алоқаларининг етарли даражада ривожланмаганлиги четда жойлашган минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини секинлаштиради;

-у ёки бу турдаги маҳсулотларни (ҳом ашё ресурслари, оралиқ маҳсулотлар, тайёр маҳсулотлар ва хизматлар) ишлаб чиқаришга таъсир этувчи технологик ривожланиш босқичи;

-минтақанинг автономия даражаси, сиёсий шарт-шароитлари, ривожланиш тарихи ва бошқалар;

-ишлаб чиқариш инфратузилмаси, яъни транспорт ва телекоммуникацион, ахборот тизимлари, саноат майдонлари ва бошқалар билан таъминланганлиги;

-ижтимоий-маданий омиллар: шаҳарлашув даражаси, аҳолининг маълумоти, илмий марказларнинг

мавжудлиги, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, спорт иншоотлари билан таъминланганлиги;

- минтақада бозор инфратузилмасининг ривожланиш даражаси<sup>1</sup>.

Бозор иқтисодиёти ривожланган кўпгина мамлакатларда минтақавий сиёсат минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаларини бир-бирларига яқинлаштириш мақсадида инвестиция (капитал қўйилма)ларнинг қайта тақсимланишини таъминлашга хизмат қиладиган куйидаги йўналишларда олиб борилади:

Биринчи йўналишкам - ривожланган ва саноат тараққиёти паст бўлган минтақаларда инфратузилма объектларини барпо этиш ва бошқа минтақалар билан иқтисодий алоқасини яхшилашдан иборат.

Иккинчи йўналиш - юқори даражада ривожланган ва саноати тараққий этган минтақалар, хусусан, йирик шаҳарларга нисбатан маъмурий ёки молиявий чеклаш усулларини қўллаш.

Учинчи йўналиш - муаммоли минтақаларга саноат корхоналарини жойлаштириш мақсадида хорижий ва миллий хусусий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш<sup>2</sup>.

Таъкидлаш жоизки, давлат минтақавий сиёсат орқали минтақа иқтисодиётини тартибга солишда бевосита ва билвосита усуллардан кенг фойдаланади.

---

<sup>1</sup>Ишмухамедов А.Э., Рахимова М.Р., Ишмухамедова Л.А. Минтақавий иқтисодиёт. Дарслик.-Т., ТДИУ, 2007.-162-163-бет.

<sup>2</sup>Ишмухамедов А.Э., Рахимова М.Р., Ишмухамедова Л.А. Минтақавий иқтисодиёт. Дарслик.-Т., ТДИУ, 2007.-163-164-бет.

Давлатнинг минтақавий иқтисодиётга бевосита, тўғридан-тўғри аралashiши маъмурий воситалардан фойдаланиш йўли билан амалга оширилади. Бу усуллар давлат ҳокимияти кучига таяниш, рухсат бериш, ман қилиш, мажбурлаш чораларини ўз ичига олади.

Билвосита тартиблаш турли иқтисодий чоратadbирлар, восита ва дастаклар орқали амалга оширилади.

Минтақавий такрор ишлаб чиқариш жараёнларини маъмурий услублар орқали тартибга солиш куйидаги шаклларда амалга оширилади:

- минтақавий такрор ишлаб чиқариш субъектларига давлат бошқарувининг юқори органлари томонидан мавжуд ҳолат, вазиятга таъсир кўрсатувчи маъмурий фармойишлар қарорлар;

- минтақадаги корхоналар ва ташкилотлар фаолиятини тартибга солувчи қоидалар;


- тавсиялар, тафтиш, масалан молиявий-бюджет текширишлар, назорат, масалан, санитар-эпидемиологик назорат.

Маъмурий усуллар ўрнатилган тартиб, қоидаларни бузган айрим корхоналарга нисбатан мажбурлаш имкониятларини ҳам кўзда тутaди. Маъмурий усуллар ёрдамида маҳаллий бошқарув органлари давлат мулкани хусусийлаштириш жараёнларини тартибга солади, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, ҳудуддий табиий ресурсларидан фойдаланиш ҳамда ижтимоий жараёнлар билан боғлиқ масалаларни ҳал қилади (қаранг: 1.2.1-жадвал).

**Минтақавий такрор ишлаб чиқариш  
жараёнларни тартибга солишнинг маъмурий ва  
иқтисодий усуллари<sup>1</sup>**

Маъмурий усуллар	Иқтисодий усуллар
Бошқариш қарорларини тайёрлаш ва амалга ошириш учун шароит яратишга йўналтирилган аниқ манзилли топшириқлар беришга асосланади	Умумий иқтисодий қонун-қоидаларга, тамойилларга таянади
Бошқариладиган объектларга тўғридантўғри таъсир кўрсатишда, бошқариш органининг манфаатини устувор равишда кўзлашда ифодаланади	Бошқариладиган объектларга билвосита таъсир кўрсатилади, турли мулкчилик шакллардаги корхоналарнинг иқтисодий манфаатлари ҳисобга олинади
Қабул қилинадиган қарорлар учун асосий масъулият бошқариш органи зиммасида бўлиб, бошқариладиган объектнинг ҳуқуқлари чекланган	Ҳўжалик субъектлари тўлиқ мустақилликка эга бўлиши, ўз фаолияти ва унинг оқибатлари учун юқори масъулиятли бўлиши тақозо этилади
Маъмурий фармойишлар, режалар директив характерга эга бўлиб, уларни бажариш мажбурий ҳисобланиб, ундан четланишга йўл қўйилмайди	Ҳўжалик субъектларини ўзининг иқтисодий манфаати нуқтаи назаридан ва иқтисодий рискни эътиборга олган ҳолда муқобил қарорлар тайёрлашга ва оқилона ечимлар топишга ундайди

<sup>1</sup> Абдурахмонов К.Х., Абдуллаев А.М., Дадабоев Ш.Х. Региональная экономика и управление Учебник. / Под ред. Акад. С.С. Гулмурова. Т. Изд-во "Fanvatexnologiya", 2007. – 425-427-бет маълумотлари асосида тузилган.



Минтақавий такрор ишлаб чиқариш жараёнларни тартибга солишнинг иқтисодий усуллари хўжалик субъектларининг иқтисодий манфаатлари орқали, солиқ имтиёзлари, кредитлар ва субвенциялар ва бошқа дастаклар ёрдамида қўлланилади. Юқори бошқариш органлари белгилаган ва тасдиқлаган қоидалар, низомлар доирасида хўжалик субъектлари, маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятига билвосита таъсир кўрсатиб, уларга кенг ваколатлар берилади.

Шунингдек, минтақалар иқтисодиётини тартибга солишга қара-тилган давлат минтақавий сиёсатини амалга оширишда адолатли ва самарали усуллардан фойдаланади. Адолатли усул-ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг шундай турики, унга кўра мамлакат фуқаролари қайси ҳудудда яшашларидан қатъий назар, уларнинг турмуш даражалари деярли бир хил шароитлар ва имкониятларда бўлиши кўзда тутилади. Самарали усул-умумдавлат манфаатлари йўлида ҳар бир минтақанинг мавжуд ишлаб чиқариш имкониятларидан, салоҳиятларидан оқилона фойдаланишга қаратилган усулдир<sup>1</sup>. Ҳар иккала усулдан тўғри ва мутаносиб фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

---

<sup>1</sup>Ишмухамедов А.Э., Раҳимова М.Р., Ишмухамедова Л.А. Минтақавий иқтисодиёт. Дарслик. Т., ТДИУ, 2007.- 164-бет.

## **II боб. Ўзбекистонда давлатнинг минтақавий сиёсати ва минтақалар иқтисодиётини ривожлантириш масалалари**

### **2.1. Ўзбекистонда минтақавий сиёсатнинг ўзига хос хусусиятлари.**

Шаклланаётган бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг минтақавий сиёсати иқтисодиётни эркинлаштириш, мамлакат маъмурий-ҳудудий бирликларининг молиявий-хўжалик мустақиллигини мустаҳкамлаш республика марказий ҳукумати билан маҳаллий ҳокимликлар ўртасида вазифаларнинг тақсимланиши ва қайта тақсимланиши жараёнларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади.

Ўзбекистонда юқорида баён қилинганлардан келиб чиққан ҳолда давлатнинг минтақавий сиёсати бosh мақсадлари сифатида қуйидагилар белгилаб олинган:

- мамлакатнинг барча минтақа ва ҳудудларида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгиланган ҳуқуқларнинг таъминланиши учун тенг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий шароитларни яратиш;

- республика барча аҳолисининг ижтимоий кафолатларини ҳамда тенг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялашни таъминлаш.

Ушбу мақсадларнинг амалга оширилиши қуйидагиларни тақозо этади:

- минтақаларда янги иқтисодий муносабатларни ва умумиқтисодий шароитларни қарор топтириш учун қулай шароитлар яратиш. Бунинг оқибатида турли мулкчилик шаклларига эга бўлган хўжалик субъектларининг фаолияти учун қулай шароитлар яратилади;

- минтақаларда уларнинг ва аҳолининг манфаатларини рўёбга чиқариш учун шароитлар шакллантирилади;

- маҳаллий ҳокимлик ва ўз-ўзини бошқариш органларининг минтақа ва унингҳудудларини бошқаришдаги роли ҳамда фаоллиги ортади;

- минтақаларо инфратузилмани тиклаш, қайта тиклаш. Бунинг оқибатида мамлакат миқёсида ягона иқтисодий макон, халқ хўжали комплекс шакллантирилади. Шунингдек, мамлакат минтақалариаро самарали меҳнат тақсимооти ва ижтимоий меҳнат интеграциялашуви вужудга келтирилади ҳамда бозор муносабатлари ривожлантирилади;

- кам ривожланган минтақа ва ҳудудларни ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, истиқболли ҳудудларни устувор равишда ривожлантириш.

Ушбулардан келиб чиқиб, давлат минтақавий сиёсатни амалга оширишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- республика давлат ҳокимияти ва бошқаруви ҳамда маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси

субъектларининг ўзаро тенг ҳуқуқлигининг конституцион тамойилларини таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожланиши прогноз (истиқбол) кўрсаткичларини ва мақсадли дастурларни мунтазам равишда ишлаб чиқиш;

- Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви ҳамда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларини услубий ва меъёрий жиҳатдан таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш;

- мамлакатнинг маъмурий-ҳудудий бўлинишини зарур ҳолатларда ўзгартириб туриш. Бу мамлакатдаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар инъикоси сифатида амалга оширилиб турилади.

Мамлакатда давлатнинг минтақавий сиёсатини амалга оширишнинг энг муҳим шартлари ҳам мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборатдир;

- мамлакат миқёсида ягона иқтисодий маконни таъминлаш. Бунинг учун давлат бошқарувининг умумийлигининг шарти бўлган яхлит пул, солиқ, бюджет ва молия тизимининг, яхлит ахборот маконининг мавжудлиги, асосий институционал, яъни маъмурий бошқарув тузилмалар ривожланишининг тартибга солиниши муҳим аҳамиятга эга.

- ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш, республиканинг ҳар бир минтақа ва унинг ҳудудларида иқтисодий ўсишни таъминлаш асосида аҳолининг барча табақалари турмуш даражасини ошириш-га эришиш;



- давлат раҳбарлик лавозимларида фаолият юритаётган давлат хизматчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини мунтазам ошириб бориш, раҳбар кадрлар заҳирасини шакллантириш;

- давлат хизматчилари малакасини ошириш билан шуғулланувчи муассасалар ва ташкилотлари, марказлар фаолиятини бошқариш.

Минтақаларда ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш масалалари билан вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари қошидаги Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси шуғулланади. Ҳокимликлар қошида иқтисодиёт билан шуғулланувчи барча идоралар истиқболдаги муаммоларни режалаштириш бошқармаси билан мувофиқлаштиради. Ҳокимликлар таркибида иқтисодиётнинг у ёки бу соҳалари билан шуғулланадиган молиявий тузилма халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари раҳбарлик қилади. Минтақалардаги режалаштириш ташкилотлари ўз фаолиятини жумҳуриятнинг тегишли компаниялари ва вазирлиги билан маҳаллий ҳокимият тасдиқланган низом асосида олиб боради. Низомда режалаштириш бошқармасининг фаолиятлари, ҳуқуқлари ва бурчлари аниқ кўрсатилган бўлади.

Вилоят Иқтисодиёт бош бошқармасининг қуйидаги асосий вазифалари белгиланган;

1) вилоятни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш режасини тузиш ва ундан ижтимоий ва ишлаб чиқариш соҳаларини барқарор ва мутаносиб

ривожлантиришни таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;

2) вилоят аҳолисининг халқ истеъмоли товарларига бўлган талабини тўла қондириш, аҳолининг пул даромадлари ва харажатлари мутаносиблигини таъминлаш;

3) маҳаллий бюджет ва корхоналарнинг даромадлари ҳисобига ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш тамойили асосида йиллар мобайнида 2-даражали бўлиб келган, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш.

Вилоят иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаларининг қуйидаги фаолиятлари белгиланган:

1) вилоятни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш режаларини белгиланган муддатда ва тартибда ишлаб чиқиш. Вилоят ҳудудларидаги барча корхоналарни, шаҳар ва туманларнинг бизнес режалари устидан услубий раҳбарлик қилиш;

2) республикамизнинг ишлаб чиқарувчи кучларини жойлаштириш дастурини тузишда, минтақавий ишлаб чиқариш дастурларини тузишда бевосита иштирок этиш ва тегишли тавсия ва таклифлар бериш;

3) иш жойини ташкил этиш, меҳнат баланси, моддий баланслар тузиш, режаларнинг бажарилишини назорат қилиш ва ҳоказо.

Минтақавий иқтисодий ҳавфсизликни таъминлаш минтақавий сиёсатнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Бу борада қўзланган асосий мақсад мамлакат, унинг минтақа ва ҳудудлари рақобатбардошлигини

ошириш ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш қуйидагиларга йўналтирилади:

- мамлакат ва унинг минтақаларини халқаро бозорлар билан интеграциялашувини таъминлаш, мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларини минтақа ва ҳудудлар бўйича оқилона жойлаштириш, уларнинг ўзаро алоқадорлигини, ихтисослашуви ва кооперациялашувини таъминлаш орқали мамлакат ва минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришга, барқарор ва мутаносиб иқтисодий ўсишгача эришиш;

- минтақалар инфратузилмаларини ривожлантириш;

- минтақаларда ишлаб чиқариш соҳаларининг рақобатбардошлигини ошириш;

- минтақа ва ҳудудлар ривожланишидаги фарқларни қисқартириш.

Минтақа иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлаш дастурини ишлаб чиқишда қуйидагилар амалга оширилади;

1. Миллий иқтисодиёт ва минтақавий иқтисодиёт доирасида асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар таҳлил қилинади.

2. Ҳар бир минтақанинг мамлакат минтақалари ижтимоий-иқтисодий ривожланиши даражалари классификациясидаги ўрни аниқланади.

3. Минтақадаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол таҳлил қилинади.

4. Минтақанинг асосий иқтисодий манфаатлари аниқланади.

5. Минтақа иқтисодий ҳавфсизлигига таҳдидлар классификацияси ишлаб чиқилади.

6. Минтақа иқтисодий ҳавфсизлигига реал ва потенциал таҳдидлар аниқланади.

7. Минтақа иқтисодий ҳавфсизлигини баҳолаш индикаторларини, усуллари белгиланади.

8. Минтақаларда ҳаёт фаолияти соҳалари бўйича турғунлик ва танглик ҳолатлари баҳоланади.

9. Минтақа иқтисодий ҳавфсизлиги мақсадлари белгиланади.

10. Иқтисодий ҳавфсизликни таъминлашга қаратилган минтақавий сиёсатнинг устувор вазифалари ишлаб чиқилади.

11. Минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ишлаб чиқилади.

12. Минтақа иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари мажмуи ишлаб чиқилади ва белгиланади.

13. Иқтисодий ҳавфсизликни таъминлаш бўйича маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг вазифалари, ваколатлари белгиланади.

14. Минтақа иқтисодий ҳавфсизлиги ҳолатини мониторинг қилиб бориш билан боғлиқ чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилади.

Минтақа иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлаш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш учун мамлакатда локомотив ва таянч минтақаларни ҳамда улар

таркибидаги ҳудудларни белгилаб олиш лозим бўлади.

Локомотив минтақа деб қуйидаги талабларга жавоб берадиган минтақага айтилади:

- минтақада юк ва йўловчи ташиш оқимлари барқарор ўсиш кузатилади;

- минтақада мамлакат учун аҳамиятли бўлган нуфузли илғор илмий-таълим маркази фаолият юритади;

- бутун мамлакат учун аҳамиятга эга бўлган стратегик ташаббус шаклланади;

- юқори илмий-техникавий, интеллектуал, кадрлар ва ижтимоий потенциалга эга бўлиш;

- мамлакат иқтисодий ривожланишида салмоқли улушга эга, яъни ЯИМдаги улуши юқори бўлиши лозим;

- минтақада давлат, фуқаролик жамияти институтлари ва бизнес вакиллари ўртасида стратегик ҳамкорликнинг мавжуд бўлиши;

- 10-15 йиллик истиқболда ушбу минтақа қўшни минтақа ва ҳудудлар ривожланишига туртки бериш имконига эга бўлиши керак.

Мамлакатни территориял ривожланиш бош схема-сига кўра таянч минтақа белгилаб олиниб, унинг ривожлантириш вазифалари аниқланади. Бу эса қуйидаги имкониятларни вужудга келтиради:

- мамлакатни халқаро бозорларга интеграциялашувини самарали таъминлаш, ўз территориясида товарлар, молиявий маблағлар, ишчи кучи, оқимла-

рини, инновацияларни ишлаб чиқиш ва улар муоммаласини бошқариш марказларини тўплашга мувофиқ бўлинади;

- ҳар бир минтақада бир неча локомотив ва таянч ҳудудларни шакллантириш орқали унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши жадаллаштирилади, бошқа минтақа ва унинг шаҳар ҳамда туманлари учун ингиликлар яратиш манбасига айлантирилади. Бу минтақалар қўшни минтақаларга ўз корхоналарининг буюртмаларини бериш, айрим ишлаб чиқариш бўғинларини ташкил этиш орқали уларнинг ҳам ривожланишига туртки беради;

- мамлакат минтақалари ўртасида инфратузилмавий, ишлаб чиқариш, технологик ва ижтимоий-маданий алоқадорликни таъминлаш орқали ижтимоий-иқтисодий ривожланишга эришилади;

- мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш лойиҳаларини кенг миқёсда амалга ошириш имкониятига эга бўлинади.

Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш ва иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлашда территориял-тармоқ кластерлари муҳим роль ўйнайди. Кластерларда баъзи минтақа ва унинг ҳудудларида айрим товарлар, бутловчи қисмларни хом ашёларни ишлаб чиқариш ташкил этилади. Бунга Андижон вилоятидаги Асака шаҳридаги енгил автомобиллар, уларнинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқаришнинг ташкил этилганлиги мисол бўлади. Кластер минтақа

манфаатини корхона манфаати билан уйғунлаштиради. Кластер территориал ишлаб чиқариш ичида рақобат муҳитини яратиш, ички ва жаҳон бозорларига маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этади ҳамда аҳолини иш билан таъминлашни яхшилайти, унинг ҳар томонлама ривожланишига имконият яратади. Кластер иштирокчиси бўлган хўжалик субъектларининг ўзаро алоқадорлигини, биргаликда илмий-тадқиқот, янги технологияни жорий этиш, ишларини биргаликда амалга ошириш тажриба, билим ва асосий фондлардан биргаликда фойдаланиш, рискларни камайтиришда, жаҳон бозорларига чиқишда вилоят, шаҳар ва туманларни ривожлантириш, ободанлаштиришда ўзаро ҳамкорлик қилиши кучаяди.

Минтақа иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлаш концепциясида уларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш кўзда тутилади. Бу дастурларни ишлаб чиқишда ўзаро алоқадорлик ва давомийлик, ресурсларни тежаш, инфратузилмавий таъминот тамойилларига асосланилади.

Бундай дастурларни ишлаб чиқиш ва минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш моделларини яратишда SWOT таҳлилидан фойдаланилади. Ушбу таҳлил асосида минтақаларнинг кучсиз ва кучли томонлари, имкониятлари ва таҳдид, хавфхатарлар аниқланади ҳамда уларни ривожлантиришнинг турли сценарийлари ишлаб чиқилади.

Жаҳон амалиётида мамлакат ва минтақаларини ривожлантириш дастур ва моделларини ишлаб чиқишда инерцион, экспортга йўналтирилган, мобилизацион ва мутаносиб ўсиш сценариялари, бошқача айтганда усуллари қўлланилади. Инерцион усулда ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг, минтақавий иқтисодиёт ривожланишидаги аввалги барча тенденциялари амалда сақланган ҳолда истиқболда қай даражага эришиши кўрсаткичлари аниқланади. Экспортга-йўналтирилган ривожланиш сценарийсида минтақада экспортга йўналтирилган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ва хўжалик субъектларининг ўз маҳсулотларини экспорт қилиш имкониятлариниянада ошириш, уларга қўмаклашиш тadbирларини амалга ошириш кўзда тутилади. Мобилизацион усулда ички заҳиралар, мавжуд ресурслар ҳамда бошқа иқтисодий ўсиш омиллари ҳисобга олинади ва улардан мақсадлиҳамда тўлиқ фойдаланиш режалари ишлаб чиқилади.

Мутаносиб ўсиш усулида экспортга йўналтирилган ва ички ресурсларни мобилизация қилиш вариантлари синтез қилинади, яъни уйғунлаштирилади.

Минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясини прогнозлаштириш ва асослашда улар иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлаш вазифаларини ҳам ҳал этиш кўзда тутилади. Жумладан қуйидаги вазифалар белгиланиб, ечим топилади:



- минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадлари, вариантлари, сценарийлари ва қўламлари асосланади;

- ривожланишнинг объектив қонуниятлари ва тенденциялари ҳисобга олинади;

- товар ва хизматлар, меҳнат, ресурслар ва молиявий бозорлар шаклланиши ва ривожланиши истиқболлари аниқланади;

- вилоят ва унинг таркибидаги шаҳар ҳамда туманларнинг ижтимоий ривожланиши, аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг ўсиши йўналишлари белгиланади;

- таркибий ва инвестициявий сиёсат йўналишлари шакллантирилади;

- минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги муаммолар, турғунлик ва танглик ҳолатлари аниқланиб, уларни ҳал этиш босқичлари ҳамда муддатлари белгиланади;

- вилоятлараро, туманлараро ва ташқи иқтисодий муносабатларни самарали ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш йўналишлари асосланади;

- экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилади;

- ташқи муҳитнинг аҳолини яхшилаш, табиатдан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар асосланади ва ишлаб чиқилади<sup>1</sup>.

Минтақа, ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ва иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлаш, рақобатбар-

---

<sup>1</sup> Кочергина Т.Е. Экономическая безопасность: Ростов на Дону, 2007. С.340-346.

дошлигини оширишга қаратилган дастурларнинг амалга оширилиши минтақанинг ўзини ўзи ташкиллаштирувчи, ўзини-ўзи бошқарувчи ва оқилона бошқариладиган ижтимоий-иқтисодий, этномаданий ва территориал-маъмурий бирлик сифатида ривожланишига имконият яратади.

## **2.2. Ўзбекистон Республикаси минтақаларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши тенденциялари.**

Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиёнинг ўрта қисмида жойлашган. Шарқ ва шимолий-шарқда Қирғизистон, шимолий ва шимолий-ғарбда Қозоғистон Республикалари, жанубий ва жанубий-шарқда Тожикистон Республикаси, жанубий-ғарбда Туркменистон, жанубда қисман Афғонистон билан чегарадон. Ўзбекистоннинг энг шимолий чекка нуқтаси шимолий-шарқда – Устюрт платосида Орол денгизининг ғарбий соҳилида, энг жанубий нуқтаси – Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри ёнида, ғарбий нуқтаси – Устюрт платосида, шарқий нуқтаси – Фарғона водийсининг шарқда, Қирғизистон Республикаси билан чегара жойда. Шимолий ва жанубий чекка нуқталари ораси – 925 километр, ғарбдан шарққа – 1400 километр. Ўзбекистон Республикасининг майдони 448,9 минг квадрат километр. Мамлакатнинг шимолий-ғарбий чеккасида, Қизилқум билан Устюрт

оралиғида Орол денгизи жойлашган. Ўзбекистон Республикаси майдонининг қарийб 4/5 қисми текислик, оз қисми тоғ, адир ва тоғ олдидан иборат. Республика ҳудудидан Ўрта Осиёнинг энг катта дарёлари – Амударё ва Сирдарё оқиб ўтади ва Орол денгизига қуйилади. Бу икки дарё оралиғидаги текисликнинг кўп қисмини эол қумлари кенг тарқалган Қизилқум чўли, Амударёнинг аллювиал текислиги, Зарафшон ва Қашқадарёнинг субэрал дельтаси, устюрт платосининг берк шўрхок ботиқларидан иборат жанубий-шарқий қисми ташкил этади, баъзи жойларда қирлар учрайди. Республиканинг шарқий ва жанубий-шарқий қисмида Тяньшан, Олой, Туркистон, Зарафшон ва Ҳисор тоғлари бор. Бу тоғлар орасида Фарғона, Зарафшон, Китоб, Шахрисабз, Сурхон-Шеробод, Чирчиқ-Оҳангарон каби катта чўкмалар – водийлар жойлашган. Ўзбекистон ўзига хос – ёғин кам, иссиқ, континентал иқлимга эга. Республика ҳудудини 3 иқлим зонасига ажратиш мумкин: чўл ва дашт зонаси, тоғ олди зонаси ва тоғ зонаси.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциясига мувофиқ, Ўзбекистон – суверен демократик республика. Ўзбекистон Республикаси маъмурий жиҳатдан 12 вилоят, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасидан иборат.

Ўзбекистон Республикаси минтақаларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида узоқ йиллардан буён тафовутлар мавжуд. 2005-2014 йилларда барча минтақаларда ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқа-

риш барқарор ўсиш суръатларига эга. Шунингдек, аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб ишлаб чиқариш ҳам ўсиш тенденциясига эга. Аҳоли жон бошига ЯХМ ишлаб чиқариш бўйича республиканинг ўртача даражасига нисбатан ҳисобланган индекс кўрсаткичлари бўйича минтақалар уч гуруҳга бўлинган. Ушбу индекс бўйича 2005 йилда 1,000 ва ундан юқори кўрсаткичга эга бўлган 1-гуруҳга 4 та минтақа, жумладан, Навоий вилояти, Тошкент шаҳри, Тошкент ва Бухоро вилоятлари кирган бўлса, 2014 йилда ушбу гуруҳга учта минтақа, яъни Тошкент шаҳри, Навоий ва Тошкент вилоятлари кирди. Бухоро вилояти 2-гуруҳга тушиб кетди. Мазкур индекс 0,500дан 1,000 гачани ташкил этган 2-гуруҳ минтақаларга 2005-йилда 9 та минтақа кирган бўлса, 2014 йилда бу гуруҳга 10 та минтақа кирди. Индекс кўрсаткичи 0,500 ва ундан паст даражада бўлган 3-гуруҳга 2005-2014 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси киради (қаранг: 2.2.1-жадвал).

2.2.1-жадвал.

Минтақаларнинг аҳоли жон бошига ЯХМ ишлаб чиқариш бўйича гуруҳланиши (индекс бўйича)<sup>1</sup>

2005йил		2014йил	
1 гуруҳ (индекс 1,000 ва ундан юқори)			
Навоий вилояти	1,802	Тошкент шаҳри	1,917
Тошкент шаҳри	1,750	Навоий вилояти	1,773
Тошкент вилояти	1,020	Тошкент вилояти	1,096

<sup>1</sup>Экономика Узбекистана информационно-аналитический бюллетень за 2014 год. Т. ЦЭИ, 2015. С.71, 79.

Бухоро вилояти	1,064		
2-гурух (индекс 0,500 дан 1,000 гача)			
Қашқадарё вилояти	0,845	Бухоро вилояти	0,970
Андижон вилояти	0,761	Қашқадарё вилояти	0,762
Сирдарё вилояти	0,749	Сирдарё вилояти	0,742
Жиззах вилояти	0,744	Андижон вилояти	0,692
Фарғона вилояти	0,724	Фарғона вилояти	0,604
Хоразм вилояти	0,670	Хоразм вилояти	0,592
Сурхондарё вилояти	0,603	Жиззах вилояти	0,565
Самарқанд вилояти	0,596	Самарқанд вилояти	0,561
Наманган вилояти	0,505	Сурхондарё вилояти	0,553
		Наманган вилояти	0,510
3-гурух (индекс 0,500 дан паст)			
Қорақалпоғистон Республикаси	0,466	Қорақалпоғистон Республикаси	0,441
Ўзбекистон Республикаси (ўртача)	1,000	Ўзбекистон Республикаси (ўртача)	1,000
Вариациялар фарқи, марта	3,8	Вариациялар фарқи, марта	4,3

Ушбу жадвал маълумотлари таҳлил даврида индекс кўрсаткичининг Тошкент шаҳрида, Тошкент ва Наманган вилоятларида ўсиш, қолган барча минтақаларда пасайиш тенденциясига эга бўлди. Шу боисдан минтақаларда аҳоли жон бошига ялпи худудий

маҳсулот ишлаб чиқариш индекслари вариация-сидаги фарқ, яъни энг юқори индексга эга бўлган минтақа билан энг паст кўрсаткичга эга бўлган минтақа ривожланиш даражасидаги фарқ 3,8 мартадан 4,3 мартага ошди.

Минтақалар ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ)ларининг Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)даги улушининг ўзгариши таҳлили Тошкент шаҳрининг улуши 2000йилдаги 12,2%дан 2014 йилда 14,5%га, Қашқадарё вилоятининг улуши 7,2 %дан 7,3% га, Навоий вилоятининг улуши 4,5% дан 5,4% га ўстанлигини кўрсатмоқда. Қолган минтақалар ЯҲМнинг республика ЯИМ даги улушлари камайган (қаранг: 2.2.2-жадвал).

#### 2.2.2-жадвал.

### Ҳудудлар ялпи ҳудудий маҳсулоти (ЯҲМ)нинг Ўзбекистон Республикаси ЯИМ даги улуши (2000-2014йиллар, % да)<sup>1</sup>

Ҳудудлар номи	2000йил	2013йил	2014йил
Тошкент шаҳри	12,2	14,5	14,7
Хоразм вилояти	4,3	3,2	3,3
Фарғона вилояти	11,5	6,8	6,7
Тошкент вилояти	11,5	9,9	9,8
Сирдарё вилояти	2,6	1,8	1,9
Сурхондарё вилояти	5,1	4,2	4,2
Самарқанд вилояти	8,1	6,3	6,3
Наманган вилояти	5,3	4,2	4,2

<sup>1</sup> Экономика Узбекистана информационно-аналитический бюллетень за 2014 год - Т. ЦЭИ, 2015. С.72; Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Навоий вилояти	4,5	5,4	5,2
Қашқадарё вилояти	7,2	7,3	7,3
Жиззах вилояти	2,6	2,3	2,3
Бухоро вилояти	6,4	5,6	5,6
Андижон вилояти	7,4	6,5	6,4
Қорақалпоғистон Республикаси	3,4	2,5	2,5

Ўзбекистон Республикаси ЯИМ да Тошкент шаҳри (14,7%), Тошкент (9,8%), Қашқадарё (7,3%), Фарғона (6,7%), Андижон (6,4%), Самарқанд (6,3%) вилоятлари ЯҲМ улуши юқоридир. Ушбу кўрсаткич Сирдарё вилоятида (1,9%) ва Қорақалпоғистон Республикасида (2,5%) энг паст даражададир.

Кўпгина минтақалар иқтисодиёти таркибида ижобий силжишлар юз бериб, саноат ва хизмат кўрсатиш тармоқлари улуши ўсиб бормоқда. Шу билан бирга Сурхондарё, Жиззах, Сирдарё, Хоразм, Наманган вилоятлари иқтисодиёти таркибида қишлоқ хўжалиги етакчи тармоқ ҳисобланади. Уларда ЯҲМ да саноатнинг улуши анча паст даражададир.

Мамлакатимиз минтақаларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш юқори суръатларда ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Агар республика бўйича 2014 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 108,3% ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич Хоразм вилоятида - 117,6%, Самарқандда - 115,7%, Жиззахда - 115,4%, Наманганда - 112,5%, Сурхондарёда - 112,2%, Фарғонада - 110,2%, Сирдарёда - 108,6%, Тошкент шаҳрида - 115,8% Қорақалпоғистон Республикасида - 110,3%

ни ташкил этди. Бу ҳол саноат тармоқларини модернизация қилиш ва кичик саноат корхоналарини ривожлантириш бўйича аниқ инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш натижасини ифодалайди.

Саноат маҳсулотларини аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш индекси Андижон, Навоий, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳридан бошқа барча минтақаларда ўсди. Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича республикамизда Навоий вилояти етакчи ҳисобланади, Бу кўрсаткич жиҳатидан Республиканинг ўртача даражасидан Навоий вилоятининг кўрсаткичи 2005 йилда 4,6 мартага, 2014 йилда эса 3,4 бароварга юқори бўлди. Ушбу кўрсаткич бўйича 2005 йилда Навоий ва Қорақалпоғистон Республикаси ўртасидаги фарқ 20,1 баробарни, 2014 йилда Навоий ва Сурхондарё вилоятлари ўртасидаги фарқ 13,6 баробарни ташкил этди (қаранг: 2.2.3-жадвал).

### 2.2.3-жадвал.

Аҳоли жон бошига саноат ишлаб чиқариш бўйича ҳудудларнинг Ўзбекистон Республикаси ўртача даражасига нисбатан индексларининг ўзгариши<sup>1</sup>.

Ҳудудлар	2005йил	2013йил	2014йил
Қорақалпоғистон Республикаси	0,228	0,289	0,312
Вилоятлар			
Андижон	1,170	1,477	1,386

<sup>1</sup> Экономика Узбекистана информационно-аналитический бюллетень за 2014 год. - Т. ЦЭИ, 2015. С.80.



Бухоро	0,807	0,708	0,790
Жиззах	0,406	0,322	0,331
Қашқадарё	1,375	1,005	0,883
Навоий	4,580	3,575	3,391
Наманган	0,289	0,325	0,318
Самарқанд	0,304	0,478	0,512
Сурхондарё	0,261	0,246	0,249
Сирдарё	0,380	0,975	1,075
Тошкент	1,528	1,643	1,653
Фарғона	0,818	0,685	0,688
Хоразм	0,354	0,304	0,397
Тошкент шаҳри	1,336	2,826	2,384
Ўзбекистон Республикаси	1,000	1,000	1,000
Вариациялар фарқланиши, марта	20,1	14,5	13,6
Навоий вилоятини ҳисобга олмаганда	6,7	11,5	9,6

Ўзбекистон Республикасида саноати ривожланган 6 та ҳудуднинг улуши 2000йилда 72,9%дан 2014 йилда 77,9% га ўсди. Қолган 8 та ҳудуднинг улуши 27,1%дан 22,1%га камайди. Саноати ривожланган 6 та ҳудуд Тошкент шаҳри (21,9%), Тошкент (14,7%), Андижон (13,6%), Навоий (10,6%), Қашқадарё (9,5%) ва Фарғона (7,6%) вилоятларидан иборатдир.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳар бир минтақанинг иррим ҳудудларида саноат концентрацияси даражаси турличадир. Масалан, Андижон вилоятида саноат маҳсулотларининг 18,4 % Андижон шаҳрида, 64,9% Асака туманида ишлаб чиқарилади. Қашқадарё вилоятида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг 8,1% Қарши шаҳрида, 31,1% Ғузор туманида, 54,4 % Муборак туманида тўпланган. Самарқанд вилоятида саноат ишлаб чиқаришининг асосий қисми Самарқанд шаҳрида (45,7%) ва Жомбой туманида (124 %) тўпланган. Бухоро вилоятида саноати энг ривожланган ҳудудларга Бухоро шаҳри (14,4 %) ва Қоровулбозор тумани (36,9 %) киради. Наманган вилоятида саноат ишлаб чиқариши Наманган шаҳрида (43,5 %) ва Учкўрғон туманида (11,8%) тўпланган. Фарғона вилоятида бундай ҳудудларга Фарғона шаҳри (48,4 %) ва Қувасой шаҳри (12,2%), Кўқон шаҳри (10,6%) киради. Жиззах вилоятида саноат ишлаб чиқариши Жиззах шаҳри (36,1%) ва Дўстлик туманида (19,3 %) тўпланган.

Аҳоли жон бошига саноат ва истеъмол моллари ишлаб чиқариш бўйича республика кўрсаткичидан наст бўлган туман ва шаҳарлар сони 2.2.4-жадвалда кўрсатилган. Ушбу жадвал маълумотлари аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича республика кўрсаткичининг 10% дан кам бўлган туман ва шаҳарлар сони 2000 йилдаги 37 тадан 2012 йилда 27 тагача камайгани ҳолда, саноат 10-20 % орасида бўлганлар сони камайган 32 тадан 49 тага кўпайган.

Аҳоли жон бошига саноат ва истеъмол моллари ишлаб чиқариш бўйича республика кўрсаткичидан паст бўлган туман ва шаҳарлар сони<sup>1</sup>.

Йил-лар	Туман ва шаҳарлар сони	Саноат 10%дан кам	Саноат 10-20%лар орасида	Жумладан истеъмоллари ишлаб чиқариш 10%дан кам	Жумладан истеъмоллари ишлаб чиқариш 10-20% орасида
2012 йил	194	27	49	27	49
2000 йил	202	37	32	65	32

Таҳлил даврида аҳоли жон бошига истеъмол моллари ишлаб чиқариш бўйича республика кўрсаткичининг 10 % дан кам бўлган туман ва шаҳарлар сони 65 тадан 27 тагача камайган бўлса, 10-20% орасида бўлганлари сони 32 тадан 49 тага ошган. Бу тенденциялар ҳудудларда саноатни ривожлантириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасидир.

Аҳоли жон бошига саноат ва истеъмол моллари ишлаб чиқариш бўйича республика кўрсаткичининг 50 % идан кам бўлган туман ва шаҳарлар сони Андижон вилоятида 2000 йилда 6 тани ташкил этган бўлса, 2012 йилда уларнинг сони 13 тага етди. Истеъмол

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги маълумотлари.

моллари ишлари бўйича бундай туман ва шаҳарлар сони 12 тани ташкил этди. Сурхондарё вилоятида 14 та туман ва шаҳарлардан 13 тасида аҳоли жон бошига саноат ва истеъмол моллари ишлаб чиқариш бўйича республика кўрсаткичининг 50 % идан камдир (қаранг: 2.2.5-жадвал).

### 2.2.5-жадвал.

Аҳоли жон бошига саноат ва истеъмол моллари ишлаб чиқариш бўйича республика кўрсаткичининг 50 % идан кам бўлган туманвашаҳарлар сони<sup>1</sup>

Худудлар (вилоят- лар)	Туман ва шаҳар- лар сони	Саноат 2000 йил	Саноат 2012 йил	Истеъмол моллари 2000 йил	Истеъмол моллари 2012 йил
Андижон	16	6	13	11	12
Сурхондарё	14	13	13	12	12
Тошкент	18	5	8	7	6
Бухоро	13	8	8	10	8
Наманган	12	8	10	8	9
Сирдарё	11	9	7	9	6
Хоразм	11	9	10	7	10

Мазкур жадвал маълумотлардан кўришиб турибдики, Андижон, Тошкент, Наманган, Хоразм вилоятларида аҳоли жон бошига саноат ва истеъмол моллари ишлаб чиқариш бўйича республика кўрсаткичининг 50 % идан кам бўлган туманвашаҳарлар

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари.

сони таҳлил даврида кўпайган, Сирдарё вилоятида уларнинг сони камайган, Сурхондарё ва Бухоро вилоятларида эса ўзгаришсиз қолган. Аммо шуни айтиш жоизки, барча вилоятларнинг аксарият кўпчилик туман ва шаҳарлари аҳоли жон бошига саноат ва истеъмол моллари ишлаб чиқариш бўйича республика кўрсаткичининг 50 % идан кам бўлган туман ва шаҳарлар жумласига киради.

Хизматлар соҳасида ҳам минтақа ва улар таркибидаги ҳудудларнинг нотекислиги мавжуд. Аҳоли жон бошига пулли хизматлар кўрсатиш бўйича ҳудудларнинг Ўзбекистон Республикаси ўртача даражасига нисбатан индексларининг вариацияланиш фарқлари 2005 йилда 9,8 мартадан 2014 йилда 5,5 мартагача камайди. 2005-2014 йилларда аҳоли жон бошига пулли хизматлар кўрсатиш бўйича ҳудудларнинг Ўзбекистон Республикаси ўртача даражасига нисбатан индекслари барча ҳудудларда ўсиш тенденциясига эга бўлди. Натижада Андижон ва Навоий вилоятлари ушбу индекс бўйича республиканинг ўртача даражасидан юқори даражага эришдилар. Аҳоли жон бошига пулли хизматлар кўрсатиш бўйича ҳудудларнинг Ўзбекистон Республикаси ўртача даражасига нисбатан индекси бўйича Тошкент шаҳри етакчидир. Унинг кўрсаткичи республика бўйича ўртача кўрсаткичдан деярли 3 бароварга юқори бўлди( қаранг: 2.2.6-жадвал).

Жадвал маълумотлари мазкур индекс кўрсаткичи Сирдарё, Сурхондарё, Жиззах ва Қашқадарё вилоят-

ларида анча паст даражада эканлигини кўрсатмоқда. Бу ҳол пулли хизмат кўрсатиш ҳолати нинг ушбу вилоятларда бошқа вилоятлардагига қараганда бир-мунча паст даражада ривожланганлигидан далолат беради.

Агар 2006 йилда хизматларнинг ЯҲМ даги улуши 30,1% дан 39,9% гача бўлган ҳудудларга Жиззах, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари кирган бўлишса, улар 2013 йилга келиб, хизматларнинг ЯҲМ даги улуши 40-50% бўлган гуруҳга киришган. Бу ҳол ҳудудларда хизматлар соҳасининг жадал ривожланётганлиги билан изоҳланади.

#### 2.2.6-жадвал.

Аҳоли жон бошига пулли хизматлар кўрсатиш бўйича ҳудудларнинг Ўзбекистон Республикаси ўртача даражасига нисбатан индексларининг ўзгариши<sup>1</sup>.

Ҳудудлар	2005йил	2013йил	2014йил
Қорақалпоғистон Республикаси	0,398	0,658	0,683
<b>Вилоятлари</b>			
Андижон	0,975	1,007	1,013
Бухоро	0,927	0,959	0,968
Жиззах	0,477	0,570	0,588
Қашқадарё	0,470	0,580	0,596
Навоий	0,949	1,018	1,074
Наманган	0,575	0,718	0,743

<sup>1</sup>Экономика Узбекистана информационно-аналитический бюллетень за 2014 год.- Т., ЦЭИ, 2015. С.82.

Самарқанд	0,718	0,846	0,884
Сурхондарё	0,490	0,548	0,556
Сирдарё	0,453	0,550	0,537
Тошкент	0,633	0,730	0,745
Фарғона	0,681	0,730	0,745
Хоразм	0,714	0,736	0,769
Тошкент шаҳри	3,918	2,978	2,971
Ўзбекистон Республикаси	1,000	1,000	1,000
Вариациялар фарқланиши, марта	9,8	5,4	5,5
Тошкент шаҳрини ҳисобга олмаганда, марта	2,3	1,9	2,0

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари ичида аҳоли жон бошига иқтисодиётга инвестициялар киритиш бўйича Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Қашқадарё, Жиззах, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятлари етакчилик қилмоқдалар. Аҳоли жон бошига иқтисодиётга инвестициялар киритиш бўйича юқорида номлари келтирилган ҳудудларнинг Ўзбекистон Республикаси ўртача даражасига нисбатан индекслари юқори ҳисобланади. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 2005-2014 йилларда аҳоли жон бошига инвестициялар киритиш бўйича ҳудудларнинг Ўзбекистон Республикаси ўртача даражасига нисбатан индекслари вариацияларининг

фарқланиши даражаси 7,6 мартадан 4,8 мартагача қисқарган. Тошкент шаҳрини ҳисобга олмаганда вариациялардаги фарқланиш шу даврда 5,7 мартадан 4,4 мартагача қисқарган, аммо бу фарқ ҳам анча катта ҳисобланади. Мазкур индекс Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Наманган, Навоий вилоятларида нисбатан паст даражада (қаранг: 2.2.7-жадвал).

### 2.2.7-жадвал.

Аҳоли жон бошига инвестициялар киритиш бўйича ҳудудларнинг Ўзбекистон Республикаси ўртача даражасига нисбатан индексларининг ўзгариши<sup>1</sup>.

Ҳудудлар	2005йил	2013йил	2014йил
Қорақалпоғистон Республикаси	0,722	1,506	2,002
<b>Вилоятлари</b>			
Андижон	1,346	1,734	1,705
Бухоро	0,601	0,867	0,756
Жиззах	1,583	1,285	1,229
Қашқадарё	2,294	1,991	1,553
Навоий	0,453	0,450	0,584
Наманган	0,432	0,583	0,573
Самарқанд	0,712	0,551	0,539
Сурхондарё	0,618	1,144	1,090
Сирдарё	1,074	1,158	1,209
Тошкент	0,405	0,587	0,524
Фарғона	0,405	0,587	0,524
Хоразм	0,339	0,712	0,655
Тошкент шаҳри	2,462	2,201	2,179
Ўзбекистон Республикаси	1,000	1,000	1,000
Вариациялар фарқланиши, марта	7,6	4,9	4,8
Тошкент шаҳрини ҳисобга олмаганда, марта	5,7	4,4	4,4

<sup>1</sup>Экономика Ўзбекистана информационно-аналитический бюллетень за 2014 год. Т. ЦЭИ, 2015. С.81.



Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 2005-2014 йилларда аҳоли жон бошига инвестициялар киритиш бўйича ҳудудларнинг Ўзбекистон Республикаси ўртача даражасига нисбатан индекслари мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудларида ўсиш тенденциясига эга бўлди. Бу ҳол кейинги йилларда минтақаларда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг, иқтисодиётни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурларининг амалга оширилаётганлиги билан изоҳланади.

### **2.3. Фаол инвестиция сиёсати ва минтақалар иқтисодиётини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнлари.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида “Ташқи бозорларда харидоргир, юқори қўшимча қийматга эга бўлган замонавий тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва янги босқичга кўтариш тайёр маҳсулотлар экспортини барқарор юқори ўсиш суръатларига эришишда, ҳеч шубҳасиз, катта замин туғдиради. Шунини айтиш керакки, бугунги кунда мамлакатимизда бу борадаги ишлар бошлаб юборилган. Айни вақтда бу ишлар юқори салоҳиятга эга бўлган ҳар бир турдаги истиқболли хомашё ва ярим

фабрикаат бўйича чуқур қайта ишлашнинг 2020,2025,2030 йилларга мўлжалланган аниқ дастурига эга бўлиш учун мутлақо янги дастурий комплекс ёндашувни талаб этади. Айни шу кўз билан қарайдиган бўлсак, яъни жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш жараёнларини чуқур таҳлил қилган, ўзимизнинг ресурс ва имкониятларимизни реал баҳолаган ҳолда, биз олдимизга аниқ мақсадни – яъни, 2030 йилга бориб мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажмини камида 2 баробар ошириш вазифасини қўйишимиз учун бугун, ҳеч шубҳасиз, барча асосларимиз бор”<sup>1</sup>, -деб таъкидлаган.


Мазкур вазифани амалга ошириш учун мамлакатимиз иқтисодиётига инвестицияларни жалб этиш борасида республика ва ҳудудий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш муҳим аҳамиятга эгадир. Иқтисодиётга инвестицияларни жалб этиш борасида ҳозиргача катта ишлар амалга оширилган. Мустақиллик йилларида фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш натижасида иқтисодиёт тармоқлари томонидан инвестицияларни ўзлаштириш ҳажми ўсиши 17 мартадан ортиқни ташкил қилди. Миллий иқтисодиётимизга киритилган инвестициялар ҳажми

---

<sup>1</sup>Каримов И.А.Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир: мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2016 йил 15 январь. //Халқ сўзи, 2016 йил 16 январь.

1990 йилда 833,8 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2014 йилга келиб, бу кўрсаткич 14600 миллион доллар эквивалентига тенг бўлди (қаранг:2.3.1-расм)<sup>1</sup>.

Айтиш керакки, 2000-2014 йилларда жами 180 млрд. долл. эквивалентига инвестициялар жалб қилинди. Иқтисодиётимизни ва унинг етакчи тармоқларини, модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш мақсадида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг йиллик ўсиш суръати 2010 йилда 9,2 %ни , 2011 йилда 11,2 %ни, 2012 йилда эса 14,0%ни, 2013йилда 9,8%ни, 2014 йилда эса 10,9% ни, 2015 йилда 9,5% ни ташкил этди<sup>2</sup>.



2.3.1-расм. Ўзбекистонда иқтисодиётга киритилган инвестициялар

Иқтисодиётга 2015 йилда барча молиялаштириш

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

манбалари ҳисобидан 15 миллиард 800 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб этилди ва ўзлаштирилди. Жами инвестицияларнинг 3 миллиард 300 миллион доллардан зиёди ёки 21 фоиздан ортиғи хорижий инвестициялар бўлиб, шунинг 73 фоизи тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларидир. Инвестицияларнинг 67,1 фоизи янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилди. Бу эса 2015 йилда умумий қиймати 7 миллиард 400 миллион доллар бўлган 158 та йирик ишлаб чиқариш объекти қурилишин яқунлаш ва фойдаланишга топшириш имконини берди<sup>1</sup>.

Ана шундай муҳим объектлар жумласига Тошкент иссиқлик электр станциясида 370 мегаватт қувватга эга бўлган буғ-газ қурилмасининг барпо этилганлигини, Чорвоқ ГЭСи гидрогенераторларининг модернизация қилилганини, “Самарқанд – кимё” акциядорлик жамиятида 240 минг тонна қувватга эга бўлган мураккаб таркибли янги ўғитлар ишлаб чиқариш корхонасининг ишга туширилганини, “Мотор заводи” акциядорлик жамиятининг фаолият юритмаётган майдонларида трактор тиркамалари, жумладан, катта ҳажмли тиркамалар, маиший

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодий-иқтисодий таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришди: мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2016 йил 15 январь. //Халқ сўзи, 2016 йил 16 январь.

техника учун таркибий қисмлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ташкил этилганини кўрсатиш мумкин. Шунингдек, жанубий корейлик инвестор ва мутахассислар билан ҳамкорликда Сурғил кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуаси барпо этилди. Хоразм вилоятида “Женерал моторс-Ўзбекистон” акциядорлик жамиятида умумий қиймати қарийб 6 миллион долларлик лойиҳа асосида “Шевроле Лабо” кичик юк машинаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Наманган вилоятининг Поп туманида 130 киловатт қувватга эга бўлган қуёш фотоэлектр станцияси ишга туширилди. Самарқанд – Қарши темир йўл участкасида юқори тезликда ҳаракатланадиган “Афросиёб” электр поезда қатнови йўлга қўйилди<sup>1</sup>.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатининг ўзига хос хусусияти маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлашни таъминлайдиган, юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларни

---

<sup>1</sup> Каримов И.А.Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир: мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2016 йил 15 январь. //Халқ сўзи, 2016 йил 16 январь.

жалб қилишга устувор аҳамият берилаётганлигида намоён бўлмоқда.

Иқтисодиётга жалб қилинаётган инвестициялар ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилашга қаратилган дастур ва лойиҳалар билан бир қаторда минтақа ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга инвестиция лойиҳалар ҳам амалга оширилмоқда. Иқтисодиётни модернизациялаш техник ва технологик қайта жихозлашда Ҳудудларни 2013-2015 йилларда ривожлантириш дастурлари доирасида инвестицияларни жалб қилиш муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур дастурлар Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2013 йил 18 январдаги Вазирлар Маҳкамаси мажлисида республика ҳудудлари ва тармоқларини уйғун ривожлантириш юзасидан берган топшириқларига мувофиққабул қилинди.

Ҳудудларни 2013-2015 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларидан кўзланган асосий мақсадлар қуйидагилардан иборат қилиб белгиланган:

- минтақа ва ҳудудларда фойдаланилмаётган захира ва имкониятлар ҳамда хомашё ва ресурсларга бой мавжуд манбалардан оқилона фойдаланиш;

- тармоқларнинг минтақа ва ҳудудлар билан узвий боғлиқликда ривожланишини таъминлаш;

- мавжуд саноат корхоналарининг тўла қувватда ишлатиш, бўш турган бино ва иншоотларда ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

-ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ҳамда юқори қўшимча қийматга эга бўлган юксак технологик маҳсулотлар ишлаб чиқариш;

-янги иш ўринларини ташкил этиш орқали аҳоли бандлик даражасини ошириш.

Худудларни 2013-2015 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида 2013-2014 йилларда саноат йўналишида умумий қиймати 5,5 миллиард доллар бўлган 11574 та лойиҳа, қишлоқ хўжалиги йўналишида умумий қиймати 432,3 миллион долларга тенг бўлган 8485 талойиҳа, хизматлар соҳасида эса умумий қиймати 1 миллиард 317,5 миллион долларлик 25327 та лойиҳа амалга оширилди. Икки йил мобайнидажами 45386 та инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши натижасида 385 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди<sup>1</sup>.

Дастурлар доирасида саноат йўналиши бўйича энг кўп лойиҳалар Тошкент шаҳрида (1091та), Андижон вилоятида (741 та), Фарғона вилоятида (550 та), Самарқанд вилоятида амалга оширилиб, фойдаланишга топширилган. Хизматлар соҳасида Андижон вилоятида 2389 та, Тошкент шаҳрида 2164 та, Қорақалпоғистон Республикасида 1152 та, Қашқадарё вилоятида 1147 та, Самарқанд вилоятида 1083 та, Фарғона вилоятида 1012 та инвестиция лойиҳалари фойдаланишга топширилди. Қишлоқ хўжалиги йўналишида эса энг кўп лойиҳалар Сурхондарё вилоятида(600 та),

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги маълумотлари.

Андижон вилоятида (590 та), Бухоро вилоятида (482 та), Тошкент вилоятида (432 та), Сирдарё вилоятида (406 та) фойдаланишга топширилди. Бу йўналишда энг кам лойиҳалар Жиззах вилоятида (194 та) ҳамда Қашқадарё вилоятида (236 та) фойдаланишга топширилган (қаранг: 2.3.1-жадвал).

### 2.3.1-жадвал.

#### Дастурлар бўйича 2014 йилда ҳудудлар кесимида фойдаланишга топширилган лойиҳалар<sup>1</sup>

Ҳудудлар	Саноат йўналишида	Хизматлар соҳасида	Қишлоқ хўжалиги йўналишида
Қорақалпоғистон Республикаси	321	1152	366
Андижон вилояти	741	2389	590
Бухоро вилояти	296	762	482
Жиззах вилояти	237	700	194
Қашқадарё вилояти	344	1147	236
Навоий вилояти	231	651	363
Наманган вилояти	392	592	363
Самарқанд вилояти	478	1083	303
Сурхондарё вилояти	433	753	600
Сирдарё вилояти	439	626	406
Тошкент вилояти	306	779	432
Фарғона вилояти	550	1012	312
Хоразм вилояти	293	953	340
Тошкент шаҳри	1091	2164	15

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида тузилди.




Худудларни 2013-2015 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида 2013-2014 йилларда саноат йўналишида, жумладан, озиқ-овқат саноатида замонавий қайта ишлашни йўлга қўйилиши орқали 3234 та; қурилиш материаллари саноатида маҳаллий хомашё негизида маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига 3251 та; текстиль, чарм-пойабзал, фармацевтика ва бошқа ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатида кенг турдаги рақобатбардош, биринчи навбатда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган 4723 та; машинасозлик ва техник ишлаб чиқариш йўналишида 366 та лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида худудларда саноатнинг юқори ўсиш суръатларига эришилди<sup>1</sup>.

2014 йилда амалга оширилган саноат йўналишидаги лойиҳаларда жами 1270,8 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Дастур доирасида ишга туширилган корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларида Хоразм вилоятининг улуши 35,3% ни, Тошкент шаҳриники 16,8% ни, Тошкент вилоятиники 12% ни, Андижон вилоятиники 6,1 %ни ташкил этди (қаранг: 2.3.2-расм).

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги маълумотлари.

Дастур доирасида ишга туширилган корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларида вилоятларнинг улуши, %



2014 йилда амалга оширилган саноат йўналишидаги лойиҳаларда жами 1270,8 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

8

2.3.2-расм. Дастур доирасида ишга туширилган корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларида вилоятларнинг улуши, % да<sup>1</sup>.

Дастурларнинг амалга оширилиши натижасида қуйидаги янги турдаги маҳсулотлар ўзлаштирилган:

-ҳар хил турдаги кир ювиш, тозалаш ва гигиеник воситалари;

-фармацевтик дори воситалари;

-электр печ ва духовкалар, кондиционер, телевизор, уяли телефонлар;

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги маълумотлари.

-қадокланган табиий шарбатлар;

-энергия тежовчи лампочкалар ва бошқалар.

Дастур бўйича 2014 йилда ҳудудлар кесимида қишлоқ хўжалиги йўналишида фойдаланишга топширилган лойиҳалар сонида кўпгина ҳудудларда чорвачилик йўналишидаги лойиҳалар кўпчиликни ташкил этади. Чорвачилик йўналишидаги лойиҳаларнинг энг кўпи Сирдарё (257 та) ва Жиззах (250 та) вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида (209 та) амалга оширилган. Паррандачилик бўйича энг кўп лойиҳалар Жиззах (294 та), Сирдарё (63 та), Андижон (61 та) вилоятларида бажарилган. Балиқчилик ва асаларичилик йўналишлари бўйича лойиҳаларни бажаришда ҳам Жиззах вилояти етакчилик қилди (қаранг: 2.3.2-жадвал).

Ҳудудларни 2013-2015 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида 2015 йилда умумий қиймати 6 миллиард 739,5 миллион долларлик 25637 та инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва бунинг натижасида 263057 та янги иш ўринларини яратиш режалаштирилган.

Республикада кулай инвестициявий жозибадорлик, шу жумладан, ишбилармонлик муҳитининг яратилганлигига қарамасдан, хорижий инвестицияларни жалб этишда ҳудудлар ўртасида номутаносибликлар ва маълум камчиликлар мавжуддир.

Дастур бўйича 2014 йилда ҳудудлар кесимида қишлоқ хўжалиги йўналишида фойдаланишга топширилган лойиҳалар сони<sup>1</sup>

Ҳудудлар	Чорва-чилик	Парран-дачилик	Балиқ-чилик	Асала-ричилик
Қорақалпоғистон Республикаси	209	46	56	54
Андижон вилояти	97	61	37	29
Бухоро вилояти	89	29	46	28
Жиззах вилояти	250	294	155	161
Қашқадарё вилояти	98	27	20	23
Навоий вилояти	58	39	42	50
Наманган вилояти	66	32	39	37
Самарқанд вилояти	108	42	45	57
Сурхондарё вилояти	180	42	45	57
Сирдарё вилояти	257	63	51	22
Тошкент вилояти	132	45	47	25
Фарғона вилояти	139	34	29	25
Хоразм вилояти	78	34	64	23
Тошкент шаҳри	18	16	7	38

Булар мамлакат минтақалари ва ҳудудларининг ижтимоий - иқтисодий ривожланиши даражаларидаги, шу билан бирга, зарурий ишлаб чиқариш, бозор ва ижтимоий инфратузилма билан таъминлашдаги фарқларнинг мавжудлиги билан изоҳланади.

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида тузилди.

Шунингдек, ҳудудларда инвестиция лойиҳалари ташаббускорларининг етарли даражада билимга эга эмаслиги, иқтисодий таҳлилий ишларнинг етарли даражада олиб борилмаслиги, салоҳиятли маҳаллий инвесторларни аниқлаш ишларидаги сусткашлик, замонавий маълумот базасидан унумли фойдаланмаслик, имтиёзли хорижий кредит линиялари ва хорижий инвестиция лойиҳалари тўғрисидаги маълумотларни маҳаллий тадбиркорларга ўз вақтида етказиб бермаслиги хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасидаги камчиликлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707 сонли “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги фармонига асосан умумий қиймати 40 миллиард 809 миллион долларлик 876 инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган. Ҳисоб-китобларга кўра, дастурнинг амалга оширилиши натижасида:

- 2015-2019 йилларда ялпи ички маҳсулотни йилига ўртача камида 8 фоиз, жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 9-фоиз, шу давр ичида ушбу кўрсаткични 1,5 баробар ошириш имконини беради. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида саноат улуши ҳозирги 24 фоиздан 2020 йилда 27 фоизга етади;

- 100 дан ортиқ янги товар гуруҳлари (1000 тадан ортиқ янги ассортиментлар) ишлаб чиқаришлари йўлга қўйилади;
- широварда 2020 йилга бориб йиллик республикамиз саноат салоҳияти 18 триллион сўмга ва экспорт салоҳияти 2 миллиард сўмга оширилади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий–иқтисодий ривожлантириш йукунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида 2016 - 2030 йилларда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини 2 баробар кўпайтишига эришиш вазифасини амалга ошириш йўлида ЯИМнинг ўртача йиллик ўсиш суръатлари 4,8 фоиз даражасида бўлишини таъминлаш, туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳисобидан саноатни жадал ривожлантириш ва ялпи ички маҳсулотда унинг улушини 2015 йилдаги 23,5 фоиздан 40 фоизга етказиш, қишлоқ хўжалиги улушини эса 16,6 фоиздан 8-10 фоизга камайтириш, энергияни тежайдиган замонавий технологияларни кенг жорий этиш эвазига ялпи ички маҳсулот учун сарфланадиган энергия ҳажмини тахминан 2 баробар қисқартиришга эришиш лозим бўлади<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Каримов И.А.Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир: мамлакатимизни 2015 йилда

Ушбу 2016-2030 йилларга мўлжалланган стратегия мақсадни амалга оширишда 2016 йил муҳим босқич бўлади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “Мамлакатимизни демократлаштириш ва модернизация қилиш борасида бошланган тизимли ислохотларни, иқтисодиётимизда, авваломбор, саноат ва қишлоқ хўжалигида туб таркибий ўзгаришларни сўзсиз давом эттириш, хусусий мулк, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш ва бу соҳа вакиллари манфаатларини ҳимоя қилиш, макроиқтисодий мутаносибликни таъминлаш 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишига айланиши зарур”<sup>1</sup>, - деб таъкидлаган.

Ушбу устувор вазифадан келиб чиқиб, 2016 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 7,8 фоиздан иборат бўлишини таъминлаш, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 8,2 фоиз, қишлоқ хўжалигида 6,1 фоизга ошириш, чакана савдо айланмасини 14 фоиз, хизматлар кўрсатиш ҳажмини 17,4 фоизга кўпайтириш, инфляция даражасини 5,5-6,5 фоиз

---

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2016 йил 15 январь. //Халқ сўзи, 2016 йил 16 январь.

<sup>1</sup> Каримов И.А.Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир: мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2016 йил 15 январь. //Халқ сўзи, 2016 йил 16 январь.

даражасида сақлаб қолиш, аҳолининг реал даромадларини 9,5 фоизга ошириш кўзда тутилмоқда. Бу вазифаларни амалга ошириш мақсадида умумий қиймати 5 миллиард доллардан зиёд бўлган 164 та йирик инвестиция лойиҳасини белгиланган муддатларда ишга туширишни таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирларни кечиктирмасдан амалга ошириш мўлжалланмоқда. Шунингдек, шу йили кўплаб ҳудудий инвестиция лойиҳалари ҳам амалга оширилади.

Мазкур инвестиция дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда эндиликда ишлаб чиқилган республика минтақаларини ривожлантиришга йўналтирилган ҳудудий дастурларни қайтадан кўриб чиқиб, аввало, дастлабки хомашёни ва ярим тайёр маҳсулотларни янада чуқур қайта ишлаш технологияларини жорий этиш, шунингдек, жаҳон ва минтақа бозорларида, ички бозоримизда харидоргир бўлган тайёр тўқимачилик, чарм-пойабзал, озиқ-овқат, фармацевтика саноати, электроника ва маиший электр техника маҳсулотлари, маиший кимё товарлари, қурилиш ва пардозлаш материаллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича қўшимча лойиҳаларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Мутасадди мутахассисларнинг фикрларига кўра мавжуд камчиликларни бартараф этиш ҳамда дастурларни самарали амалга оширилишини таъминлаш борасида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:



1. Минтақа ва унинг ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига киритилган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишига ҳалал бераётган, тўсқинлик қилаётган ёки қилиши мумкин бўлган муаммоларни мунтазам равишда ўрганиб бориш ва ўз вақтида бартараф этиш чораларини кўриш;
2. Лойиҳаларни амалга оширилиши ва фаолиятини йўлга қўйишда юзага келадиган ҳар қандай бюрократик тўсиқларни бартараф этиш;
3. Ҳар бир шаҳар ва туманлардаги бўш ёки самарали фойдаланилмаётган бино ва иншоотлар тўғрисидаги аниқ маълумотларнинг қисқа муддатларда олинishi ҳамда уларнинг тадбиркорлик субъектларига тақдим этилиши жараёнларини самарали ташкил этиш;
4. Мамлакатимиз шаҳар ва туманларида амалга оширилаётган лойиҳаларни энергия, газ, сув ва канализация, иссиқлик таъминоти ва бошқа шу каби муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиши жараёнларига эътибор қаратиш ҳамда бу борадаги илғор тажрибаларни қўллаш;
5. Келгуси йил учун янги лойиҳаларни шакллантириш борасида лойиҳа ташаббускорлари учун янада қулай муҳит яратиш борасида ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларни аниқлаш ва улардан келиб

чиққан ҳолда мавжуд барча имкониятларни сафарбар этиш;

6. Ташкил этилаётган лойиҳаларни, айниқса, маҳалларда ривожлантириш бўйича мавжуд имкониятлар ва уларни амалга ошириш йўллари аниқлаш, шу асосда лойиҳаларни ташкил этишнинг намунавий шакллари тавсия этиш ва уларни қўллаб-қувватлаш;
7. Дастурларга киритилаётган лойиҳаларнинг фаолият йўналишлари бўйича таркибини такомиллаштиришга, хусусан, саноат соҳасида юқори технологияларга асосланган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этишга асосий эътибор қаратиш;
8. Минтақа ва унинг ҳудудларидаги экспортга маҳсулот чиқаришга эришган лойиҳаларга аниқ ва таъсирчан ёрдам кўрсатиш орқали уларнинг ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги иштирокини кенгайтириш<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup>Каранг Турдиев Д.Р. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденциялари ва мамлакатнинг 2015 йилги иқтисодий ривожланиш дастурини амалга ошириш бўйича маҳаллий ҳокимликларнинг долзарб вазифалари. Ҳудудларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш. Ҳудудий инвестиция дастурларининг бажарилишини таъминлаш. // Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг уринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳарлар ҳокимлари иштирокидаги ўқув семинарида қилган маърузаси, 2015 йил.

## 2.4. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги роли.

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш деганда уни маҳаллий шароитга ва замонавий талабларга мослаштириш тушунилади. Мамлакатимизни ривожлантиришни 2016 йилга мўлжалланганиқтисодий дастурида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, озиқ-овқат ва бошқа истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш тадбирлари аҳамиятли ўрин тутди.

Маҳаллийлаштириш дастури ўз мазмунига кўра республикамиз корхоналарида замонавий талабларга жавоб берувчи, рақобатбардош ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни маҳаллий хомашё ва материаллардан ишлаб чиқариш, уларнинг ҳажмини ошириш, асоссиз импорт ҳажмини қисқартириш, экспортбоп маҳсулотларни кўплаб ишлаб чиқариш, янги иш жойларини яратиш каби мақсадларни намоён этади. Мазкур дастурнинг ривожланиш босқичлари Президентимиз ва ҳукуватимиз томонидан қабул қилинган бир қатор меъёрий ҳужжатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 14 январдаги 18-сонли қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 22 июндаги ПҚ-386-сонли қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил

8 майдаги 93-сонли қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 майдаги ПҚ-879-сонли қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 3 июлдаги 149-сонли қарори орқали белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 ноябрдаги «Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3937 сонли Фармонининг 4-бандида “Белгилансинки, маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, қайта ишланган маҳсулотлар ва материалларни Кооперация биржаси доирасида харид қилиш мамлакатимизнинг барча истеъмолчилари учун қўшимча тендерлар ўтказмай тўғридан-тўғри шартномалар асосида амалга оширилади”,-деб белгиланган.

Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг мақсадиэкспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босадиган рақобатбардош замонавий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни янада рағбатлантириш, ички тармоқ ва тармоқлараро, жумладан республиканинг кичик бизнес ва йирик корхоналари ўртасидаги саноат кооперациясини мустаҳкамлаш, аҳоли бандлигига кўмаклашишдан иборат қилиб белгиланган.

Дастурга киритиш учун дойиҳаларни танлаш тамайиллари:

- а) маҳаллийлаштириладиган маҳсулотни ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун қувватлар ва маҳаллий хом ашё ресурсларининг мавжудлиги;
- б) маҳаллийлаштириш даражасини камида 35 фоизга етказиш;
- в) ТИФ ТН коди бўйича пировард маҳсулот товар позициясининг бошланғич хом ашёга нисбатан камида биринчи тўртта белгилардан бири даражасида ўзгаришининг таъминланиши;
- г) маҳаллийлаштириладиган маҳсулотга ички ва ташқи бозорларда талабнинг мавжудлиги;
- д) шунга ўхшаш (аналог) маҳсулотлар импортининг мавжудлиги (янги турдаги маҳсулотлар бундан мустасно);
- е) маҳсулотнинг потенциал истеъмолчилари билан шартномаларнинг ёки аҳдлашувларнинг мавжудлиги;
- ж) маҳаллийлаштириладиган маҳсулотларнинг сотиш нархлари импорт маҳсулотлари нархларидан юқори бўлмаслиги (Ўзбекистон Республикасигача бўлган транспорт харажатлари, божхона ва солиқ тўловларини ҳисобга олинган ҳолда).

Шу билан бирга, юқоридаги мажбурий мезонларга мос бўлган ва халқаро сифат бошқарув тизимини жорий этган ҳамда экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналар Дастурга киритиш ҳуқуқига эга бўлишади.

Мамлакатимизда маҳаллийлаштириш жараёнларининг салмоқли натижаларга эришишида ишлаб чиқарувчиларга берилган имтиёз ва қулайликларнинг роли беқиёсдир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 майдаги ПҚ-879-сонли қарорига кўра бутловчи қисмлар ва деталлар, тайёр маҳсулотлар, материаллар ва хом ашё турларини ишлаб чиқарувчи корхоналар 2011 йил 1 январгача:

- четдан келтириладиган технологик асбоб-ускуналар ва улар учун эҳтиёт қисмлар, шунингдек, маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда технологик жараёнда фойдаланиладиган республикада ишлаб чиқарилмайдиган компонентлар учун божхона тўловлари (божхонада расмийлаштириш йиғимларидан ташқари);

- маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўйича фойда солиғи, ягона солиқ тўлови (солиқ солишининг соддалаштирилган тизимини қўллайдиган субъектлар учун);

- маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган асосий ишлаб чиқариш фондлари бўйича мулк солиғи тўлашдан озод қилинган эдилар.

Ушбу имтиёзлар ҳозирги вақтда ҳам амалда бўлиб, маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхоналар 2016 йилнинг 1 январигача:

- четдан олиб келинадиган технология ускуналари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, шунингдек республика-мизда ишлаб чиқарилмайдиган, маҳаллийлаштири-

лаётган маҳсулотни ишлаб чиқаришдаги технология жараёнида фойдаланиладиган компонентлар учун божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлар бундан мустасно);

маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан олинган даромад (фойда) солиғи, ягона солиқ тўлови (соддалаштирилган солиқ тизими қўлланиладиган субъектлар учун) тўлашдан;

маҳаллийлаштириладиган маҳсулот ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган асосий ишлаб чиқариш фондлари бўйича мулк солиғи тўлашдан озод қилинадилар.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, диверсификация қилишда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011йил 29 июлдаги “2011-2013 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштиришга доир чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ 1590 сонли қарори доирасида 1115 та, шундан 510 таси (45,7%) вазирлик ва идоралар томонидан, 605 таси (54,3 %) худудларда амалга ошириш кўзда тутилган эди.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 2011 йилда республика бўйича 6.93 трлн. сўмлик, шу

Жумладан, вазирлик ва идоралар тасарруфидаги корхоналар томонидан 5,88 трлн. сўмлик (84,9%), ҳудудий тасарруфдаги корхоналар томонидан 1,05 трлн. сўмлик (15,1%) маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. Маҳаллийлаштириш доирасидаги экспортнинг умумий ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 23%ни, ҳудудий тасарруфдаги корхоналар экспорт ҳажмининг ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 4,7 %ни ташкил этди. 2012 йилда эса ушбу дастур доирасида 8.6 трлн. сўмлик яъни 2011 йилга нисбатан 24.7% кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилган. Ҳудудий тасарруфдаги корхоналар томонидан маҳаллийлаштириш доирасида 2.4 трлн. сўм, яъни 2011 йилга нисбатан 33.3% кўп маҳсулот ишлаб чиқарилиб уларнинг жами ишлаб чиқариш ҳажми 16.6 %ни ташкил этди<sup>1</sup>.

Қорақалпоғистон Республикаси Қашқадарё, Андижон, Фарғона, Навоий, Хоразм, Бухоро вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий тасарруфдаги корхоналар маҳаллийлаштириш лойиҳаларининг йиллик прогноз кўрсаткичларини ортиғи билан бажарилган. Аммо бу кўрсаткичлар Самарқанд, Сирдарё, Наманган, Жиззах, Тошкент, Сурхандарё вилоятларидаги ҳудудий тасарруфдаги корхоналар томонидан тўла бажарилмади.

Маҳаллийлаштириш дастурига 2012 йилда Тошкент шаҳрида 46та, Фарғона вилоятида 6та, Андижон, Бухоро, Самарқанд, Тошкент вилоятларида 4тадан, Наманган вилоятида 3та, Сирдарё ва Хоразм

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари.



вилоятларида 2тадан, Қашқадарё вилоятида 1 та янги ҳудудий лойиҳалар киритилган. Аммо Жиззах, Тошкент, Сурхандарё вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида бирорта ҳам янги ҳудудий лойиҳалар киритилмаган. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 2012 йилда 1 млрд 30,6 млн доллар ҳажмида маҳсулотлар экспорт қилинди. Шунингдек, 972,3 млн доллари (94,3%) вазирлик ва идоралар тасарруфидаги корхоналар 58,3 млн долларлик маҳсулотлар (5,7%) ҳудудий тасарруфдаги корхоналар томонидан экспорт қилинган.

2013 йилда иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш техник ҳамда технологик яхшилашни жадаллаштириш, унинг кўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш мақсадида 370 дан ортиқ стратегик муҳим лойиҳаларни амалга оширишни кўзда тутадиган инвестиция дастури қабул қилинган бўлиб, ушбу мақсадлар учун 13 млрд доллар эквивалентида 2012 йилга нисбатан 11 % кўп киритилди. Уларнинг 75%ни ички манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган маблағлар қолган қисмини жалб этиладиган хорижий инвестициялар ташкил этади. Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 56,7 % янги қурилиш, 33% ишлаб чиқаришни кенгайтириш, реконструкция ва модернизация қилишга йўналтирилди. Маҳаллийлаштириш дастурининг бажарилиши натижасида ҳудудий тасарруфдаги корхоналар томонидан ишлаб чиқариш ҳажми режасида белгиланганидек, 2104,9

миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Режани ҳудудий корхоналар Фарғона вилоятида 127,9%, Қашқадарё вилоятида 112,1%, Тошкент вилоятида 110,6% га бажардилар. Аммо Сурхондарё (49,2%), Сирдарё (57,4%), Жиззах (58,9%) ва Наманган(81,7%) вилоятлари режани бажармадилар<sup>1</sup>.

Ҳудудий корхоналар Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси фаолиятида иштирок этмоқдалар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 ноябрдаги «Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3937-сонли фармонига мувофиқ Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг вазифаси Республика саноатининг тез ривожланиб бораётган тармоқлари учун зарур бўлган, экспорт салоҳиятини кенгайтириш, савдо ва тўлов балансини мақбуллаштириш имконини берадиган бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар, сарфланадиган материаллар ва қайта ишланган хом ашё захиралари ишлаб чиқарадиган маҳаллий корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, валюта маблағларини биринчи навбатда илғор технологиялар ва машина-ускуналарни импорт қилишга йўналтириш узок муддатли истиқболни кўзлаб саноатни янада ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаси қилиб белгиланган.

ХСЯКБ иштирокчилари сони йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Масалан, унинг фаолиятида 2007 йилда 227

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари.

та, 2010 йилда 715 та, 2013 йилда 1304 та, 2014 йилда эса 1705 та иштирокчи қатнашди (қаранг: 2.4.1-расм.).

## ХСЯКБ иштирокчилари сонининг ўсиш суратлари



2.4.1-расм.Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг иштирокчилари сонининг ўсиши<sup>1</sup>.


Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида тузилган шартномалар(саноат кооперацияси асосида маҳсулот етказиб бериш) ҳажми 2007 йилдаги 1068,40 млрд сўмдан 2010 йилда 2614,40 млрд сўмга, 2013 йилда 6210,90 млрд сўмга, 2014 йилда эса 8590,25 млрд сўмга, яъни 8 баровардан ортиққа ўсди (қаранг: 2.4.2-расм).

Худудий корхоналар томонидан ХСЯКБ доирасида тузилган шартномалар ҳажмининг умумий шартномалар ҳажмидаги улуши 2007 йилда 2,3%ни,

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги маълумотлари.

2010йилда 8,3% ни, 2013йилда 10,5% ни, 2014 йилда 13,0% ни ташкил қилди.

**Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида тузилган шартномалар ҳажмининг ўсиш тенденцияси (саноат кооперацияси асосида маҳсулот етказиб бериш)**



10

2.4.2-расм. Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида тузилган шартномалар (саноат кооперацияси асосида маҳсулот етказиб бериш) ҳажмининг ўсиши<sup>1</sup>.

2014 йил учун VII ХСЯКБ доирасида жами 5796 та умумий қиймати – 6210,9 млрд.сўмга тенг саноат кооперацияси асосида маҳсулот етказиб бериш шартномалар тузилган бўлиб, йил якунларига кўра 104,9% га (6 517,9 млрд.сўм) бажарилди. Шундан 5859,

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги маълумотлари.

6 миллиард сўмлик шартномалар вазирлик ва идоралар тасарруфидаги корхоналарга, 658,3 млрд сўмлик шартномалар ҳудудий тасарруфдаги корхоналарга тегишли бўлди.

2014 йил учун VII ХСЯКБ доирасида умумий қиймати – 6,2 млрд.долл.га тенг экспорт контрактлари тузилган бўлиб, йил якунларига кўра 100,5 % га (6,28 млрд.долл.) бажарилди. Шундан 3,4 млрд. долларлик шартномалар вазирлик ва идоралар тасарруфидаги корхоналарга, 2,88 млрд долларлик шартномалар ҳудудий тасарруфдаги корхоналарга тегишли бўлди.

Корхоналар, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва ҳудудлар тасарруфидаги корхоналар томонидан 2015 йилга 8,6 трлн.сўмга маҳсулот етказиб бериши мўлжалланаётган бўлиб, бу шартномаларнинг VII Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида тузилган шартномалар ҳажмига нисбатан 137,9% га ва 2014 йил кўрсаткичларига нисбатан (шартномалар сони) эса 1,46 баробар кўпроқдир. Шундан 7,5 трлн сўмлик шартномалар вазирлик ва идоралар тасарруфидаги корхоналарга, 1,1 трлн сўмлик шартномалар ҳудудий тасарруфдаги корхоналарга тегишли бўлди<sup>1</sup>. Корхоналар, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва ҳудудлар тасарруфидаги корхоналар томонидан VII Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида 2015 йил учун 7,2 млрд. долл.га экспорт контрактлари тузилган

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги маълумотлари.

булиб, бу контрактлар 2014 йил кўрсаткичларига нисбатан эса 1,15 баробар кўпроқдир. Шундан 3,2 млрд. долларлик шартномалар вазирлик ва идоралар тасарруфидаги корхоналарга, 4,0 млрд долларлик шартномалар ҳудудий тасарруфдаги корхоналарга тегишли бўлди. Демак, экспорт шартномаларининг 56% ҳудудий корхоналарга, 44% эса вазирлик ва идоралар тасарруфидаги корхоналарга тегишли бўлди<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 11 февралдаги ПКҚ-2298 сонли “2015-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан:

2015-2019 йилларда 602 та лойиҳани амалга ошириш ҳисобига 8,1 трлн сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш;

1225 дан ортиқ янги турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва 13298 янги иш ўринлари барпо этиш;

барча лойиҳаларни амалга оширилганда 3508,0 млн.долл. ҳажмида валюта маблағлари иқтисод қилиниши кўзда тутилган.

Табиий, минерал хомашё, ресурсларни қайта ишлаш асосида, тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материалларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, ишлаб чиқариш жараёнига инновацион

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги маълумотлари.

ғоялар ва катта хажмдаги саноат чиқиндиларини жалб қилиш бўйича 58 та истиқболли лойихалар белги-ланган. Шунингдек, 162 турдаги ўзлаштириш учун тавсия этилаётган тайёр маҳсулотлар, материаллар ва бутловчи буюмлар рўйхати тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 11 февралдаги «2015-2019 йилларда тайёр маҳсу-лотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни Маҳаллийлаштириш дастури тўғриси-да»ги ПҚ-2298 сонли қарорига мувофиқ, тармоқ-лараро саноат кооперациясини кенгайтириш ва импорт қилинадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳисобига иқтисодиётни таянч соҳалари бўйича импорт маҳсулотларини қисқарти-ришнинг мақсадли кўрсаткичлари тасдиқланган. 2015 йилда 2014 йилга нисбатан иқтисодиётнинг таянч соҳаларида умумий ҳисобда 410,2 млн.долл.га тенг импортни мақбуллаштириш кутилмоқда жумладан, саноат кооперацияси ҳисобига 194,7 млн.долл. (47,5%), ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳисобига 215,4 млн.долл. (52,5%).

Эндиликда мазкур дастурнинг ижросини таъмин-лаш мақсадида қуйидагилан амалга ошириш лозим бўлади:

- Маҳаллийлаштириш дастурини самарали амалга ошириши борасида йилнинг ҳар чорагида маҳсулот ишлаб чиқариш режалари бажарилишини тизимли мониторингини ташкил этиш;

- Дастурга киритилган корхоналар билан маҳаллий ҳокимлик раҳбарияти томонидан бир ойда бир маротаба очиқ мулоқот ўтказиш ва улар дуч келаётган муаммоларни ҳал қилинишини ташкил этиш;
- маҳаллийлаштириш ва кооперация асосида импортни мақбуллаштириш, ҳудудий корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулотларни экспорт қилиш имкониятларини яратиш;
- ҳудудий саноат ярмаркаларини юқори даражада ўтказиш йўли билан йирик ва кичик корхоналар ўртасида кооперация алоқаларни ривожлантириш;
- Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасидаянги маҳсулотларни ўзлаштириш бўйича келишувлар имзолаш;
- Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида саноат кооперацияси доирасида тузиладиган шартномалар (контрактлар) асосида ишлаб чиқаришни ташкил этиш, режалаштирилаётган янгидан ўзлаштирилган ва ўзлаштириш назарда тутиладиган маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар янги турларининг тақдиротини ташкил этиш.



# III боб. Минтақа иқтисодий ҳавфсизлиги ва уни таъминлаш механизми


## 3.1. Минтақа иқтисодий ҳавфсизлиги

Миллий ҳавфсизлик жамиятнинг барча бўғин ва даражаларидаги ҳавфсизликни ифодалаганидек, иқтисодий ҳавфсизлик мамлакат ҳамда унинг минтақалари иқтисодий ҳавфсизлигини ҳам ўз ичига олади.

Минтақавий ҳавфсизлик мамлакат вилоятлари (туманлари) манфаатларининг ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимояланганлигини ифодалайди. Минтақавий ҳавфсизлик ўз ичига табиий-техноген, озиқ-овқат, умумиқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий (шахсий ва мулкӣ) ҳавфсизликларни олади (3.1.1-чизма).

3.1.1-чизма

### Минтақавий ҳавфсизлик таркиби<sup>1</sup>



<sup>1</sup>Қаранг: Общая теория национальной безопасности Учебник/ Под общ ред. А.А.Прохожева. – Изд 2 доп. – М.: Издво. РАГС, 2005. –С 227.

Минтақа иқтисодий ҳавфсизлиги минтақанинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланиши, иқтисодиёт билан минтақанинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви муассасалари ўртасидаги мувозанатли ҳолат бўлиб, бу ҳолат минтақада миллий манфаатларнинг ҳимояланганлиги ҳамда сиёсатнинг ижтимоий йўналтирилганлигини ифодалайди. Минтақавий ҳавфсизлик минтақа (ҳудуд)да шахс, жамият ва давлат, минтақа иқтисодий манфаатларининг ички ва ташқи таҳдидлардан қанчалик даражада ҳимояланганлигини, минтақанинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланиши барқарорлигининг таъминланганлигини ифодалайди. Бу борада таъкидлаш жоизки, мамлакатда мавжуд нохуш ҳолатлар, турли инқирозли ҳолатлар минтақа ҳавфсизлигига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Минтақа ҳавфсизлигини таъминлашда минтақа (ҳудуд)да мавжуд бўлган нохуш, танглик ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш лозим бўлади. Минтақадаги нохуш танглик ҳолати деганда уни яхшилаш учун марказий ҳукумат органлари томонидан минтақа иқтисодиётига аралашув ва уни тартибга солишнинг фавқулодда усуллари қўлланиши тақозо этувчи ҳолат тушунилади.

Минтақалардаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатни кузатиб бориш ҳараёнида Давлат статистика қўмитаси олти гуруҳдаги индикатив кўрсаткичлардан фойдаланади: ижтимоий ва иқтисодий индикаторлар; қишлоқ хўжалиги индикаторлари; инвестиция ва

молиявий индикаторлар; институционал ўзгаришлар натижаларини ифодаловчи индикаторлар.

Минтақа (ҳудуд)даги иқтисодий ҳавфсизликни аниқлашда қуйидаги ижтимоий-иқтисодий индикаторлардан фойдаланилади:

- аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот;
- яшаш минимуми;
- иш ҳақи;
- иш ҳақи бўйича муддати ўтган қарздорлик;
- ишсизлик даражаси;
- ишсизлар сонининг бўш иш ўринларига нисбати;
- аҳолининг саводхонлик даражаси;
- аҳоли даромадлари бўйича табақаланиши ва бошқалар<sup>1</sup>.

Ушбу индикаторлар орқали мамлакат минтақалари (ҳудудлари) ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги фарқлар аниқланади ва гуруҳланади. Шу асосда минтақа (ҳудуд)лар ривожланган, ўртача ривожланган ва ривожланишдан орқада қолган минтақалар гуруҳига ажратилади.

Минтақа иқтисодий ҳавфсизлиги унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, мамлакат ривожланишининг ўртача даражасидан фарқланиши даражасига боғлиқдир.

Минтақа иқтисодий ҳавфсизлиги объектларига қуйидагилар киради:

- минтақа аҳолисининг иш билан бандлиги;

---

<sup>1</sup>Абулқосимов Ҳ. П. Давлатнинг иқтисодий ҳавфсизлиги. Ўқув қўлланма..-Т.: Akademiya, 2012.- 264-бет.

- аҳоли турмуш даражаси;
- меҳнат мотивацияси;
- аҳолининг мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларга муносабати;
- ички минтақавий бозор;
- аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланганлиги;
- минтақа ишлаб чиқарувчиларининг рақобатбардошлиги;
- минтақанинг экологик ҳолати;
- минтақа саноат ишлаб чиқаришининг таркиби ва бошқалар<sup>1</sup>.

Минтақа ҳавфсизлигига таҳдидлар қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

- ижтимоий-сиёсий таҳдидлар. Уларга ишсизлик даражаси ва динамикаси; меҳнат мотивациясининг кучсизланиши; ижтимоий боқимандаликнинг кўпайиши туфайли иш билан бандлар меҳнат юкласининг ўсиши; минтақа аҳолиси турмуш даражаси ва динамикаси; аҳоли даромадларининг табақаланиши, озиқ-овқатлар билан таъминланганлиги (ва ҳ.к) киради;

- тизимли бошқариш тавсифидаги таҳдидлар. Улар таркибига ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши, иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайиши; ишлаб чиқариш қувватлари бандлигининг паст даражадалиги, айрим ишлаб чиқаришларнинг ёпилиши, тўхтатилиши, илмий-техникавий потенциалнинг

<sup>1</sup> Вечканов Г.С. Экономическая безопасность: учебник СПб.: Питер 2007. Глава 8.

пасайиши, минтақа маҳсулоти рақобатбардошлигининг пасайиши, илмий-тадқиқот, тажриба конструкторлик ишларининг тўхтатилиши, минтақа молиявий барқарорлигининг бузилиши каби кўрсаткичлар киради;

- ташқи иқтисодий таҳдидлар. Улар таркибига экспортга товар чиқарувчи тармоқларда ишлаб чиқариш ҳажмларининг қисқариши, ташқи бозор ҳажми, ташқи савдо айланмаси ҳажмларининг қисқариши ва пасайиши, экспорт таркибида илмталаб, юқори технологик, истеъмолга тайёр маҳсулотлар улушининг камайиши, экспорт таркибида хом ашё товарлари улушининг катталиги, минтақавий бозорлари инвестициявий жозибадорлигининг пасайиши, озиқ-овқат мустақиллигининг йўқотилиши ва озиқ-овқат импортига боғлиқликнинг ўсиши, минтақа ички бозорида четдан келтириладиган импорт маҳсулотлари улушининг ўсиши кабилар киради<sup>1</sup>.

Минтақавий ривожланишга таъсир кўрсатувчи таҳдид ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бўйича минтақалар ўртасидаги табақаланишнинг кучайиши, айрим минтақа ривожланишидаги турғунлик ва танглик ҳолатининг юзага келиши ҳисобланади.

---

<sup>1</sup>Қаранг: Безопасность экономического пространства хозяйствующего субъекта / Петренко И.Н. –М.: Анкил, 2005 Глова 2,4; Внешне экономическая деятельность региона: содержание и проблемы развития: Сборник статей. –Ростов Н/Дону: РИО Ростовского филиала РТА, 2005.-С. 28-53; Внешне экономический комплекс региона: содержание и особенности формирования: Сб. научных трудов. –Ростов Н/Д: РИО Ростовского филиала РТА, 2007; -С 14-43;Абулкосимов Ҳ. П. Давлатнинг иқтисодий ҳавфсизлиги.Ўқув қўламама..-Т.: Akademiya, 2012.- 264-бет.

Минтақа иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- ҳавфсизлик ва ҳимоя объектлари;
- ҳавф-хатар ва таҳдид субъектлари;
- ҳавф-хатар ва таҳдидлар юзага келиши ҳамда тарқалиши хусусиятлари;
- юзага келиш мумкин бўлган зарарлар;
- ҳавфсизликни таъминловчи тизимларнинг мақсади, вазифалари ва амал қилиш механизмлари.

Минтақа иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлашда минтақа ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу омиллар қуйидагилардан иборат:

- мамлакат ягона халқ хўжалиги комплексининг бузилиши, барҳам топиши. Бунинг натижасида тармоқлараро ва минтақалараро алоқалар узилади, ишлаб чиқариш ҳажмлари қисқаради ҳамда асосий фондларнинг жисмоний ва маънавий эскириши жадаллашади;

- мамлакат агросаноат комплексидаги узилишларнинг юзага келиши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳажмларининг камайиши, давлат томонидан тармоқни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг қисқариши минтақа ривожланишига салбий таъсир кўрсатади;

- минтақада зарар кўриб ишлайдиган корхоналар сонининг кўпайиши, маҳсулот сотиш бозоридан маҳрум бўлиш, жаҳон ва амалакат бозорларида ҳудудий маҳсулотлар рақобатбардошлигининг пасайиши,

асосий ишлаб чиқариш фондлари эскиришининг кучайиши минтақа иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар ҳисобланади;

- аҳоли турмуш даражасида минтақавий табақаланишнинг кучайиши, ижтимоий инфратузилма объектларининг эскириши ва ишдан чиқиши, туғилишнинг қисқариши, оналар ва болалар ўлимининг кўпайиши, кутилаётган умр узоқлигининг қисқариши каби омиллар минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланиши даражасининг пасайишига, унинг ҳавфсизлигига таҳдидларнинг кучайишига олиб келади.

Ҳозирги даврда минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги табақаланишнинг кучайиши, ундаги фарқларнинг катталашиб бориши минтақалар рақобатбардошлигининг пасайишига, ҳавф-хатарларнинг кучайишига, минтақа иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлашда жиддий муаммолар туғдиради.

Минтақа ҳавфсизлиги даражаси унинг рақобатбардошлиги даражасига боғлиқдир. Минтақа иқтисодиётининг рақобатбардошлигини баҳолашда эса қуйидаги кўрсаткичлар гуруҳидан фойдаланилади:

- 1) аҳоли турмуш даражаси;
- 2) меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлиги;
- 3) демографик ҳолат;
- 4) ишлаб чиқариш салоҳияти;
- 5) илмий-техникавий салоҳият;
- 6) бюджет-молия соҳаси;
- 7) инвестициявий муҳит;

8) экологик ҳолат;

9) ҳуқуқ тартибот.

Ушбу гуруҳлар кўрсаткичлари асосида минтақавий ривожланиш тўғрисидаги маълумотлар мамлакат ривожланишининг ўртача кўрсаткичлари билан таққосланади. Бунинг оқибатида минтақа ҳавфсизлигини ифодаловчи мезонлар тизими аниқланади. Шунингдек, минтақаларнинг мамлакат иқтисодий ривожланишининг ўртача кўрсаткичларига нисбатан қай даражада фарқланиши ҳам аниқланади.

Минтақа ҳавфсизлигини баҳолашда қуйидаги кўрсаткичлар умуммамлакат кўрсаткичлари билан таққосланади:

- ҳудудий ялпи маҳсулот ҳажми ва унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши;
- ялпи ҳудудий маҳсулотнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган ҳажми;
- саноат ишлаб чиқаришида ишлаб берувчи саноат ва машинасозликнинг улуши;
- ички истеъмол ҳажмида импорт улуши;
- экспортнинг минтақавий ишлаб чиқаришдаги улуши;
- умумий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмида янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ҳиссаси;
- ялпи ҳудудий маҳсулотга нисбатан инвестициялар ҳажми, яъни ҳиссаси;
- инфляция даражаси;
- ишсизлик кўрсаткичлари;



- замонавий технологияларнинг минтақавий иқтисодийга жорий қилиниши;

- илмий тадқиқот ишларига қилинган ҳаражатларнинг ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмидаги улуши<sup>1</sup>.

Ушбу кўрсаткичлар орқали минтақа иқтисодий ҳавфсизлиги ва рақобатбардошлиги ҳолати, даражаси ҳамда унга таҳдидлар аниқланади. Ушбу таҳлиллар асосида минтақа иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлаш концепцияси ва уни амалга ошириш дастурлари ишлаб чиқилади.

### **3.2. Минтақа иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлаш механизми**

Минтақавий иқтисодий ҳавфсизликни таъминлаш минтақавий сиёсатнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Бу борада кўзланган асосий мақсад мамлакат ва унинг минтақалари рақобатбардошлигини ошириш ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш қуйидагиларга йўналтирилади:

- мамлакат ва унинг минтақаларини халқаро бозорлар билан интеграциялашувини таъминлаш, мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларини минтақа ва ҳудудлар бўйича оқилона жойлаштириш, уларнинг ўзаро алоқадорлиги, ихтисослашуви ва кооперациялашувини таъминлаш орқали мамлакат ва минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини

<sup>1</sup> Абулқосимов Х. П. Давлатнинг иқтисодий ҳавфсизлиги. Ҳуқуқ қўлланма...-Т.: Akademiya, 2012.- 267-268-бет.

жадаллаштириш, барқарор ва мутаносиб иқтисодий ўсишгача эришиш;

- минтақалар инфратузилмаларини ривожлантириш;

- минтақаларда ишлаб чиқариш соҳаларининг рақобатбардошлигини ошириш;

- минтақалар ривожланишидаги фарқларни қисқартириш.

Минтақа иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлаш дастурини ишлаб чиқиш жараёнда қуйидагилар амалга оширилади:

1. Миллий иқтисодиёт ва минтақавий иқтисодиёт доирасида асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар таҳлил қилинади.

2. Ҳар бир минтақанинг мамлакат минтақалари ижтимоий-иқтисодий ривожланиши даражалари классификациясидаги ўрни аниқланади.

3. Минтақадаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол таҳлил қилинади.

4. Минтақанинг асосий иқтисодий манфаатлари аниқланади.

5. Минтақа иқтисодий ҳавфсизлигига таҳдидлар классификацияси ишлаб чиқилади.

6. Минтақа иқтисодий ҳавфсизлигига реал ва потенциал таҳдидлар аниқланади.

7. Минтақа иқтисодий ҳавфсизлигини баҳолаш индикаторлари ва усуллари белгиланади.

8. Минтақаларда ҳаёт фаолияти соҳалари бўйича турғунлик ва танглик ҳолатлари баҳоланади.

9. Минтақа иқтисодий ҳавфсизлиги мақсадлари белгиланади.

10. Иқтисодий ҳавфсизликни таъминлашга қаратилган минтақавий сиёсатнинг устувор вазифалари ишлаб чиқилади.

11. Минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ишлаб чиқилади.

12. Минтақа иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари мажмуи ишлаб чиқилади ва белгиланади.

13. Иқтисодий ҳавфсизликни таъминлаш бўйича маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг вазифалари, ваколатлари белгиланади.

14. Минтақа иқтисодий ҳавфсизлиги ҳолатини мониторинг қилиб бориш билан боғлиқ чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилади<sup>1</sup>.

Минтақа иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлаш ҳамда унинг рақобатбардошлигини ошириш учун минтақа (ҳудуд) мамлакатда локомотив ва таянч минтақаларни белгилаб олиш лозим бўлади.

Локомотив минтақа деб қуйидаги талабларга жавоб берадиган минтақага айтилади:

- минтақада юк ва йўловчи ташиш оқимлари барқарор ўсиши кузатилади;

- минтақада мамлакат учун аҳамиятли бўлган нуфузли илғор илмий-таълим маркази фаолият юритади;

---

<sup>1</sup> Абулқосимов Ҳ. П. Давлатнинг иқтисодий ҳавфсизлиги. Ўқув қўлланма...-Т.: Akademiya, 2012.- 269-бет.

- бутун мамлакат учун катта аҳамиятга эга бўлган стратегик ташаббус шаклланади;

- юқори илмий-техникавий, интеллектуал кадрлар ва ижтимоий потенциалга эга бўлиш;

- мамлакат иқтисодий ривожланишида салмоқли улушга эга, яъни ЯИМдаги улуши юқори бўлиши лозим;

- минтақада давлат, фуқаролик жамияти институтлари ва бизнес вакиллари ўртасида стратегик ҳамкорликнинг мавжуд бўлиши;

- 10-15 йиллик истиқболда ушбу минтақа қўшни минтақа ва ҳудудлар ривожланишига туртки бериш имконига эга бўлиши керак.

Мамлакатни территориял ривожланиш бош схемасига кўра таянч минтақа белгилаб олиниб, унинг ривожлантириш вазифалари аниқланади. Бу эса қуйидаги имкониятларни вужудга келтиради:

- мамлакатни халқаро бозорларга интеграциялашувини самарали таъминлаш, ўз территориясида товарлар, молиявий маблағлар, ишчи кучи оқимлари, инновацияларни ишлаб чиқиш ва улар муомаласини бошқариш марказларини тўплашга мувофиқ бўлинади;

- бир неча локомотив ва таянч ҳудудларни шакллантириш орқали мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожланиши жадаллаштирилади, бошқа минтақалар учун янгиликлар яратиш манбасига айлантиради. Бу минтақалар қўшни минтақаларга ўз корхоналарининг буюртмаларини бериш, айрим

ишлаб чиқариш бўғинларини ташкил этиш орқали уларнинг ҳам ривожланишига туртки беради;

- мамлакат минтақалари ўртасида инфратузилмавий, ишлаб чиқариш-технологик ва ижтимоий-маданий алоқадорликни таъминлаш орқали ижтимоий-иқтисодий ривожланишга эришилади;

- мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш лойиҳаларини кенг миқёсда амалга ошириш имкониятига эга бўлинади.

Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда территориялар тармоқ кластерлари муҳим роль ўйнайди. Кластерларда баъзи ҳудудларда айрим товарлар, бутловчи қисмларни, хом ашёларни ишлаб чиқариш ташкил этилади. Бунга Асакадаги енгил автомобиллар, уларнинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқариш ташкил этилганлиги мисол бўлади. Кластер ҳудуд манфаатини корхона манфаати билан уйғунлаштиради. Кластер терриориал ишлаб чиқариш ичида рақобат муҳитини яратиб, ички ва жаҳон бозорларига маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этади ҳамда мазкур ҳудуд аҳолисини иш билан таъминлашни яхшилайдди, ҳудуднинг ҳар тўмонлама ривожланишига имконият яратади. Кластер иштирокчиси бўлган хўжалик субъектларининг ўзаро алоқадорлиги, биргаликда илмий-тадқиқот, янги технологияни жорий этиш, ишларини биргаликда амалга ошириш, тажриба, билим ва асосий фондлардан биргаликда

фойдаланиш, рискларни камайтиришда, жаҳон бозорларига чиқишда ҳудудни ривожлантириш, ободонлаштиришда ўзаро ҳамкорлик қилиши кучаяди.

Минтақа иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлаш концепциясида уларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш кўзда тутилади. Бу дастурларни ишлаб чиқишда ўзаро алоқадорлик ва давомийлик, ресурсларни тежаш, инфратузилмавий таъминот тамойилларига асосланилади.

Бундай дастурларни ишлаб чиқиш ва минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш моделларини яратишда SWOT таҳлилидан фойдаланилади. Ушбу таҳлил асосида минтақанинг, кучсиз ва кучли томонлари, имкониятлари, таҳдид ва хавф-хатарлар аниқланади. Минтақани ривожлантиришнинг турли сценарийлари ишлаб чиқилади. Инерцион ривожланиш сценарийсида барча тенденциялар амалда сақланади. Экспортга йўналтирилган ривожланиш сценарийсида экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришлар ва уларнинг салоҳиятини ривожлантириш ҳамда мустақамлаш тадбирларини амалга ошириш кўзда тутилади. Мобилизацион ривожлантириш сценарийсида ички захиралар, ресурслар, иқтисодий ўсиш омиллари ҳисобга олинади ва ривожланиши мақсадида фойдаланишга йўналтирилади.

Мутаносиб ўсиш сценарийсида экспортга йўналтирилган ва ички ресурсларни мобилизация қилиш

вариантлари синтез қилинади, яъни уйғунлаштирилади.

Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясини прогнозлаштириш ва асослашда минтақа иқтисодий ҳавф-сизлигини таъминлаш вазифаларини ҳам ҳал этиш кўзда тутилади. Умуман ушбу стратегияни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда қуйидаги вазифалар белгиланади ва ҳал қилинади:

- минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадлари, вариантлари, сценарийлари ва кўламлари асосланади;

- ривожланишнинг объектив қонуниятлари ва тенденциялари ҳисобга олинади;

- товар ва хизматлар, меҳнат, ресурслар, молиявий бозорлар шаклланиши ҳамда ривожланиши истиқболлари аниқланади;

- минтақа ижтимоий ривожланиши, аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг ўсиши йўналишлари белгиланади;

- таркибий ва инвестициявий сиёсат йўналишлари шакллантирилади;

- минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги муаммолар, турғунлик ва танглик ҳолатлари аниқланиб, уларни ҳал этиш босқичлари ҳамда муддатлари белгиланади;

- вилоятлараро, туманлараро ва ташқи иқтисодий муносабатларни самарали ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш йўналишлари асосланади;

- экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилади;

- ташқи муҳитнинг аҳволини яхшилаш, табиатдан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар асосланади ва ишлаб чиқилади<sup>1</sup>.

Минтақа, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлаш, рақобатбардошлигини оширишга қаратилган дастурларнинг амалга оширилиши минтақанинг ўзини ўзи ташкиллаштирувчи, ўзини-ўзи бошқарувчи ва оқилона бошқариладиган ижтимоий-иқтисодий, этномаданий ва территориал-маъмурий бирлик сифатида ривожланишига имконият яратади.

---

<sup>1</sup> Кочергина Т.Е. Экономическая безопасность: Ростов на Дону, 2007. -С.340-346.



## IV боб. Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари

### 4.1. Ўзбекистонда минтақа ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш механизмини такомиллаштириш

Ўзбекистон Республикаси минтақа ва улар таркибидаги ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий даражаларидаги ва иқтисодий-табиий салоҳиятидаги фарқлар уларни истиқболда ҳудудий ва тармоқ хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш жараёнини такомиллаштиришни тақозо этади.

Минтақани иқтисодий ривожлантиришни барқарорлаштириш стратегиясини асослашнинг қуйидаги йўналишларини инобатга олиш мақсадга мувофиқдир:

- минтақа ривожланишини бошқариш самарадорлигини ошириш мақсадида иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни таҳлил қилиш; бу босқичда ҳудуднинг эришган иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражаси таҳлил қилинади;

- минтақани иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш стратегиясини асослаш; ривожланишни прогноз қилинади; стратегия асосланади, уни ривожланишини тартибга солиш методлари танланади;

- концепция ишлаб чиқиш ва ҳудуд ривожланишини давлат ва бозор механизмлари орқали тартиблаш методларини танлаш;

- минтақа ва ҳудуднинг молиявий ресурслари ўсишини прогноз қилиш; бюджет даромад қисмини кенгайтириш ва мустақамлаш йўллариини излаш; бюджет даромад қисмини тўлдиришнинг янги манбаларини аниқлаш, турли мулкчилик шаклларига асосланган тадбиркорликдан, хорижий инвесторлардан ва нобюджет жамғармаларидан қўшимча маблағларни жалб этиш<sup>1</sup>.

Минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини тузишда маълум тамойилларга асосланиш керак бўлади. Бу тамойиллар минтақавий иқтисодий фани нуқтаи-назаридан қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларининг мақсадлилиги;

- минтақани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича ресурсларни тўплаш ва йўналтириш;

- белгиланган ҳаракатни назорат қилиш ва тартиблаш имкониятларининг очиқлиги;

- минтақа ва унинг таркибидаги ҳар бир ҳудудни ривожланишини қўллаб-қувватлашнинг индивидуаллиги;

---

<sup>1</sup>Қаранг: Регулирование территориального развития в условиях рыночной экономики / Под ред. Б.М.Штульберга. М., 1993С 73; Содықов А.М. Основы регионального развития: теория, методология, практика - Т: IQTISOD-MOLIYA; 2005. - С 165.

- қўллаб-қувватлаш механизмининг таъсирчанлиги;

- республика ва маҳаллий ҳокимият органларининг ҳамкорлиги ва улар фаолиятининг уйғунлиги.

Минтақавий дастурларни ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши ҳудудий ривожланишни давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Минтақавий дастурларини бажаришга тўсқинлик қиладиган ҳолатлар ва омилларни аниқлаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Минтақани ривожлантириш бўйича қабул қилинадиган дастурларнинг бажарилишига кўпгина ҳолларда қуйидаги омиллар тўсқинлик қилиши мумкин:

- республика ва минтақавий мақсадли дастурларни танлашнинг синалган тизимларининг мавжуд эмаслиги, уларни амалга оширишнинг ва уларни бажариш кетма-кетлигининг етарли даражада асосланмаганлиги;

- республика тармоқ дастурларининг минтақавий ва айрим ҳудудий жиҳатларининг етарли даражада ишланмаганлиги;

- тармоқ дастурлари минтақавий жиҳатлари мониторингининг йўқлиги;

- республика ва минтақавий дастурларни амалга ошириш механизмнинг мустаҳкам эмаслиги;

Республика ва минтақавий дастурларни ишлаб чиқишда мақсадли-дастурлаш услубидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу услуб пировард

нагигага эришиш учун иқтисодий ресурсларни йўналтиришни таъминлашни ифодалайди. Унинг ёрдамида энг муҳим иқтисодий, ижтимоий ва илмий-техникавий ривожланиш муаммолари ҳал этилади. Бу муаммолар амалда тармоқлараро ёки минтақалараро ва ҳудудлараро тавсифга эга бўлиб халқ хўжалиги аҳамиятга эга бўлади.

Мақсадли дастурлар ўрта ва узоқ муддатга мўлжаллаб корхона, мамлакат ва халқаро миқёсда тузилади. Дастурлар ўз ичига пировард ва оралиқ мақсадларни, вазифаларни, уларни амалга ошириш чора-тадбирларни, ресурслар таъминотини, олиши керак.

Дастур мақсади ўлчамга эга бўлиши, чора-тадбирлар тизими эса пировард ва оралиқ мақсадларни амалга ошириш нуқтаи-назаридан ишлаб чиқиши лозим.

Мақсадли минтақавий ва ҳудудий дастурлар вилоят, шаҳар ва туманларнинг ривожланишини тартибга солишнинг самарали методи сифатида давлат, маҳаллий, жамоавий, шахсий манфаатларни уйғунлаштириши ҳамда жамиятнинг барча аҳоли табақаларини давлатнинг ҳудудий сиёсатини амалга оширишга даъват этадиган, йўналтирадиган бўлиши керак. Шунингдек, минтақани иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш дастурлари мамлакатда амал қилаётган қонунлар, ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқиши лозим.

Минтақани иқтисодий ва ижтимоий ривожлан-

тириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад ҳудудий иқтисодиётни унинг табиий-иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва ташқи манбаларни жалб этиш йўли билан мутаносиб ва оқилона ривожлантиришдан иборатдир.

Ушбулардан келиб чиқиб, минтақавий ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда қўйидаги вазифаларни бажаришга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади;

- минтақа ва унинг таркибидаги ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини умумий баҳолаш ва иқтисодий ривожланишнинг асосий тенденцияларини, иқтисодий ўсиш муаммоларини ва резервларини аниқлаш;

- минтақанинг маҳаллий минерал-хомашё, ер-сув ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг миқдор ва сифат даражаларини таҳлил қилиш;

- минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш, истиқболли тармоқлар ва ҳудуднинг ихтисослашиш соҳасини, иқтисодиётнинг базавий тармоқлари ривожланишининг устувор йўналишларини аниқлаш;

- маҳаллий қишлоқ хўжалиги ва минерал хомашёлардан самарали фойдаланишга асосланган янги экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришларни шакллантиришнинг аниқ йўллари белгилаш, жаҳон даражасидаги тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича кам чиқиндили ва чиқиндисиз технологиялар жиҳозланган янги корхоналарни вужудга келтириш;

- минтақада қулай, жозибадор инвестицион муҳитни яратиш, хорижий инвесторлар, маҳаллий корхоналар, тадбиркорлар, аҳоли маблағлари ва ресурсларини кенгроқ жалб этиш;

- аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлашнинг механизмини ишлаб чиқиш;

- хўжалик субъектлари ўртасида рақобат шароитини ва тўлақонли бозор инфратузилмасини вужудга келтириш;

- минтақани озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа оммавий истеъмол моллари билан ўзини-ўзи таъминлашини ошириш;

- қишлоқ аҳоли пунктларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириши учун қулай шароитларни шакллантириш. Бунинг учун ҳудудга маҳаллий солиқлар бўйича имтиёзлар бериш мақсадга мувофиқдир.

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш орқали унинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини, ҳар бир шаҳар ва туманнинг ташқи иқтисодий фаолиятини кенгайтириш, экспорт ва импорт таркибини оқиланалаштириш, уларда фаолият юритаётган хорижий инвестицияли корхоналар фаолиятини янада яхшилаш ва янги қўшма корхоналарни ташкил этиш.

Минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожланти-

риш дастурини ишлаб чиқиш учун аввалом бор ундаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни умумий баҳолаш мақсадга мувофиқдир.

Бунинг учун қуйидагилар амалга оширилади:

1. Ўтган даврдаги минтақа ва унинг таркибидаги шаҳар ва туманларнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши тавсифи берилади. Бунда уларнинг саноат, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий салоҳиятини баҳолашга алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлади.

2. Минтақанинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши даражаси ва аҳволи тўғрисидаги таҳлилга асосланиб, унинг ривожланишидаги ижобий ва салбий тенденциялари, иқтисодий ривожланиши резервлари ва фойдаланилмаган имкониятлари аниқланади. Шунингдек, келгусида ҳал этилиши лозим бўлган муҳим иқтисодий ва ижтимоий муаммолари аниқланади.

3. Амалга оширилаётган иқтисодий ва ижтимоий ислохотларнинг натижалари, кўп укладли иқтисодиётнинг вужудга келиши ва ривожланиши, шунингдек, ҳудудий бозор инфратузилмаси аҳволи баҳоланади.

4. Минтақадаги тармоқлар ва йирик саноат корхоналарининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлил қилинади, уларнинг иш натижалари ёки орқада қолишининг сабаблари ва омиллари аниқланади.

5. Саноат ривожланиши ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиши даражаси белгиланади, ишлаб чиқариш қувватларини экспортга йўналтирилган ва

импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қайта ихтисослаштириш ва кенгайтириш учун қўшимча захиралар ва ресурслар аниқланади. Минтақа имкониятларини ҳисобга олган ҳолда устувор аҳамиятли тармоқлар ва ишлаб чиқаришлар аниқланади.

6. Минтақа ва унинг таркибидаги шаҳар ва туманлар аҳолисини ўзида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминланганлиги, уларни ҳудуддан чиқариш ва киритиш баланси, агроресурс салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлиги, шунингдек, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги, ва чорва моллари маҳсулдорлигининг ўсиши (пасайиши) омиллари ва сабаблари баҳоланади.

Минтақанинг табиий-иқтисодий салоҳиятини баҳолаш қўйидагиларни ўз ичига олади:

1. Минтақанинг меҳнат, ер-сув ва минерал хомашё ресурслари билан таъминланганлиги миқдорий ва сифат баҳоси берилади.

2. Ҳудуддаги демографик вазият, аҳолининг иш билан бандлиги кейинги ўн йиллик давр бўйича баҳоланади. Ишсизлик даражаси, шу жумладан унинг яширин шакллари баҳоланиб, аҳоли ва меҳнат ресурслари сони прогноз қилинади.

3. Фойдали қазилма бойликлари захиралари, уларнинг ўзлаштирилган аҳоли таҳлил қилинади. Минтақа минерал-хомашё базаси имкониятлари, қўшимча молиявий ресурсларни жалб этишни ҳисобга олган ҳолда баҳоланади. Шунингдек, қазиб



чиқарувчи корхоналарнинг фойдали қазилма бойлик-лари билан таъминлангани, уларнинг конларни ўзлаштириш харажатлари ўрганилади.

4. Минтақада ер-сув ресурслари билан таъминлангани уларнинг аҳволи, ерларнинг мелиоратив аҳволи, ер бонитетлари ўрганилиб, мелиоратив яхшилаш истиқболлари ўрганилади.

5. Минтақанинг ишлаб чиқариш, транспорт ва алоқа инфратузилма салоҳияти ўрганилади. Аҳолининг ижтимоий инфратузилма объектлари ва хизматлари билан таъминланганлиги даражаси баҳоланади.

6. Минтақада ишлаб чиқарувчи кучларини, янги корхоналарни жойлаштириш учун истиқболли туман, шаҳар, йирик аҳоли яшаш пунктлари танланади.

Минтақа ва унинг таркибидаги ҳудудни ривожлантириш дастурларини амалга ошириш йўналишлари белгиланади. Ривожлантириш дастурларини амалга оширишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Дастурда минтақани, шаҳар ва туманлар иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан истиқболда ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва кўрсаткичлари баён қилинади. Бунда асосий эътибор янги ишчи ўринлари, табиий, молиявий, меҳнат ресурсларини, ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланишга қаратилади.

Бу йўналишлар қуйидагиларни ифодалаши лозим:

1. Минтақанинг истиқболдаги эҳтиёжлари ва ҳудудлараро айрибошлаш имкониятларини кенгайти-

риш асосида иқтисодий мақбул тармоқ ва ишлаб чиқаришлар аниқланади. Истиқболда тармоқларни ривожлантиришнинг иқтисодий кўрсаткичлари, тармоқ таркибининг ўзгариши, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ҳажми прогноз қилинади. Бунда амалдаги корхоналарни техник, технологик ва ташкилий жиҳатдан янгилаш муаммоларига алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш янада чуқурлаштирилади, нисбатан кичик корхоналар ривожлантирилади. Бу корхоналарда маҳаллий минерал-хомашё ва қишлоқ хўжалик ресурсларидан фойдаланилади.

2. Минтақада янги корхоналарни қуриш, фаолият юритаётган корхоналарни реконструкция қилиш, ихтисослигини ўзгартириш зарурлиги асосланади; йирик объектларга қўшимча маблағлар жалб қилиш ҳисоб-китоблари амалга оширилади.

3. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари, экин майдонлари таркибининг ўзгариши, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг натурал ҳажми прогноз қилинади. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини, чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш йўллари ва манбалари белгиланади. Янги технологияларни жорий этиш кўзда тутилади.

4. Минтақада хомашёларни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган тугалланган циклдаги ишлаб чиқариш тармоқларини, қишлоқ хўжа-

лиги маҳсулотларини сақлаш ва сотиш шаҳобчаларини вужудга келтириш, хорижий инвестицияли қўшма корхоналарни вужудга келтириш орқали янги замонавий технологияларни, хўжалик юритиш шаклларини ва бошқариш усулларини жорий этиш.

5. Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш ва табиий ресурслардан фойдаланиш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида транспорт тизими ва коммуникацияларини ривожлантириш истиқболларини асослаш.

6. Мулкдорлар синфини вужудга келтириш бўйича вазифаларни ҳал этиш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтисодиётдаги улушини кўпайтириш, бозор инфра-тузилмасини ривожлантириш.

7. Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш қўламларини, параметрлари белгиланади. Бунда ташқи савдо таркибий тузилишини такомиллаштиришга, маҳаллий хомашё ресурсларини ҳисобга олган ҳолда хорижий инвестицияли корхоналарни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқдир.

8. Дастурда табиий ташқимуҳитни, табиатни муҳофаза қилиш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш тадбирлари, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш чора-тадбирлари ҳам ўз ифодасини топади.

Ҳар бир минтақавий дастурда уни амалга ошириш механизми кўзда тутилиши керак. Бу механизмда

дастурни молиявий, иқтисодий ресурслар билан таъминланиши муҳим ўрин тутди.

Дастурни ишлаб чиқишда ҳар бир тадбир ва тармоқ бўйича турли ресурсларга бўлган талаб, эҳтиёж ҳисоб-китоб қилинади. Шундан сўнг дастур бўйича унинг ресурслар билан таъминланиш манбалари аниқланади. Дастурлар ресурслар баланслаштирилади. Мақсадлар ва ресурслар ўртасидаги мувофиқлик таъминланади. Дастурларни молиялаштириш манбаларини аниқлаштиришда аввалом бор маҳаллий ресурслар ва имкониятлар ҳисобга олинади.

Жойлардаги маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари маҳаллий бюджет, тадбиркорлар ва корхоналар ўз маблағлари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, аҳоли маблағларини жалб қилинадиган хорижий инвесторлар, ҳудуддан ташқаридаги ташкилот, корхоналар маблағларини ҳамда банк кредитларини ҳудудий дастурни амалга оширишга жалб қилиш чора-тадбирларини амалга оширишлари лозим бўлади.

Шунингдек, мазкур дастурларни амалга оширишда республика бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар, Ўзбекистон Республика тараққиёт ва тикланиш жамғармаси маблағларини ҳам жалб этилиши мумкин.

Дастурларни ишлаб чиқишда ундан кутилаётган натижалар қандай бўлиши олдиндан белгиланиши лозим. Дастурларни амалга оширишнинг ижтимоий-иқтисодий натижалари сифатида ялпи ҳудудий

маҳсулот, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари, умумий ҳажми аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш суръатлари олинади. Шунингдек, аҳоли турмуш даражаси ва унинг иш билан бандлиги, аҳоли жон бошига даромадларининг ўсиши, аҳолининг газ, электр энергия, тоза ичимлик суви, уй-жой билан таъминланишининг яхшиланиши, минтақанинг ўзини-ўзи озиқ-овқат, бошқа истеъмол товарлари билан таъминланишининг яхшиланиши кўрсаткичлари дастурларнинг бажарилиши натижалари ҳисобланади.

Дастурларни бажарилишини ташкилий жиҳатдан таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Дастурларни амалга оширишда бутун масъулият жойлардаги маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари зиммасига юклатилади. Мақсадли ҳудудий дастурни экспорт баҳолаш, умумий назорат қилишни Вазирлар Маҳкамасининг тегишли бошқарма ва бўлинмалари амалга оширадилар.

Бунда республика ҳукумати ва жойлардаги маҳаллий ҳокимият органларининг мақсадли ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш, амалга оширишдаги ваколатлари ва вазифалари аниқ белгиланиши лозим бўлади.

Минтақавий ва ҳудудий дастурларнинг самарадорлигини ошириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- етарли даражада ривожланмаган, умумреспублика даражасидан орқада қолаётган ҳудудларни

ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишнинг ягона методикасини тасдиқлаш;

- республика шаҳар ва қишлоқ туманларидаги иқтисодий ва ижтимоий аҳволини мониторинг қилиш, уларни ривожланиш даражаларига кўра типологиясини ишлаб чиқиш;

- минтақавий дастурларни, орқада қолган туман ва шаҳарларни қўллаб-қувватлаш дастурларининг лойиҳаларини экспертизадан ўтказишни ташкил этиш;

Жойларда ҳудудларни ривожлантириш дастурларини самарали бошқариш мақсадида вилоят, шаҳар, туман ҳокимликларига қуйидаги вазифаларни юклаш мақсадга мувофиқ бўлади:

- минтақа, шаҳар ва туманларни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш, бунинг учун тегишли инвестициявий дастурни тузиш бўйича таклифлар бериш;

- дастур асосида қўллаб-қувватлашга муҳтож, муаммоли шаҳар, туман, аҳоли пунктларини ажратиш ва белгилаш;

- улар асосида маҳаллий дастурларни шакллантириш ва амалга ошириш дастурларини республиканинг минтақавий сиёсати устуворликлари ва тамойилларига мувофиқлаштириш;

- маҳаллий дастурлар лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва улар асосида ягона дастурларни шакллантириш ҳамда уларни кўриб чиқиш, тасдиқлаш учун ҳудудий ривожлантириш бўйича Республика комиссиясига тақдим этиш;

- маҳаллий дастурларни амалга оширишга раҳбарлик қилиш ва бажарилишини назорат қилиш, дастур бўйича жорий ахборотларни, ҳисоботларни мунтазам бериб бориш.

#### **4.2. Ўзбекистонда минтақа ва ҳудудларни ривожлантиришни давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш**

Бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар тажрибаси минтақавий сиёсат тартибга солиш усуллари орқали мамлакат иқтисодиёти таркибий тузилишини ўзгартиришга таъсир этади. Ўзбекистонда минтақа, унинг таркибидаги туман ва шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини давлат томонидан тартибга солишдан кўзланган бош мақсад уларни барқарор ривожлантиришни рағбатлантириш ва иқтисодий-ижтимоий ривожланиши даражаларида кескин фарқларнинг вужудга келишига йўл қўймаслик учун шароит яратишдан иборат.

Мамлакат ҳудудларини иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини тартибга солиш мақсадини амалга оширишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- мамлакатнинг барча минтақа ва ҳудудларини барқарор ривожлантириш уларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражаларини имкон даражада тенглаштириш;

- минтақаларнинг табиий-иқтисодий салоҳиятидан

самарали фойдаланиш;

- ишлаб чиқарувчи кучларнинг жойлаштирилиши ва ривожланишидаги асоссиз вужудга келтирилган номутаносибликни бартараф этиш;

- минтақа ва ҳудудларнинг ихтисослашувини оқилонлаштириш, шаҳарлараро ва туманлараро иқтисодий алоқаларни оптималлаштириш;

- минтақалар ички ва ташқи иқтисодий интеграциялашуви, айрим минтақа ҳамда ҳудудларнинг иқтисодий ва ижтимоий биқиклигига барҳам бериш.

Давлат томонидан иқтисодиётни тартибга солишнинг ҳуқуқий шакллари сифатида қонунлар, қонуности ва суд ҳуқуқий ҳужжатлар, актлар хизмат қилади. Ўзбекистонда минтақа ва ҳудудлар ривожланишини тартибга солишда Президент Фармонлари ва Қарор, Фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари муҳим роль ўйнамоқда.

Минтақа ва унинг таркибидаги ҳудудлар ривожланишини тартибга солишнинг ташкилий-институционал таркиби республика ижро ҳокимияти даражасида Вазирлар Маҳкамаси, кўпгина вазирлик ва идоралар томонидан шакллантирилади.

Минтақа, шаҳар ва туманларни ривожлантириш бўйича умумий сиёсат Президент раҳномалигида Вазирлар Маҳкамаси, шу жумладан, Иқтисодиёт вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Айрим иқтисодиёт секторлари ва йўналишлари бўйича минтақавий ва ҳудудий муаммолар билан Марказий банк, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвести-



циялар ва савдо вазирлиги, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси, қурилиш ва архитектура бўйича қўмита, "Ўзкоммунхизмат" агентлиги ва бошқалар шуғулланадилар.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида минтақа ва ҳудудларнинг иқтисодий, ижтимоий ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш қуйидаги йўналишларда амалга оширилди:

- минтақа, шаҳарларни, туманлар гуруҳини ва туманларни комплекс ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш;

- минтақалар минерал-хомашё ресурсларини комплекс ўзлаштириш, ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, ташқи атроф муҳитни муҳофаза қилиш;

- саноат ва унинг тармоқларини ривожлантиришнинг ҳудудий ва республика дастурларини ишлаб чиқиш, фаолият юритаётган ишлаб чиқариш қувватларини профилини ўзгартириш, хорижий инвестицияли янги корхоналарни қуриш;

- минтақалар қишлоқ хўжалигини уларнинг табиий-иқлим хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ихтисослаштириш, қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни ривожлантириш ва янада чуқурлаштириш бўйича республика, ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- иш билан бандлик, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, қишлоқ аҳолисини табиий газ ва ичимлик суви ва бошқалар билан таъминлаш бўйича республика дастурларини амалга ошириш;

- республика ва маҳаллий бошқарув тизимларини такомиллаштириш;

- маҳаллий бюджетни мустаҳкамлаш, ривожланиши орқада қолган ёки қийин экологик вазият юзага келган шаҳар ва туманларга дотация ва субвенциялар ажратиш;

- бошқаришнинг ҳудудий-хўжалик тизимини оқилона ташкил этиш мақсадида мамлакатни маъмурий-ҳудудий бўлинишини такомиллаштириш.

Минтақа ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари иқтисодий базасига, мамлакатдаги бюджет тизимига, тадбиркорликнинг ривожланиш кўламига, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш шакллари ва усулларига, тезлигига, солиқ имтиёзларини қўллаш тажрибасига, бюджетдан ташқари жамғармалар, молиявий ресурсларга, ҳудуднинг инвестициявий ва экспорт имкониятларига, вилоятлараро, туманлараро ва ташқи иқтисодий алоқаларга, бозор инфратузилмаси объектлари ривожланиш даражасига, аҳолининг иш билан бандлик муаммоларининг хусусиятларига ва ҳудуддаги экологик вазиятга боғлиқ.

Минтақа ва унинг таркибидаги ҳудудлар ривожланишини давлат томонидан тўғридан-тўғри тартибга солиш республика бюджети, дотация ва субвенциялар ҳисобига мақсадли дастурлар ва йирик инвестиция лойиҳаларни амалга ошириш орқали бўлади.

Давлат томонидан минтақаларни ривожлантиришни тартибга солиш мақсадида қуйидаги дастурлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

1. Саноатни ривожлантириш дастурлари.

2. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни тартибга солиш. Бунда қуйидаги тартиблаш усулларидан фойдаланилмоқда.

- минтақа ва ҳудудларда маҳсулот ҳажмини, қишлоқ хўжалиги экин майдонларини ва уларнинг ихтисослашувини тартибга солиш;

- қишлоқда ижтимоий ва бозор инфратузилмасини вужудга келтириш;

- қишлоқ хўжалиги ерларининг мелиоратив аҳолини яхшилаш;

- қишлоқ хўжалиги корхоналари моддий-техника базасини яхшилаш ва мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш бўйича корхоналар тармоғини яратиш;

- табиатни муҳофаза қилувчи ва гидротехник қурилмаларни қуриш;

- зарар кўриб ишловчи ва паст рентабелли қишлоқ хўжалиги корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастурига мувофиқ қишлоқда мулкдорлар синфини фермер хўжаликларини шакллантириш, жараёнлари давом эттирилди, тупроқ унумдорлигини ошириш, селекция ва уруғчиликни яхшилаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳажмларини ўстириш чора-тадбирлари кўрилади.

3. Минтақа ва унинг таркибидаги ҳудудларнинг экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва қўшма корхоналарни ташкил этишни тартибга солиш.

Эндиликда республика минтақа ва ҳудудларида, айниқса кам ривожланган шаҳар ва туманларда қўшма корхоналар ташкил этиш хорижий инвестицияларни жалб этиш мақсадида мақсадли дастурлар тузиш ва уларни рағбатлантириш учун солиқ, бож, кредит имтиёзлари механизмини яратиш мақсадга мувофиқдир.

4. Транспорт-коммуникация тизимини ривожлантириш. Минтақаларда темир йўллар, автомобил йўллари қуриш давлат минтақавий сиёсатининг муҳим қисми ҳисобланади. Бунинг оқибатида вилоятлараро, шаҳарлараро, туманлараро ва ташқи иқтисодий алоқалари кучаяди, тадбиркорлик, бизнес ривожланиши, хорижий инвестицияларни жалб этиш учун қулай муҳит яратилади.

5. Минтақалар ва ҳудудларнинг ижтимоий ривожланишини тартибга солиш. Ижтимоий соҳани тартибга солишда республика, ҳудудий ва маҳаллий бошқариш даражалари мавжуд бўлади. Уларнинг ижтимоий ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш территориал дастурлар орқали амалга оширилади.

Ўзбекистонда қабул қилинган дастурларни амалга оширишда ва минтақа ҳамда ҳудудларнинг ривожланишини тартибга солиш механизмини такомиллаштириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- минтақаларни ривожлантириш бўйича республика ва маҳаллий дастурларни танлашнинг ва уларни амалга оширишни асослаш ва навбатга қўйиш тизимини шакллантириш;

- республика ва ҳудудий дастурларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш, бунинг учун маҳаллий ҳокимликлар ва тегишли вазирликларнинг масъулиятини ошириш;

- иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш бўйича давлат дастурларининг минтақавий жиҳатларини кучайтириш;

- тармоқ дастурларининг минтақавий ва ҳудудий жиҳатларини мониторингини ташкил этиш;

- минта иқтисодиётининг тармоқ тузилишини ҳамда уларнинг имкониятлари, заҳираларини чуқур ўрганиш ва ҳисобга олиш асосида прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

- дастурларни амалга ошириш устидан қатъий назоратни кучайтириш, назорат тизимини яратиш.

Минтақалар ривожланишини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш учун маъмурий қарорлар қабул қилиш билангина чекланиб қолмасдан, шу билан бирга иқтисодий рағбатлантириш тавсифига эга бўлган дастак ва усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Молиявий қўллаб-қувватлаш учун маълум минтақа ёки унинг айрим ҳудудини танлашда улардаги муаммоли ҳолатларни чуқур ўрганиш лозим бўлади.

Ҳукумат томонидан минтақа, шаҳар ва туманларни ташқи иқтисодий фаолият юритишида, шунингдек, ташкилий-ахборот, хорижий кредитлар ва грантлар олишда, хорижий инвестицияларни жалб қилишда, халқаро дастурлар ва техник кўмаклар лойиҳаларида иштирок этишда ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлаш керак бўлади.

Минтақа, шаҳар ва туманлар ривожланишни тартибга солишда молиявий механизмлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир. Уларни ривожлантириш учун 1999 йилгача мавжуд бўлган бюджетлараро трансфертлар ўз маблағлари минимал харажатларни қоплай олмайдиган минтақа, шаҳар ва туманларга субвенциялар шаклида берилар эди. Субвенциялар ҳажми Давлат бюджети лойиҳаси билан биргаликда тасдиқланади. Маблағлар биринчи навбатда ҳудудларнинг иш ҳақи, стипендиялар, нафақа ва пенсияларни молиялаштиришга ажратилади.

2000 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги қонуни бу тизимга баъзи ўзгартиришлар киритди. Бу ўзгаришлар жумласига маҳаллий бюджетларнинг дефицитсизлиги тўғрисидаги қоида киритилди. Шунингдек, маҳаллий ҳокимликларга тасдиқланган параметрлардан юқори, қўшимча тарзда тушган даромадлардан ўз эҳтиёжлари учун ишлатиш ҳуқуқи берилди.

Маҳаллий бюджетларни баланслаштириш умумдават солиқлардан ажратмалар нормативларини ва берилган дотацияларни тартибга солиш орқали амалга оширилади. Республика ҳукумати томонидан маҳаллий ҳокимият органларига ва ўзини ўзи бошқариш органларига давлат бошқаруви ваколатларининг бир қисмининг ўтказилиши оқибатида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳамда улар таркибидаги шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг ролини оширади.

## Хулоса

Иқтисодийётни модернизация қилиш техник ҳамда технологик янгилашни жадаллаштириш ишлаб чиқаришни диверсификация қилишга қаратилган Давлат инвестиция дастурини, ҳудудий инвестиция дастурларни, маҳаллийлаштириш дастурлари ижросини таъминлаш учун қуйидагилар амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир:

-мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада изчил такомиллаштириб бориш;

-Ўзбекистон Республикаси Иқтисодийёт, Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликларининг тегишли бошқармалари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари биргаликда инвестиция ва маҳаллийлаштириш дастурларининг ижросини мунтазам мониторинг қилиб боришлари, дастурларга киритилган корхоналар дуч келаётган муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш чора тадбирларини биргаликда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

-юртимиз минтақа ва ҳудудларида янги турдаги маҳсулот хизматлар ишлаб чиқаришни импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаларини маҳаллий инвестиция дастурларига, маҳаллийлаштириш дастурига киритишга қўмаклашиш; бунинг учун минтақа ва улар таркибидаги шаҳар ҳамда туманларда йирик ва кичик тадбиркорлик корхоналари ўртасида саноат кооперация алоқаларини ривожлантириш учун қулай

шарт шароитларни яратиш ишларини давом эттириш;

-ҳар бир минтақа, шаҳар ва туманларнинг инвестиция салоҳиятини ифодаловчи маълумотлар тақдироти тайёрлаш, уларни доимий тарзда янгилаб бориш ҳамда уларни турли семинар, кўргазма, интернет вебпорталларида намойиш этиш “Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси”, Бозор, пул ва кредит” Uzbekistan - Central Asia” Экономическое обозрение, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ва бошқа чет элликлар ҳам ўқийдиган журнал ҳамда нашрларда бериб бориш;

-Республика минтақалари, шаҳар ва туманларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаларини бир-бирига яқинлаштиришга қаратилган минтақавий сиёсат доирасида уларни ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг 2020 йилга ҳатто 2030 йилга мўлжалланган стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Бунинг учун Андижон вилояти тажрибасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Худудий инвестиция дастурларини самарали амалга оширилишини таъминлаш бўйича қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

-Худудий дастурларга киритилган лойиҳаларни амалга оширилишига ҳалал бераётган, тўсқинлик қилаётган ёки қилиши мумкин бўлган муаммоларни мунтазам равишда ўрганиб бориш ва ўз вақтида бартараф этиш чораларини кўриш;

-шаҳар ва туманлардаги бўш ёки самарали фойдаланилмаётган бино ва иншоотлар тўғрисидаги аниқ



маълумотларни аниқлаб, уларни тадбиркорлик субъектларига берилишини таъминлаш;

- жойларда маҳаллий инвестиция лойиҳаларини самарали амалга ошириш учун уларни энергия, газ, сувваканизация, иссиқлик таъминоти ва бошқа шукаби муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишини ҳамда улар билан узлуксиз таъминлаш чора-тадбирларини кўриш.

Худудий тасарруфдаги корхоналар ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси фаолиятида иштирокини янада кенгайтириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади:

✓ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳамда Савдо ва саноат палатасининг ҳамда Фермерлар кенгашининг жойлардаги бўлинмалари, шунингдек, тадбиркорликка қўмаклашувчи Нодавлат ва нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперацияси доирасида, шунингдек, инвентаризация натижалари бўйича импорт қилинаётган тайёр маҳсулот, эҳтиёт қисмлар ва материалларни ўзлаштириш бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқиш;

✓ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини саноат кооперациясига жалб этиш учун ички бозор талаби ҳамда импорт таркиби таҳлили натижа-сида маҳаллийлаштириш дастурига тавсия этилган маҳсулотларни ўзлаштириш ҳамда янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш учун бўш биноларни, ишлатилмаётган технологик

асбоб-ускуналарни ижарага беришда, саноат ярмаркалари доирасида берилган таклифлар асосида кичик бизнес корхоналари билан кооперация алоқаларини ривожлантириш ва чет эл корхоналари билан ҳамкорлик ўрнатишда, маҳаллийлаштириш ва кооперацияни ривожлантириш асосида янги турдаги маҳсулотларни сифатли ва талаб даражасида ишлаб чиқаришни ташкил этишда корхоналарга кўмаклашиш мақсадга мувофиқдир.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги (янги таҳрири) Қонуни, 2003 йил 29 август.

3. Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги Қонуни. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

4. Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги 14.12.2000 й. № 158-II сонли Қонуни.

5. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги 26.08.2004 й. № 664-II сонли Қонуни

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чоратадбирлари тўғрисида. 2008 йил 18 ноябрь, ПФ-4053-сон.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чоратадбирлари дастури тўғрисида. 2008 йил 28 ноябрь, ПФ-4058-сон.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини кучга киритиш тўғрисида. 2009 йил 26 январь, ПҚ-1046-сон.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 26 январь, ПҚ-1047-сон.

10. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 16.05.2008 й. №80 сонли “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг даромадлар таснифи, харажатларнинг функционал ва иқтисодий таснифи, ҳамда маблағлар манбалари ва бюджет даражаси таснифини тасдиқлаш тўғрисида” ги буйруғи.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йилд 4 март “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш ва таркибий ўзгартиришни таъминлашнинг дастурий чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-4707 сонли Фармони

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 март “2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл транспорт инфратузилмаларини ривожлантириш ва модернизациялашнинг дастури тўғрисида” ги ПҚ-2313 сонли қарори.

13. Каримов И.А. “Асосий вазифамиз-ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” Т.:“Ўзбекистон”,2010.

14. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонун-чилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маърузаси. –Т.:Ўзбекистон, 2010. -56 б.

15. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Т.: “Ўзбекистон”, 2011. – 48 б.

16. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади: Мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ри-вожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза /И.А.Каримов. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014. – 64 б. Ўзбек ва рус тилларида.

17. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш - устувор вази-фамиздир: Мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза И.А.Каримов. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – 72 б. Ўзбек ва рус тилларида.

18. Каримов И.А.Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни

изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир: мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2016 йил 15 январь. //Халқ сўзи, 2016 йил 16 январь.

19. Абулкасимов Ҳ.П. Макроиқтисодий тартибга солиш ва Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши.- Т.:Akademiya, 2011.-186 бет.

20. Абулқосимов Ҳ.П. Иқтисодиётни тартибга солишнинг бозор ва давлат механизмлари.- Т.:Akademiya,2012.- 455 бет.

21. Абулқосимов Ҳ.П. Давлатнинг иқтисодий ҳавфсизлиги. Ўқув қўлланма.- Т.:Akademiya,2012.- 352 бет

22. Abulkasimov H., Hamraev O. Iqtisodiyotni davlat tomonidan tartibga solish.- Т.: "Iqtisod-moliya", 2014. - 304bet

23. Грицюк Т. "Государственное регулирование экономике".-М.,2005г.

24. Капканщиков С.Г. Государственное регулирование экономики: учебное пособие / С.Г. Капканщиков. - 5-е изд., стер. — М.: КНОРУС, 2013. - 520 с. — (Бакалавриат).

25. Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет – солиқ сиёсати.-Т.: Академнашр, 2011.

26. Шахмалов Ф. Государство и экономика: основы взаимодействия. -Москва: Экономика, 2000.

27. Баловский Л.Е. «Прогнозирование и планирование в условиях рынка» М.: Инфра-М, 2002.

28. Государственное регулирование в условиях перехода к рынку: опыт России и Узбекистан. - Т.: Институт экономики, 2003 г.

29. Силюк, Т.С. Государственная экономическая политика : учебно-методический комплекс / Т.С. Силюк.- Брест : Изд-во БрГУ, 2014. – 115 с.

30. Абулқосимов Ҳ. Глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган шароитда Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланиши.//Иқтисод-молия, 2014 йил 8-сон. 2-10-бет.

31. Абулқосимов Ҳ.П., Абулқосимов М.Ҳ. Корхона иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлашнинг айрим масалалари.//Biznes- Эксперт, 2015 йил, 4-сон, 8-12-бет.

32. Asisov U. Econometric modeling of stable economic growth of Uzbekistan.// Молия, 2014 йил 2-сон, 5-17-бет.

33. Айтмуратов У.Ж., Якубов С. Иқтисодиётни диверсификация қилишда инвестицияларнинг ўрни.// Biznes- Эксперт, 2015 йил, 4-сон, 22-25-бет.

34. Дорощенко С.В., Шеломенцев А.Г., Хусаинов Б.Д. “Сыревое проклятие” национальных экономик: вызов или императив развития. // Иқтисод ва молия, 2015 йил 2-сон, 28-37-бет.

35. Имомов Р. Н. Аграр соҳани давлат томонидан тартибга қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш

йўналишлари. // Иқтисод ва молия, 2015 йил 2-сон, 62-66-бет.

36. Умаров И.И.Мамлакат экспорт таркибини диверсификация қилиш ташқи иқтисодий хавф-хатарларнинг олдини олишнинг муҳим омили //Иқтисод ва молия, 2014йил 4-сон, 7-11-бет.

37. Хайдаров М.Т. Солиқ сиёсатини такомиллаштиришда ижтимоий ҳамкорликнинг аҳамияти.//Иқтисод ва молия, 2014 йил 8-сон. 31-36-бет.

38. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)

39. [www.uzreport.com](http://www.uzreport.com)

40. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)

41. [www.review.uz](http://www.review.uz)

42. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)

43. [www.mf.ru](http://www.mf.ru)

44. [www.economics.ru](http://www.economics.ru)

45. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

46. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

47. [www.mineconomy.uz](http://www.mineconomy.uz)

48. [www.mehnat.uz](http://www.mehnat.uz)



# МУНДАРИЖА:

Кириш .....	3
<b>I боб. Минтақавий иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг назарий асослари .....</b>	<b>7</b>
1.1. Минтақавий иқтисодиёт ва давлат минтақавий сиёсатининг моҳияти, принциплари, мақсадлари.....	7
1.2. Минтақа ва ҳудудлар ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш усуллари ва воситалари .....	11
<b>II боб. Ўзбекистонда давлатнинг минтақавий сиёсати ва минтақалар иқтисодиётини ривожлантириш масалалари.....</b>	<b>19</b>
2.1. Ўзбекистонда минтақавий сиёсатнинг ўзига хос хусусиятлари.....	19
2.2. Ўзбекистон Республикаси минтақаларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши тенденциялари. ....	31
2.3. Фаол инвестиция сиёсати ва минтақалар иқтисодиётини модернизация қилиш, техник ватехнологияни янгилаш жараёнлари. ....	46
2.4. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги роли. ....	64

<b>III боб. Минтақа иқтисодий ҳавфсизлиги ва уни таъминлаш механизми .....</b>	<b>78</b>
3.1. Минтақа иқтисодий ҳавфсизлиги .....	78
3.2. Минтақа иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлаш механизми .....	86
<b>IV боб. Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари .....</b>	<b>94</b>
4.1. Ўзбекистонда минтақа ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш механизмини такомиллаштириш .....	94
4.2. Ўзбекистонда минтақа ва ҳудудларни ривожлантиришни давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш .....	108
<b>Хулоса.....</b>	<b>116</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>120</b>

Ҳасан Пирназарович Абулқосимов  
Мурод Ҳасанович Абулқосимов  
Феруза Мажидовна Муродхўжаева

**ДАВЛАТНИНГ МИНТАҚАВИЙ  
СИЁСАТИ ВА ҲУДУДЛАР  
РИВОЖЛАНИШИНИ ТАРТИБГА  
СОЛИШ ЙЎЛЛАРИ**  
монография

Мухаррирлар: *Dilmurod Jumaboev,*  
Мусахҳихлар: *Шоҳида Холмирзаева,*  
Компьютерчи: *Абдулазиз Тошпулатов*

02.02.2016 йилда теришга берилди. 10.03.2016 йилда  
босишга рухсат этилди. Хажми 8 босма табоқ.  
Адади 100 нусха.

**Namangan» nashriyoti**  
Namangan shahri, Navoiy, 36

**Nashriyot litsenziya raqami AI-156**  
2009-yil 14-avgustda berilgan.

---

«Наманган» нашриёти. Наманган шаҳри, А. Навоий кўчаси, 36-ўй.  
«Фазилаторгсервис» хусусий корхонасида чоп этилди.  
Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 72-ўй.

